




ЎТКИР РАШИД

ЙИЛЛАР ҚЎШИҒИ

*Шеърлар
Қўшиқлар
Ҳажвиёт
Балладалар
Болаларга*

2016/199



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САЊАТ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ — 1977

УЗ
Р 31

Р $\frac{70403-56}{352(06)-77}$ 31-77

ИЖОДКОРНИНГ УЛУШИ

Бундай қараганда, Ўткир Рашид уч соҳанинг вакили: иқтидорли педагог сифатида узоқ йиллардан буён студентларни замонамиз талабларига мос, коммунистик жамият қуриш ишига лойиқ ва коммунистик идеалларимизга садоқатли инсонлар бўлиб етишишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Бадний адабиётнинг инсон ҳаётидаги ўрни ва вазифаси гоёат улуғ ва муқаддасдир. К. Маркс «Бадний асарларни ўқиш — ҳаётни ва унинг кураш қонуниятларини билишнинг бебаҳо манбаидир», деб бекорга айтмаган. Ёки Максим Горькийнинг «Адабиётнинг вазифаси — инсоннинг ўз-ўзини тушунишига ёрдам беришдир, унинг ўзига бўлган ишончини ошириш ва ҳақиқатга бўлган интилишини кучайтиришдир, одамлардаги ярамас нарсалар билан курашда, улардаги яхши томонларни топа олишда, улар қалбида уят, ғазаб, жасорат уйғотишда ёрдамлашишдир, токи одамлар мардонавор бўлишсин ва гўзалликнинг муқаддас руҳи билан ўз ҳаётларини жонлантира олсинлар»,— деган ажойиб сўзларини эслайлик. Адабиёт ўқитувчисининг олдида ёшларда мана шундай улуғ қудрат ва катта имкониятга эга бўлмиш бадний адабиётга, санъатга муҳаббат уйғотишдек муқаддас вазифа туради. Ўткир Рашид бир томондан шуни ўташга интилиб келмоқда.

Албатта, бадний адабиётнинг ажойиб, мўъжизакор кучи ва «сир»ини билиш ҳамда буларни ёш авлодга аниқлаш учун аввало таълим берувчининг ўзи бу нарсалардан хабардор бўлиши керак. Фан кандидати бўлмиш Ўткир Рашид илм соҳасида ҳам ўн йиллардан буён қалам тебратиб келар экан, асосий диққатини қўшиқчиликнинг долзарб масалаларини ечишга ва айниқса, бо-

лалар адабиётининг тараққиёт йўллариини, маҳорат «сир»ларини, етишмовчиликлари ва ютуқларини ёритишга қаратди. Токи болалар учун яратилаётган асарлар улар талабига, руҳий эҳтиёжига жалоб берсин деди. Аммо қўшиқчилик тўғрисида ҳам, болалар адабиётининг аҳволи тўғрисида ҳам ташқаридан кузатиб туриб фикр юритмади, балки шу соҳаларнинг вакилларидан бири сифатида сўзлади. Шунинг учун у илмий, айти чокда, амалда бадний асарлар ҳам ёзиб борди. У аудиторияда студентларга лекция ўқир ёки айтайлик, болалар адабиётини борасида илмий ишлар ёзар экан, бадний ижод қонунятларидан бевосита хабардор ижодкор сифатида кўринди. Зотан Ўткир Рашид аввал бадний ижод даргоҳига қадам ташлаб, кейин педагоглик ва олимликка ҳам ихлос қўйди.

Кўрииб турибдики, Ўткир Рашид аслида уч соҳанинг одами эмас, учовининг асл моҳияти ягона, фақат бир фазилатнинг уч қиррасидан иборат. У шу уч соҳада қўлидан келганича ҳаракат, меҳнат қилиб келмоқда. Шоирнинг «Ёшлик» (1937), «Шеърлар» (1939), «Ўртоқлар» (1948), «Меҳнат тантанаси», «Йиллар ва одамлар» (1951), «Икки ўртоқ», «Энг ўзгир нима?», «Умр қўшиқлари» (1961), «Қўшиқлар гулдастаси» (1966), «Равшанжон ва айиқча» (1967), «Гулшан диёрим» (1970), «Акам бўласиз», «Эсим қурсин», (1973) ва «Катта бўлсам» (1975) каби шеър, қўшиқ китоблари, очерк ва ҳажвиялари ҳамда «Қудалар», «Катта ҳаёт», «Қудрат» каби драматик асарлари унинг мана шу ижодий изланишларининг маҳсулидир. Бу асарлар яна шундан далолат берадики, Ўткир Рашид йиққан ҳаётний материаллари, фикрлари, мақсад ва ижодий ниятидан келиб чиқиб, лозим бўлса ёшлар учун, лозим бўлса катталарга асар ёзади, жанрнинг ҳам ўша фактлар ва ижодий ниятидан келиб чиқиб қулайига муурожаат этади.

Аммо Ўткир Рашид ижодининг салмогини унинг қўшиқлари белгилайди ва у республикаимизда қўшиқчи шоир сифатида анча танилган. Қўшиқ жанри табиатан соддалик, ихчамликни, фикрий теранлик ва лўндаликни, конкретлик ва мусиқийликни талаб қилади. Ўткир Рашид ижодининг бошидан бу жанрнинг ана шу қонуниятини эгаллашга ҳаракат қилди. Дарвоқе, илк шеърларидаёқ унинг қўшиқчиликка мойиллиги сезилганди (биринчи шеъри

матбуотда 1936 йилда босилганди). Бу — Ўткир Рашиднинг ўз шеърларида ҳаёт шодийонаснни, меҳнаткаш халқнинг кўтаринки руҳини, давр оҳангини ифодалашга ҳаракат қилишида намоён бўлди. У 1937 йилда ёзган бир шеърда шундай деганди:

Бугун даврим ёзди ноёб улуг бахтнома,
Баланд, қувноқ овоз билан ёд этди ҳамма.
Ватан бўйлаб янграмоқда шодлик, тарона
Қутлуг бўлсин бахтли замон, ширин бу дамлар.

Ўша вақтда ёзган «Куйлагайман» қўшиғида ўзининг ижодий программасини аниқ белгилаб:

Куйлагайман доимо бу даври давронимни мен,
Куйлагайман кунга монанд бу ширин онимни мен,—

дейди ва ҳозиргача шу эътиқодига содиқ қолади. Гарчанд Ўткир Рашид қўшиқчиликка қирқинчи йиллардан бошлаб мурожаат қилган бўлса-да, олтмишинчи йилларга келиб бу соҳада жиддий ютуққа эриша олди. Кейинги вақтларда битган қўшиқлари мазмунли, ихчам ва таъсирли. Мавзуи ранго-ранг бу қўшиқларда Ўткир Рашид бирор одам ёки бирор воқеа ҳақида куйлайди. Ана шу воқеавий сюжети, конкретлиги ва соддалиги жиҳатидан шоирнинг талайгина қўшиқлари халқ қўшиқлари руҳи, файзини эслатади. Республика радиосининг қўшиқ репертуарида Ўткир Рашиднинг олтмишга яқин асари бор. Шоирнинг «Кел, деди» (1963), «Гулшан диёрим» (1963), «Айтайин», «Ойга боқсам», «Ўзбекистон, дейдилар» (1969), «Ишқингда ёниб» (1970), «Оналар» (1973), «Ёд этасанму» (1974) каби қўшиқлари тингловчиларга маъқул ва мақбул бўлган. Ҳақиқатан ҳам, шоирнинг қуйидагидек мисралари пахтакорларнинг руҳи ва интилишларига ҳамоҳангдир:

Гул диёрим бор менинг,
Гулшан диёрим бор менинг,
Меҳнату бахтимнинг кўрки,—
Пахтазорим бор менинг.

Халқимиз ҳажвни гоят севади. У доно, қудратли ва ўткир латифалар билан енгил, оромбахш ҳамда бураб олувчи ҳажвий қўшиқлар ҳам яратиб келади. Тингловчилар ҳозирги ҳажвий қўшиқларимизни концерт залларида ҳам, радио ва телеэкран қаршисида ҳам, тўй-маъракаларда ҳам завқ-шавқ билан кутиб олишади. Бу бежиз эмас, албатта. Қўшиқда аслида гўзаллик куйланади, ардоқланади. Ҳажвий қўшиқнинг бош мақсади ҳам инсон деган улуғ ва муқаддас номга соя солувчи ҳар хил ярамас хулқ-одатлардан қутулиб, давримизга муносиб одамлар бўлишга ундашир. Ўткир Рашид ҳам бу соҳада анчагина асарлар ижод қилди. Унинг ҳажвий қўшиқлари, айниқса, ҳажвий шеърларида текинхўрлар, юлгичлар, порахўрлар, бюрократлар, ароқхўрлар, бевафолар, иғвогарлар, такасалтанг ва таннозлар устидан аччиқ кулинади. Ўткир Рашид ҳажвий асарларида ҳам воқеавий сюжетга кўпроқ мурожаат этади, ўша юзсиз одамларнинг хатти-ҳаракати, қилиғи, қилмиш-қидирмишини гавдалантириб, китобхонни кулдиради, уларга нисбатан нафратини оширади. Бунда шоир ўша одамларнинг ўз тили орқали ҳам ўз-ўзини фош эттиради. Шоир ҳажвий шеъргина эмас, балки айни чоқда ҳажвий лапар, дуэт ва яна бошқа қулай шеърий шакллarga мурожаат этади.

Ўткир Рашиднинг болаларга аталган шеърлари ҳам кўтаринки, уларда ҳам она-Ватан жамоли куйланади, болалар орзу-истаклари ифодаланади. Бир шеърда у ёзади:

Фарзанд оилада ҳаёт зийнати,
Турмуш қувончларин бариси шундан.
Отаю онада бир гурур, меҳр —
Тугилар шу фарзанд тугилган кундан.

Ўткир Рашид болаларга — «ҳаёт зийнати»га аталган асарларида уларнинг бугуни ва эртаси ҳақида ўйлайди, уларнинг руҳий соғлом, мақсади улуғ, нияти пок ва ота-оналар бошлаган ишни давом эттиришга қобил, ҳар томонлама етук одамлар бўлишини орзу қилади.

Шоирнинг қатор шеърларида ва «Энг ўзгир нима?», «Иш билмас ва иш қилмас бола ҳақида эртак» каби эртак-дostonларида

меҳнат ва ижод улуғланади, болалар қалбида улкан мақсадларга фақат ҳалол меҳнат ва кураш орқалигина эришиш мумкин деган туйғуни қўзғайди, ўз кучлари ва эртанги кунига ишонч уйғотади. Айниқса, Уткир Рашид болалар номидан, улар тилидан сўзлаб, ёшларнинг қувноқ қалбини, кўтаринки руҳини, романтик туйғу ва кайфиятларини ифодалашга қизиқади. Унинг кўп шеърларининг болалар қалби ва психологиясига мослиги шундан. Шоир болаларнинг нимадан қувониши ва гурурланишини яхши билади. У оталар ва боболар изидан кетаётган ва улар каби партия, халқ ишига содиқ, Ватаннинг асл фарзандлари бўлишга ури-наётган ёшлар тилидан шундай дейди:

Ватаннинг биз мард ўғиллари.
Мардлик бизга отадан мерос.
Чақирса эл меҳнатга, ишга
Тайёрмиз,— деб берамиз овоз.

Боланинг меҳнатсеварлиги ҳам, дўстларига содиқлиги ҳам, мардлиги ва коммунистик идеалларга садоқати ҳам унинг она Ватанига бўлган муҳаббатининг чуқурлиги ва кучлилигига боғлиқ. Болаларда ватанпарварлик туйғусини ўстириш, айниқса, болалар адабиётининг бош вазифасидир. Уткир Рашид ўз асарларининг марказига шу туйғуни ардоқлашни қўяди. Бунинг учун у икки йўлдан боради. Бири шуки:

Бу гўзал, офтоб мисол юрт
Ўзбекистон, дейдилар.
Бу диёр бағрини роҳат,
Боғу бўстон, дейдилар.
Боғлари булбулга ошён,
Тупроғи олтинга кон.
Ранг-баранг сепу чиройи
Элга дoston, дейдилар.

тарзида Ўзбекистон ва бепоен совет Ватанининг гўзаллигини улуғлаш, тасвирлаш орқали ва ёмон одатларни — ишەқмаслик, қўр-

қоқлик кабиларни танқид қилиш орқали боради. Шопр дангаса, лакалов, ноқобил, қолоқ, ўжар болаларни шунчаки танқид қилиб қўя қолмайди, балки уларни қизиқ-қизик воқеалар ва вазиятлар ичига олиб кириб кулгили ҳолатга тушириб қўяди, китобхон уларнинг аҳволидан ҳузур қилиб кулади. Шоир ўшандай болаларнинг ўзининг ёмон қилиқларини тушуниб етишларини кўрсатишга кўпроқ эътибор беради.

Мана шу қисқа кузатишлар ва мулоҳазаларнинг ўтидан ҳам аён бўлиб турибдики, Ўткир Рашид қирқ йилдан буён ижод соҳасида сидқидил билан қалам тебратиб, китобхонларимизнинг маънавий бойишига, ёшларимизнинг ҳар томонлама гўзал одамлар бўлиб шаклланишига ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда. Ижодкор, олим ва педагог сифатида унинг бахти ҳам шунда.

САЛОҲИДДИН МАМАЖОНОВ

ШЕЪРЛАР



Мен шеъримни битирдим тонгда,
Тун ҳам уйқусини битирди.
Ҳаёт янграб янгроқ оҳангда,
Менга янги илҳом келтирди.

Ҳаёт уйғоқ, мана тонг отар,
Ҳаёт кулар зумрад япроқда.
Ҳар ҳовуч нур, ҳар кафт тупроқда
Ҳаётимиз нашъаси ётар.

1936

СЕВГИМ

Севгим! Сенсан мангу ҳамроҳим,
Абад сўлмас гулсан дилимда,
Ажаб ширин болсан тилимда.

Абад сўлмас гулсан дилимда,
Жоним каби сақлайман сени,
Тирикманки, ёқлайман сени.

Ажаб ширин болсан тилимда,
Сени севганимга тутаман,
Сендан насибамни кутаман.

Тирикманки, ёқлайман сени,
Хор қилмайман, ерга урмайман,
Юрганимда сенсиз юрмайман.

Сени севганимга тутаман,
Севгим, сира зое кетмайсан,
Дилрабосан, ҳеч койитмайсан.

Юрганимда сенсиз юрмайман,
Сен-ла қувноқ жаранглар торим.
Сенда: элим, ватаним, ёрим.

1937

ПУШКИНГА

I

Яна сенсан орзу қилганим,
Шеърятнинг ноёб моҳири.
Улуғ элнинг улуғ шоири,
Яна сенсан орзу қилганим.

II

Ўлимингга афсус қиламан,
Ёд этаман ҳар бир қадамда.
Бўлса эди, дейман, шу дамда,
Лекин сени тирик биламан.

III

Илҳомимнинг ўйноқ торисан,
Жўр этаман кун-тун, саҳарда,
Шўх юрагим гўёки парда,
Илҳомимнинг ўйноқ торисан.

IV

Баъзан сендан кўмак кутаман,
Етаклайсан камолот сари,
Соз бўлсин деб илҳомим тори,
Баъзан сендан кўмак кутаман.

1937

ХАЛҚИМГА

*(Стахановчи колхозчиларнинг республика
кенгашида ўқилди)*

Инқилобнинг офтобида пишди қонингиз,
Етди дунё қулогига шуҳрат-шонингиз,
Ҳаёт гўзал, ширин бўлди еган нонингиз,
Қутлуғ бўлсин суръат билан босган қадамлар.

Бугун даврим ёзди ноёб улуг бахтнома,
Баланд, қувноқ овоз билан ёд этди ҳамма,
Ватан бўйлаб янграмоқда шодлик, тарона,
Қутлуғ бўлсин бахтли замон, ширин бу дамлар.

Стаханов иши қутлуғ бизнинг Ватанда,
Қаҳрамонлик ғурури зўр, жўшар ҳар танда,
Ҳар кун зафар қучишимиз бўлмайди канда,
Қутлуғ бўлсин янги зафар, янги одамлар.


Сафингиздан садоқат-ла бердингиз номзод,
Овозингиз ўзингиздай кучли ва озод.
Кўрганмиди шундай замон ўтмиш одамзод,
Қутлуғ бўлсин дала кўрки Тожи опамлар.

Елпир сизни ҳур даврнинг ёқимли ели,
Одимингиз ғалабага бошлар ҳар йили,

Зафар, олқиш меҳнатингиз боғининг гули,
Қутлуғ бўлсин сиз ундирган юксак рақамлар.

Тўлқин бўлиб газандалар уйин буздингиз,
Ғазаб билан заҳар тўла думин уздингиз,
Юртимизни кўздек асраб постда турдингиз,
Қутлуғ бўлсин сизга бўлган ҳурмат, қарамлар.

1937



МЕҲРИМ

Ҳали ёшман, ёшлигимнинг хислатлари кўп,
Юрагим ҳам ўғлим каби бенихоят шўх.
Кезар меҳрим гўдаклардай шўхликни севиб,
Ёшлигимга атаб доим айтаман қўшиқ.

Ҳали ёшман, ёшлигим-ла шўхлигим яшар,
Ҳар гўзаллик чароғига парвона меҳрим.
Севгим тошқин, тўсолмайман, қирғоқдан ошар.
Байрам тонги шодман жуда, очиқдир баҳрим.

Байрам тонги шўх куй ёйиб оркестр ўйнар,
Садосидан жаранглайди мусаффо осмон.
Жаранглайди ҳар томонда эрка шўх куйлар,
Қўлдан-қўлга сапчиб ўғлим яйрар қушсимон.

Қучиб олди шакар ўғлим ҳидлаб онасин,
Кўкрагига талпинади гўё капалак.
Лабин сўрар, ҳидлаб гўдак онанинг исин,
Қуёшини томошага чиқарди фалак.

Кўзимизни қамаштирди қизил байроқлар,
Худди шафақ туси каби ҳаво ним қизил.

Шаффоф нурда ярқирайди болға-ўроқлар,
Гулга, нурға бурканибди ҳар кўча, манзил.

Етаклади бизни шу кун баҳор байрами,
Еру кўкни тутиб шодлик, биз қўшиқ айтдик.
Шундай ўтди Май байрами, баҳор байрами,
Қучоғимиз гулга тўлиб биз уйга қайтдик.

1938

ХАРИТАГА ҚАРАЙМАН

Ҳардам харитага қарайман,
Юртим, элим, боғим кўринар.
Тўйиб-тўйиб қараб яйрайман,
Бағри олтин тоғим кўринар.

Кўрганимни, эшитганимни,
Кўзгу каби кўраман унда.
Қишлоғимни, ўртоқларимни
Соғинганим сезаман шунда.

Кўзларимдан ўтарлар кулиб
Ватан боғи, гул баҳорлари.
Кўзларимдан ўтарлар тўлиб
Донгдорлари, пахтазорлари.

Меҳрим тошар, ўйим оқади,
Булар бари азиздир менга.
Ғурур дилга олов ёқади,
Фарзанддирман шу Ватанимга.

1938

Ж о н и м!

Аскарликка чақирсалар мен кетар бўлсам,
Йироқ кетиб, сизга ширин хат битар бўлсам,
Қуролимни сиздек севиб ёр этар бўлсам,
Ёр, шунда не дегайсиз?

А з и з и м!

Ватан сизни чақирса-ю, кетар бўлсангиз,
Йироқ кетиб менга хатлар битар бўлсангиз,
Қуролни сиз ёрдек ҳамроҳ этар бўлсангиз.
Яхши боринг, яхши юринг, яхши ёр дейман,
Комиссарга бориб ёзинг! «Мен ҳам бор», дейман.

Ж о н и м!

Навбат келса постга келиб қўриқлаб турсам,
Бутун сезгу ғазабимни душманга бурсам,
Пашша бўлиб келса ҳам ёв, кўксидан урсам,
Ёр, шунда не дегайсиз?

А з и з и м!

Навбат келса сиз қўриқлаб постда турсангиз,
Бутун сезги, ғазабингиз ёвга бурсангиз,
Пашша бўлиб келса ҳам ёв бошлаб урсангиз,
Яшанг дейман, ботир дейман, мерғанним дейман,
Жондан севиб чин кўнглимни берганим дейман.

Ж о н и м!

Ватанимга хўмрайгани адабин берсам,
Улар ўқдек ёғилса ҳам бирма-бир терсам,
Майдонда мен лочин каби кўкрагим керсам,
Ёр, шунда не дегайсиз?

А з и з и м!

Юртимизга хўмрайганга ташбеҳ берсангиз,
Улар ўқдек ёғилса ҳам қўймай терсангиз,
Майдонда сиз лочин каби кўкрак керсангиз,
Дагар дейман, қўрқмас дейман, шунқорим дейман,
Йўлингизга кўз тутаман, чин ёрим дейман.

Ж о н и м!

Ғазаб билан ёв бағрига қиличдек кирсам,
Бахтимизнинг ўғрисини бағрини тилсам,
Не бўлсаю, бир қўлимдан ажралиб келсам,
Ёр, шунда не дегайсиз?

А з и з и м!

Ғазаб билан ёв бағрига тиғдек елсангиз,
Бахтимизнинг ўғрисини дилин тилсангиз,
Не бўлсаю, қўлингиздан ажраб келсангиз,
Ёрим дейман, сиз менинг бир жаҳоним дейман,
Қўлингизга қўл бўламан, сиз жоним дейман.

1939

СУҲБАТ

Йигилдилар салқин тут соясига
Туш чоғи колхозчи аёллар, эрлар.
Улар кўзларида аке этар эди,
Кўм-кўк гўзаларга кўмилган ерлар.

Самовар қайнайди, авж олар гурунг,
Аччиқ-аччиқ кўк чой татийди ширин.
Меҳри қиз майсага ёнбошлаб шу чоқ,
Ўқиди китобдан Навоий шеърин.

Бирдан сув сепгандай, тушди сукунат:
Ҳамма жим қолди-ю, қизга тикилди.
Қуртларга барг кесиб турган бир чол ҳам
Тутдан тушиб секин бу тўпга келди.

«Ўқи, қизим, ўқи. Бу ўқиганинг —
Алишер Навоий байти, дейман-а?
Бечора, шундай зўр мулла экан-ку,
Зорланиб ўтибди ўтмишда, мана».

«Мен, — деди бир йигит, — унинг ҳикматли
Сўзларин кўп ўқиб, ўргандим ундан.

Мана бу китобча, ўқи сен, Меҳри,
Олинган экан кўп мақоллар шундан».

Ғўзалар ичидан шу маҳал кимдир,
Навоий шеърдан қилди хиргойи.
Қўшиққа жўр бўлиб оқар эди ҳув —
Пастликда пишқирган Нуробод сойи.

1940

ВАТАНИМ

Чаман-чаман гулларга,
Сайроқи булбулларга,
Тошқин дарё, кўлларга
Жойдир гўзал Ватаним.

Кўкни қучган уйларга,
Бахт келтирган тўйларга,
Қувноқ ва шўх куйларга
Бойдир гўзал Ватаним.

Ягонадир чиройинг,
Эл бағридек бағринг кенг,
Сен ҳаёт, илҳом бердинг,
Юртим, гўзал Ватаним.

Порлар ғолиб байроғинг,
Кундек ёруғ чироғинг,
Бойликка кон ҳар ёғинг,
Бор бўл, гўзал Ватаним.

1940

ТУШДИЛАР ОЛТИН БУЛОҚҶА...

Зар тикилган каштадек минг товланиб яшнар дала,
Вўзалар полвон йигитлар қоматидек зўр, бўла,
Љўппи юзли «олтин ойлар» товланар кун нури-ла,
Бу момиклар бағридан бир қиз чиқиб этак тўла,
Оҳу кўздан нур қуйиб аҳвол сўрашди мен била.

Ким экан бу, мунча ҳам шўх боқди менга у узоқ,
Тоғ-тоғ хирмонни кўзлаб кўнгли яйрар, вақти чоғ,
Ким, дедим, суқли тикилдим, кўзларим бўлди чароқ,
Сиз эмасми ном чиқарган Лола қизча деб шу чоқ,
Қўл узатдим қайталаб, қисдим қўлин меҳрим била.

Шул замон бир тўда қизлар айтишиб «ёр-ёр» куйин,
Қилдилар бу илк очилган пахтанинг байрам, тўйин,
Ҳар сиқим олтинга меҳру завқ билан очиб қўйин,
«Лолахон, ҳай, сизга етмоқ мунча ҳам бўлди қийин»,
Деб улар бир-бир ўпишди мен танишган қиз била.

Кўкда кун минг ўргилиб бу қиз-йигитлар бахтидан,
Нурларин шоти қилиб тушгуси келди тахтидан.
Сўзлашурлар бунда қизлар ҳар бири ўз аҳдидан,
Тушдилар «олтин булоқ»қа ўтмасин, деб вақтидан,
Тердилар яйраб «оқ олтин» ким ўзар шарти била.

1940

I

Ўт ёғилди шаҳар-қишлоққа,
Учар кўкка қоп-қора тутун.
Ҳар хона-ю, кўчалар мазор,
Кунлар гўё булутли бир тун,
Заҳрин сочар заҳарли тутун.

II

— Қани,— дейди уйим, рўзгорим,
Хира кўз-ла термилиб ҳар ён.
— Қани,— дейди баҳорим, боғим,
Изланади, кўзлари гирён,
Ёшли кўз-ла термилиб ҳар ён.

— Қани,— дейди кўркам қишлоғим,
Харобага очиб қулочин.
— Ўғлим!— дейди,— у босқинчига,
Чидолмайди, юлади сочин,
Фарёд солиб, очиб қулочин.

III

Ана ўғил, тўзиган сочи,
Қўлда милтиқ, кетди югуриб,

Отилади шердек, у ёвни —
Чиқармоқчи Ватандан суриб,
Босқинчини қувар югуриб.

Ўз элида — она юртида,
Кўкрак кериб юрмоқ истайди.
Ўз элига отилган ўққа
Пўлат қалқон бўлмоқ истайди,
Кўкрак кериб юрмоқ истайди.

У енгилмас, у ёлғиз эмас,
Улуғ юрт бор унинг ортида,
Бу юртдағи тинчлик шиорли —
Байроқлар ёр унинг ортида,
Улуғ юрт бор унинг ортида.

У енгилмас, у ҳақ, енгади,
Фашист изин қуритар юртдан,
Ўз элини, эркини сақлаб,
Қўриқлайди вабодан, ўтдан,
Фашист изин қуритар юртдан.

1941

КЎЗЛАР

Хумор кўзлар, о, ошна кўзлар,
Хаёлимдан ўтарсиз менинг.
Мен биламан, кутарсиз мени,
Нигоҳингиз йўлимни кўзлар.

Мен биламан, эй қора кўзлар,
Нигоронсиз йўлимга ҳамон.
Мен биламан, нурингиз сизнинг
Дарё бўлиб оқар мен томон.

Мен биламан, кўзлар, гоҳ мени
Ойга боқиб, ойда кўрасиз.
Гоҳ севгимиз бошланган ўша —
Сирли таниш жойда кўрасиз.

Гоҳ кўрасиз боғдаги чарос
Узумларнинг бол донасида.
Гоҳ кўрасиз, кўзлар, тикилиб,
Ўзаларнинг қўш шонасида.

Гоҳ кўрасиз ҳар ойдин тунда,
Жўякларга қўйилган сувда.

Қаршингизга келаман шунда
Ғолиблар-ла бўлиб бир тўда.

Ҳа, бораман, ғалаба яқин,
Қутинг, чиқиб таниш у ерга.
Оқ олтинни яна мўл қилинг,
Қим ўзарга терамиз бирга.
Қутинг, кўзлар,
Қутинглар...

1943

БОҒИМ ЯШАР, БАҲОРИМ ЯШАР.

Хуш ҳаволи, янгроқ наволи
Боғим яхши, баҳорим яхши.
Тоши ёқут, тупроғи олтин
Тоғим яхши, диёрим яхши.

Ҳиди шифо, овози роҳат
Гулим яхши, булбулим яхши,
Жонга ҳузур, дилга фароғат
Гулим яхши, сунбулим яхши.

Шу боғим деб, шу баҳорим деб,
Шу тоғим деб, шу диёрим деб,
Шу гулим деб, шу булбулим деб,
Шу Ватан деб, шу азиз жон деб

Босқинчини қирдим беаёв,
Таслим бўлди шунда ёвуз ёв.
Бош кўтарса — янчаман яна,
Қайтмоқдаман юртимга, мана.

Москвамиз бўлиб қўмондон,
Бошлар энди тинч меҳнат томон.

Ватан менинг иқболим ёри,
Фидо унга умримнинг бори.

Аҳдим яшар, ҳур вақтим яшар,
Бахтим яшар, пойтахтим яшар.
Элга мардлик, маҳорат берган
Ғоям яшар, партиям яшар.

1943

ТОНГ ЯҚИН

Қулоғимда янграй бошлади
Яна таниш қувончли оҳанг.
Юзларимга нур бағишлади
Шарқда қийғос отаётган тонг.

Кўзларимдан ўтдилар бир-бир
Ёв кулини совурган эрлар.
Қора издан, қора соядан
Тозаланган қадрдон ерлар.

Эй, Днепр, азиз Днепр,
Маъюсланма, гамгинликни қўй.
Эрта сенинг қирғоғингда ҳам
Бўлар албат зафар, севинч, тўй.

Украинанинг бағридан яна,
Озодликнинг маршин чалгаймиз.
Ул шифобахш Қрим тоғида
Яна яйраб роҳат қилгаймиз.

Яна қувонч, қалбларда ором,
Яна юртда кезгай гулбаҳор.
Яна ғўзал қизлар қўлида
Мағрурона сайрағай дотор.

Жонон қизлар жанга узатган
Севганларин кўрурлар яна.
Келинчаклар ширин турмушнинг
Лаззатини сурурлар яна.

Эй ғолиб эл, эй баҳодир эл,
Шўх кунларни келинг бошлайлик!
Ёв бошига ёғдириб ўқ — сел,
Битта қўймай қириб ташлайлик!

1943

НЕГА БУНЧА СУҚЛИ ҚАРАЙСАН!..

Оппоқ-оппоқ булутлар теба.
Унда борар кўкнинг ой-қизи.
Нечалардан қолган у бева
Юзларида айрилиқ мизи.

(Ғафур Ғулом)

I

Кўк малаги — паризоди ой,
Сочларимни бунча тарайсан!
Не тилагинг, не орзуйинг бор?
Нега бунча суқли қарайсан?

Айт-чи, осмон қизи, ўзингга —
Кимни мажнун — ошиқ биласан?
Кимга бунча жилвалар билан
Жамолингни кўз-кўз қиласан?!

Бу боқишинг, бу нозинг билан
Юракларга ўтми ташлайсан?
Айт-чи, малак, яширма мендан,
Ўз кўйингга кимни бошлайсан?

II

Бу юртдаги ҳар қари-ёшнинг
Севгани бор, сендек ҳусндор.

Севгиси кенг денгиз бўлса ҳам
Ҳар томчисини ўзга ўрни бор.

Мени десанг, менинг ҳам севгим
Ватанимнинг ҳар гардига банд.
Ёр бўл десанг, гўзал ёрим бор,
Донғи десанг, сендан ҳам баланд.

Майли, қанча боқсанг боқиб тўй,
Дўст билгани, маъшуқликни қўй.
Тўй бошида турарсан ўзинг,
Қайтганимда қилмоқчимиз тўй.

Худди кулдек соврилар душман,
Шу кузгача албат қайтаман.
Ёр торига жўр бўлиб шунда
Ғалабадан қўшиқ айтаман.

Бугун, мана, севар ёримдан
Олдим яна севинчли бир хат.
Қолхозида донг чиқарганмиш
Қолхоз қизи — ёрим Малоҳат.

Юрган эмиш Фарғонамизнинг
Гўзал ва кенг қучоқларида,
Сендек ёруғ нур берар эмиш
Пахтазорга тонг чоғларида.

Шу кун уми бир соғиндимки,
Хаёл учди, сенга қарадим.
Нурларнинг ёр сочи каби
Киприқларим билан тарадим.

Сендан тилак, сенга аръ, малак,
Кўзгу бўлгин, кўрай ўшани.
Бу ҳуснингга ҳусн қўшади
Пахтазори — гўзал гулшани.

Мен қайтарман, ёрим кўзида
Сендан ёруғ ойни кўраман.
Унинг кундак ёруғ юзида
Икки тўлин ойни кўраман...

1943

ҚАРИНДОШ ШАҲАР

*(6 ноябрь, байрам оқшоми.
Киев озод қилинган соат)*

Суруримга қўшилди сурур
Бугун улуг айём кунда.
Ғуруримга қўшилди ғурур
Озодликнинг байрам тунда...

Киев!

Киев!

Қариндош ўлка,
Кулди бугун баҳордай чеҳранг.
Кетди абад ул қора кўлка,
Инди сенга байроқдаги ранг.

Киев!

Киев!

Қадрдон шаҳар,
Қучоғингда эсар майин ел.
Осмонингда ўқ сели тинди,
Табриклайди сени барча эл.

Киев!

Киев!

Яшайсан яна!
Душманингнинг узилди боши.
Бугун сенинг бағрингда мана,
Озодликнинг ёнди қуёши.

1944

ТИНЧЛАН, ЭЙ ЮРАК!

(Иўлдош Охунбобоевнинг ўлмас руҳига)

Қийналма, эй юрак! Ёш тўкма, кўзим!
Бошлади шум ажал яна бир қайғу.
Ташлади бўстонга алам ва оғу,
Титрама, эй лаблар, айтайин сўзим,
Қийналма, э, юрак! Ёш тўкма, кўзим!

Инсон эди содда, соҳиби фармон,
Ўлкамнинг бир ҳусни, бир фазилати.
Элим хислатийди — унинг хислати,
Элимга у фарзанд эди меҳрибон,
Инсон эди содда, соҳиби фармон.

Бас ўйим, бас кўнглим, тирналма юрак!
(Тарихин йўқотмас ҳар улкан садда.)
Бир умр сақланар, умрбод ёдда,
Яшайди биз билан у яна бирдак,
Бас ўйим, бас кўнглим, қийналма юрак!..

1944

ЁГИЛ, ШЕЪРИМ!

Ёгил, шеърим, ёгил ёмғирдай,
Ёгил, қанча ёгилсанг-да, кам.
Ёгил кўзим нуридек бу дам,
Юрак ёнаётир ёнғиндай.

Бугун юртим ўз зафари-ла
Жаҳон бўйлаб довруг солган кун.
Бугун ғолиб, ботир халқимнинг
Қудратига ясалди якун.

Бошқачадир бугун қар қона,
Тўпланишган дўст, қариндошлар.
Қадаҳларда лиммо-лим бода
Кўтаришар қарилар, ёшлар.

Ҳамма ёқда суҳбат, ҳол бошқа,
Туғилгандай олам янғидан.
Кўз ташласанг ҳар қари, ёшга,
Овланар севинч рангида.

Қулогимда янграй бошлади
Яна кулки, яна шод оҳанг.
Менга яна бахт бағишлади
Ғолиб қизил байроқдаги ранг.

Кўз олдимдан ўтдилар бир-бир
Ёв кулини совурган шерлар.

Қора издан, қора соядан
Тозаланган чаманзор ерлар.

Кўз олдимдан ўтдилар ана
Дон водийси, Волга бўйлари.
Юртда қийғос таралди яна
Озодликнинг янгроқ куйлари.

Ёғил, шеърим, ёғил ёмғирдай,
Ёғил, қанча ёғилсанг-да кам.
Ёғил кўзим нуридек бу дам,
Юрак ёнаётир ёнгиндай.

1945

НАТАША ОПАНИНГ ҲИКОЯСИ

Меҳмон бўлиб Наташа опа
Келди бизга Ленин шаҳридан.
Сўзлаб берди опа урушнинг
Бу шаҳарга сочган заҳридан.

— Уруш ўлсин,— дер ёниб опа,—
Уруш билан урушсам дейман.
Енгиб уни, бутун дунёда
Уруш отин қуритсам дейман.

Етти ёшда эканман, уруш —
Шаҳримизга кириб келганда.
Уруш худди афсонадаги
Қиёматдай бўлган экан-да!

Шаҳримизни қонхўр фашистлар
Ҳалқа бўлиб ўраб олибди.
Ленинград халқи бошига
Жуда оғир кунлар солибди.

Эсимда бор, бир кун заводдан
Отам милтиқ тақиб келгани.
Эсимда бор, барча қари-ёш.
Кўча тўлиб оқиб келгани.

Зўр тўлқиндай тошиб ўтишди
Қўлларида милтиқ ё курак.
Шаҳримизга ўт тушиб куйди,
Ўт ёғарди худди қуюндак.

Кўтаришиб келишди шу кун
Қонга ботган, ўлган отамни.
Шунда кўрдим онам фарёдин,
Унутмайман мен ҳеч у дамни.

Эртасига онам дарғазаб
Жангга кетди, кўзида ёши.
Шу-шу онам уйга қайтмади,
Шундай бўлди урушнинг боши.

Акаларим ҳам опаларим —
Бешта бола ўзимиз қолдик.
Нима бўлди кейин, билмайман
Қаерларда қолдик, йўқолдик.

Ажралиб биз она бағридан
Куну тунни йиғлаб ўтказдик.
Тушди бизга овқат ғами ҳам,
Етимликнинг алами оздек.

Омборларни куйдирди фашист,
Парча қора қонга зор бўлдик.
Изғиб юриб нимаики топсак
Бизлар уни тенг бўлиб едик.

Не машаққат, не азоб тортдик
У ёгини айтмайин сизга.
«Фашист қочиб, тинчлик кирибди»,
Дёб эшитдик бу шаҳримизга.

Бордим шу кун ўз уйимизга,
Ҳовли вайрон, уйда ҳеч ким йўқ.
Уйимизнинг деворларига
Тош йўлидек из солибди ўқ.

Уйимизда осиглиқ қатор
Парча-парча қоғозлар кўрдим.
Ёзувини ўқиёлмасдан
Унга узоқ тикилиб турдим.

Тикилдим аста ҳижжалаб
Ўқиб бордим бирма-бир уни.
Ёзилибди оиламизнинг
Қандай, қачон, туғаган куни.

Онам, акам жангга киришиб,
Қаҳрамона ҳалок бўлибди.
Опаларим ва кичик акам
Очлик билан қақшаб ўлибди.

Шундай кунлар кечирди бизнинг
Оиламиз уруш йиллари.
Хайриятки галаба қилди
Совет юрти, совет эллари.

— Уруш ўлсин,— дер ёниб опа.—
Уруш билан урушсам дейман.
Енгиб уни, бутун дунёда
Уруш отин қуритсам дейман.

1946

УМР

Ҳаётни умрга этиб мен қиёс
Сизга соддагина бир сир айтаман.
Дунёда умрнинг маъноси нима?
Бунинг жавобини топдим сиздан ман.

Яшашнинг маъноси сизда намоён,
Умр эмас, дейсиз фақат яшамоқ.
Одам бўлмоқлик бу — киши ўзига
Тириклик чоғида ҳайкал ясамоқ.

Ҳар киши ўз умри, бахти, тақдирин
Ўзи ўйлайди-ю, ўзи яратар.
Ҳаёт тўлқинида жўш урган киши
Халқ меҳрин ўзига тортар, қаратар.

Бу азиз умрнинг қадрига етмоқ
Ўрганмоқ, яратмоқ ва қунт демақдир.
Одамий бўлишнинг бир маъноси шу:
Ҳалол меҳнат қилиб, ҳалол емақдир.

Бу улуг даврнинг тилсимотини
Яратган ижодкор, яратувчимиз.
Бир сиқим тупроқдан бир этак олтин
Ундириб олувчи «кимёгар» биз, сиз.

Бу улуг замонга умримиз пайванд,
Унинг нафасидан топдик эътибор.
Ундаги ўтажак ҳар лаҳза, онда,
Яна зўр бахтимиз, шуҳратимиз бор.

Бу кунлар биз учун шундай мўътабар,
Бу маъно менга ҳам, сизга ҳам аён.
Умрлар соядай из солмай ўтса,
Сизга ҳам, элга ҳам, юртга ҳам зиён.

Ҳа, шундай, азизим, укам, фарзандим.
Қадрига етайлик бу айёмларни.
Биз улуг Лениннинг авлодларимиз,
Оқлайлик авлодий бу улуг номни.

1947

ҚОСИМ ОТАНИНГ ДЕГАНЛАРИ

— Йўқ, мени чол деманг, ўғлим,
гашим келади.
Бурагимда қувонч қайнар
сизникидай шўх.
Сочим қиров бўлса ҳамки
кўнглим ҳали ёш,
Неваралар билан мен ҳам
айтаман қўшиқ.
Белинг букик деманглар, ҳа,
кўнглим ўксийди,
Утмишдаги кулфат юкин
нишонаси бу.
Иргитганман аллақачон
сабил ҳассамни,
Дилим равшан, шодлигимнинг
ишораси бу.
Бампир ҳаёт, ишқимиз ҳам
барҳаёт ҳали,
Унинг меҳри, олтин сочи
кўзга нур берар.
Булманглар, ҳа, унинг билан
ўйнашгим келар,
Чикдик мана, биргалашиб
пахта тергали,
Болхоз бизнинг ишимизга
муҳтожми дейсиз.

ЮРТНИНГ ОТАСИ¹

(М. И. Калининнинг ўлимига)

Бутун ҳаётини халқига бериб,
Вафот этди юртнинг азиз отаси.
Элларнинг иқболи, тахти-бахти деб
Курашган улуғи, раҳбар — каттаси.

Октябрь айёми эрк бешигини
Улуғ Ленин билан тебратган падар,
Порлоқ истиқболнинг кенг эшигини
Партия қўли-ла очишган падар.

У эди Ватанга, элга меҳрибон,
Озодлик боғининг кекса боғбони.
У эди биз билан бирга ҳар бир он,
Буюк мамлакатнинг зўр отахони.

Бизни ташлаб кетди, қартайган чоғи —
Унинг лабларига сукунат қўнди.
Унинг дилидаги меҳр чироғи
Кекса кўзларида абадий сўнди...

Лекин йўқолмайди у умр изи,
Қулоқларда янграб у айтган сўзлар.

¹ Бу шеър шоир Ҳамид Ғулом билан бирга ёзилган.

Ёдимизда ҳаёт гулгун кулгиси,
Кўзойнак тагида нур тўла кўзлар.

Минг йиллар ўтади, у севган Ватан
Тобора топаркан равнақ ва камол,
Бу падар номи ҳам ўлмас ҳеч қачон,
Қалбларда абадий яшар оқсоқол.

1947

РАҲБАР АЯ

Борар эди бригада бўйлаб
Раҳбар ая шошиб,

даргазаб.

Куйинарди кимнидир койиб,
Қувонарди ҳавога қараб.

Елкансимон сузар оқ булут,
Оқар тўлиб-тошиб бўтқа сой.
Аянинг хушбичим этигин —
Кўриб бўлмас, қўнжигача лой.

Ёққан эди кечаси ёмғир,
Тонг саҳардан ҳамма далада,
Дам ғанимат...

Наврўз туйғуси

Ҳар кекса-ю, ҳар ёш болада.

Зовурлардан отилар тупроқ,
Аёлларнинг қўлида замбил.
Хамир каби кўпчиган ерлар
Ўғит билан пишмоқда ҳил-ҳил.

Етиб келди ая ҳаллослаб
Турдивойнинг звеносига.
Қараб чиқди тракторларнинг
Шахмат нусха солган изига.

— Ҳорманглар ҳў!..
— Бор бўлинг, ая!..
— Ҳайдалган ер шуми, ҳали-я?!
Аллақимни қидириб ая,
Аччиғланиб бирдан бақирди:
— Турдиво-ю!.. —

Жавоб келмагач,
Яқиндаги қизни чақирди.
— Ҳорма, Қумри!

Турдивой қани?
— Билолмадим, кўринмайдилар.
Боя шунда эдилар чоғи,
«Меҳри билан бирга», дейдилар,
Маълум эмас менга у ёғи...

Бўғилгандек томоғи, ая —
Рўмолини тортқилаб өчди.
Турдивойдан койиниб, нолиб,
Бир зумдаёқ куйди-ю, пишди...

Келиб қолди Турдивой, ана,
Елкасида пачоқ кетмони.
Астағна Қумрига деди:
— Сен чақдингми аямга мени?

Р а ҳ б а р а я:

— Ҳай йигитча, бунда келинг-чи,
Сизни мунча ким талтайтирди?
Андиша бас, насихат ҳам бас,
Кўзингни оч, энди, ҳой, Турди!

Бу гапларим сенга, ҳой бола,
Раислигим учунгинамас,
Онангман-а, ерга қаратсанг,
Сендай ўғил ҳеч керак эмас!

Кўпчилиكنинг олдида у кун
Ваъда берган эдинг хўп қуюқ.
Уч кун бўлди мана, ҳали ҳам
Звенонгда бир ўзгариш йўқ.

Ариқларинг тозаланмаган,
Ерга солган ўгитларинг кам.
Еринг расо текисланмаган,
Ҳали чатоқ ҳамма ишинг ҳам.

«Вақтинг кетди, бахтинг ҳам кетди», —
Деган гап бор қарияларда.
Шундай пайтда вақтни бой берсанг,
У ёғини ўзинг бил, ҳа-да!..

Кеча яна бир гап эшитдим,
Хуштормишсан анов Меҳрига.
Звенонинг ишини ташлаб
Кетармишсан унинг ерига.

Қуруқ хуштор бўлгандан кўра,
Урناق олгин сен у Меҳридан.
Меҳри чигит эка бошлади,
Ишловдасан ерни ҳали сен.

Ерга қараб турган Турдивой
Ер тагидан аяга боқди.
Беихтиёр аста бошидан
Дўпписини олди-ю, қоқди.

— Хуштор?.. Йўқ, мен хуштор эмасман,
Кимга хуштор эмишман? Ёлгон!
Ердам учун боргандим, холос,
Меҳри эвеносига шу он.

— Ёрдам эмиш! Уят йўқ сенда,
Эпла аввал ўз звенонгни.
Ишчан бўл деб насиҳат қилса
Қойитибсан кеча энангни.

Бу гапларим сенга, ҳой Турди,
Раислигим учунгинамас.
Онангман-а, ерга қаратсанг —
Сендай ўгил ҳеч керак эмас.

Бор ишингга, ишингни тезлат,
Ҳа, бу кеча правление бор.
Эшитасан гапнинг қуюгин...
Соат ўнда идорага бор!

Ая кетди звено бўйлаб,
Қутар эди уни ҳар тараф.
У, Турдидан қойир, нолиру
Қувонарди ҳавога қараб.

1947

«ПРАВДА»

Эй, шонли «Правда»,
машъал «Правда»,
Ҳақиқат кўзгуси, ҳаётга маёқ.
Ҳар миллату ҳар эл, ҳар бир рўзгорда
Қадрлисан, азиз, билимли ўртоқ.

Сен бизни яшашга, ишга ўргатдинг,
Қўллардан тутдинг-да бўлдинг дўст, қўлдош.
Кўзларга нур бердинг, йўл кўринди кенг,
Ҳақиқат йўлида бўлдинг эмакдош.

Ҳар жангда, ҳар ишда сен бизга байроқ,
Овозинг тиғ бўлди, ёвларга санчдик.
Йўлимиз ёритдинг бўлиб сен чироқ,
Душманни фош қилдик, топтадик, янчдик.

Эртани кўрсатди бизга ҳар сўзинг,
Коммунизм томон ташладик қадам.
Ҳаёт китобини ўқитдинг ўзинг,
Оламни ойнадай кўрсатдинг ҳар дам.

Сўзинг маромида буюк Лениннинг
Эшитилар бизларга чақириқ сўзи.

Сени қониб-қониб ўқисам агар
Кўринар кўзимга Лениннинг ўзи.

Эй, кекса «Правда», бобо «Правда»,
Ҳақиқат жарчиси, ҳаётга маёқ.
Ўзбек элида ҳам, ҳар хонадонда
Қадрлисан, азиз, билимли ўртоқ.

1948

ЎЗБЕКНИНГ ҒУРУРИ

Мутлақо ҳақлидир бугунги ўзбек
Ғаддини кўтариб сўзласа мағрур.
Ерига ол байроқ ярашганидек,
Унга ярашиқдир самовий ғурур.

Ўзбекнинг уйига кўрк бўлиб кирди
Маърифат, истиқбол, ҳақ, ҳуқуқ нури.
Ғон-ғардош элларни қудратли қилди
Озодлик доҳийси — Ленин шуури.

Ўзбекнинг минг йиллик орзулари ҳал,
Энди у юртида ғариб эмасдир.
Унинг шарафини, бахтин билиш-чун
Орденли кўксига қаралса басдир.

Унинг ифтихори — олтин даласи,
Деҳқоннинг шуҳратли изида гулзор.
Ғар туп ғўзасининг камолотида
Ватанга бахш этган илиқ меҳри бор.

Бу юртда қари ҳам, ёш ҳам ижодкор,
Тувроқдан олтинлар яратмоқ мумкин.
Ўлкамда ҳур меҳнат топди эътибор,
Тоғда ҳам, чўлда ҳам ҳосиллар тўкин.

Фаргона бойлиги, ҳуснига боқсанг,
Самарқанд имлайди, қувончинг ортар.
Бухоро, Хоразм, Қарши, Термиз ҳам
Файзию кўрки-ла бағрига тортар.

Ўзбекнинг юртига энди бир қаранг,
Нурга кон, сувга мўл, чўли-ю ғири.
Бу зўр саодатнинг боиси шулки,
Москвага туташ бу юртнинг ери.

Мутлақо ҳақлидир бугунги ўзбек
Қаддини кўтариб сўзласа мағрур.
Ўлкамга ол байроқ ярашганидек,
Унга ҳам ярашур самовий ғурур.

1949

ЯШАМОҶДА БУГУН, ЯШАР АБАДИЙ

Умр дафтарини варақлаш одат,
Умримиз улугдир, умримиз азиз.
Бу умр тарихин жонли гувоҳи
Ленин авлодидир, мана сизу биз.

Жаҳоннинг истаги, инсон тилаги
Ленин номи билан аталур бугун.
Илгор башарият зўр ишонч билан
Шу ном-ла ҳаётга йўл олур бугун.

Ленин қарашида акс этди ёрқин
Бугунги фаровон равнақ кунимиз.
Лениннинг шуури бўлиб зўр ёлқин,
Бугун чароғондир куну тунимиз.

Бу улуг ном дилда меҳр машъали,
Батаним равнақдир, ҳаёт фаровон.
Ижод ва ирода халқим ҳунари,
Асрий вазифани бажарар ҳар он.

Ҳар ўлка, ҳар шаҳар, майдон, корхона
Ленин ҳайкали ва номи-ла обод.
Ленин байроғини баланд кўтариб,
Ғолиб яшамоқда бугун одамзод.

Ленин дилимизда, байроғимизда,
Яшамоқда бугун, яшар абадий.
Яшаркан партия, Ленин шиори,
Тинчлик завқин сураар башар абадий.

Давримиз посбони бугун партия,
Бобомиз Лениннинг ўгити яшар.
Бормоқдамиз олға биз Ленин дея,
Яшашни ўрганар бизлардан башар.

1950

УЎҚИТУВЧИ

Бола туғиларкан, айтолмас ҳеч ким,
Айтолмас улғайса ким бўлади у.
Олимми, ҳунарманд ё ишчими, ким?
Бирор касб-ҳунарга бошлайди ўқув.

Мақтаб дарвозасин босганда бола,
Ғунча очар унда илк орзу, тилак.
Бу орзу ҳали илк баҳорги лола,
Ардоқлар муаллим уни боғбонден.

Муаллим — етакчи, раҳнамо, устоз
Ҳар орзу, ҳар тилак, ҳар бир хоҳишга.
У берар доимо ақлга пардоз,
Берар у йўлланма ҳаётга, ишга.

1950

ТЕМИРЧИ БЕКТЕМИР

(Колхоз устахонасида)

Кўкдан гўё юлдуз ёққандек
Айвон тўла учқун товланар.
Худди овга отилган шердек
Тракторлар кўзлари ёнар...

Темир эриб, болға муштида —
Минг тўлғаниб бўлади хамир.
Тракторга бир бўлакчанинг
Зуваласин олар Бектемир.

Олов ёнар темирни ялаб,
Қанотланар «частлар» кетма-кет.
Юрагига ишқ ўтин қалаб,
Ёнар бизнинг темирчи йигит.

Бош кўтармас, у темир кесар,
Ғўнғир-ғўнғир ширин куйлайди.
Қўли ишда, хаёли кезар,
Алланарсаларни ўйлайди.

Келаётган гулбаҳорними
Е севишган қизними эслар?
Куч беради тобора унга
Вужудини қуршаган ҳислар.

Кўзгу каби лаҳча темирда
Кўрарди у колхоз эртасин.
Тракторлар из солган ерда
Кўрар эди меҳнат мевасин.

Кўрар ўзин завод тонгида,
Уртоқларин қишлоққа чорлар.
Бу темирчи йигит онгида
Коммунизм машъали порлар.

1957

ФАРЗАНД

Унта бўлса ўрни бошқа,
Қирқта бўлса қилиғи.

(Мақол)

Фарзанд оилада ҳаёт зийнати,
Турмуш қувончларин бариси шундан.
Ота-ю онада бир ғурур, меҳр —
Туғилар шу фарзанд туғилган кундаё.

Мен ҳам ота бўлдим етти жужуққа,
Ҳар бири бўлади пўлат қанотим.
Яшаркан Ватаним, ғоям, фарзандим,
Яшайди буларда менинг ҳам отим.

Тева юкин бўта енгил қилгандек,
Онага зўр таянч бўлади фарзанд.
Ота умрининг у давоми демак,
Кекса тупга найча бўлгандек пайванд.
Бирини Улуғбек дедим, бу номни —
Оқласин илм ила олимларга хос.
Бирининг исмини Равшан деб қўйдим,
Бу ҳур ҳаётга у бўлсин деб қиёс.

Ёшим улғаймоқда, ниятларим кўп,
Эл-юртга хиёматим ҳали жуда кам.
Бахтлиман фарзандлар камим тўлдириб,
Порлоқ келажакка қўйишса қадам.

1958

БАҲОР ТОНГИДА

Наврўз етаклади, гул боққа чиқдим,
Урик, бодомларим оппоқ кийимда.
Ариқларда тошиб сув оқар лим-лим,
Хаёл ўғирланди, билмадим кимда!

Хаёлни ўғирлар қулоққа ёққан
Кимнингдир ёқимли, шўх ашуласи.
Хаёлни ўғирлар димоққа оққан
Чечаклар ҳиди-ю, баҳорнинг иси.

Хаёлни ўғирлар бахмал ўтлоқлар,
Ўғирлар гул эмиб учган болари.
Хаёлни ўғирлар, дилни ардоқлар
Баҳор богидаги гўзаллик бари.

Қўшни қиз девордан мўралаб деди:
— Бизнинг шафтоли ҳам шиғил гуллабди.
Дедим: — Бу фаслни гулбаҳор дейди,
Сизни ҳам гуллатар бу фасл тафти.

Ён қўшни колхозда Матқовул ота
Чигитни димлайди, қилиб хиргойи.

Баҳор дер: кечикма, қани бўл, ота!
Экинлар тикилар худди шу ойи.

Ҳар боғда, ҳар ёқда баҳорнинг изи,
Баҳор тараддуди, ёз чақириғи.
Зеб берар ҳар ерга, ҳар эр, ҳар қизга
Баҳор қуёшининг жилвакор тиғи.

1958

ПАХТАКОР ЎРТОҚ

Кунлар мазмунининг тарозусида
Улуғ ҳиссангиз бор пахтакор ўртоқ.
Бу ҳисса туну кун юртнинг кўзида,
Кузатар бетоқат бутун эл уйғоқ.

Паллага ўзингиз қўйган зўр тошни
Босишга аҳд қилиб боғладингиз бел.
Ҳар томчи терингиз бир ботмон олтин,
Паллани босди у олтинлар бу йил.

Яхши ният билан эрта баҳордан
Кўпчиган ерларга чигит эқдингиз.
Кўз-қулоқ бўлдингиз туриб саҳардан,
Бўртиб чиқишини шошиб кутдингиз.

Энди қулоқ ёйган жажжи гўзалар
Меҳрингиз тафтида парвариш топди.
Енголмади уни офат-тўзонлар,
Қарасак, гўзангиз шигил гуллабди.

Ҳар гўза кўйида бўлиб парвона,
Бўйига бўй қўшдингиз, гулга яна гул.
Бу гулларга қараб кўз қона-қона,
Ҳордигингиз чиқди, яйради кўнгил.

Бу гуллар ўрнида тўлиб оппоқ нур,
Юзингиз ёритди унинг шуъласи.
Бу нурлар бағрида қилдингиз ҳузур,
Кўзингиз нуридир ҳар бир толаси.

Бу нур водийсида ясаб сиз хирмон,
Юрт тўйига совға қилай девдингиз.
Шу олий мақсадда опдингиз доvon,
Рўёбга чиқди бу мақсад-ўйингиз.

Сиз аҳд қилувдингиз, сизнинг аҳдингиз
Тоғни ҳам кесолди бўлиб зўр олмос.
Аминмиз, дарёдан излаб олгандек
Бир мисқол нуқрангиз тупроқда қолмас.

1961

ПАРТИЯМ

Партиям — бу менинг ҳаётбахш ғоям,
Қўқарар меҳри-ла ҳар бир тирик жон.
У берган ҳаётда, у қўйган отда
Муҳтарам бўлди ҳар заҳматкаш инсон.

Партиям — бу ёрқин кунлар мазмуни,
Қуёш ёруғлиги унинг мисоли.
Партиям яратган ҳаёт қонуни,
Бу — инсон қадри-ю, эрки, иқболи.

Партиям изида ленинизмнинг
Бирлик ғояси-ю, шуури яшар.
Партия бошлаган коммунизмнинг
Ҳаётбахш баҳорин кўрмоқда башар.

Советлар элининг номи, шуҳрати
Партиям туфайли зўр бўлиб қолди.
Бугун яна ошиб унинг қудрати
Фазони забт этди, ойга йўл олди.

Партиям минбарда, бугун съездда
Эшитилар жаҳонга мағрур овози.

Бу съезд Лениннинг орзусин кўзлар,
Бошланар юртимда коммуна ёзи.

Партиям — бу менинг ҳаётбахш ғоям,
Кўкараб меҳри-ла ҳар бир тирик жон.
У берган ҳаётда, у қўйган отда
Муҳтарам бўлмоқда меҳнаткаш инсон.

1960

НУР БИЛАН ҰЙНАШМА ЗУЛМАТ!..

Торт қўлингги,
 торт ўзингни,
 торт кўзингни, эй, жаноб!
Конго ҳеч домингга тушмас,
Сенга шу қатъий жавоб!

Конго ҳақли,
 Конго халқи
 қул бўлиб эгмас бўйин!
Нур билан ўйнашма зулмат!
Хавфли бу қонли ўйин!

Қилма зўрлик!
 Қилма кўрлик!
 Билки, қил устидасан!
Юртга кирган ўғриларни
Қаҳрига ютгай Ватан.

Конгодан кет!
 Келгинди, сурбет!
 Қонли оёгингни тий!
Конгода изгиб-қутурган
Дайди, саёгингни тий!

Бас қақорат!

Бас разолат!

Бас зулм, босқинчилик.

Бу ҳунарлар асри ўтди,

Унга инсон қўйди чек.

Эркини бўғма!

Эрк бу — туғма!

Солма унга сен кишан!

Эркининг ўғли бу — Лумумба,

У яшайди, сен ишон!

Қайрама тиш!

Зўрлигинг пеш —

қилма сен, оламга боқ!

Ҳурлик истар ҳар бир овоз

«Зўрлигинг»дан кучлироқ.

Қилма бесар!

Тинчлик истар

жумлаи олам — башар!

Аҳдимиз шу — Конгода ҳам

Патрису тинчлик яшар!

Торт кўзингни!

Торт ўзингни

торт қўлингни, эй, жаноб!

Конго ҳеч маҳрингга тушмас,

Сенга шу қатъий жавоб!

1961

МУҚИМИЙГА ХУШХАБАР

Фаргонани айлаб ҳавас,
Қилдик сайр этмоққа қасд.
Мақсадни айтай энди бас,
Чиқсак поезд тайёр экан.

Олимларга, шоирга кон,
Мана янги обод Қўқон,
Риёкорлик бўлиб аён,—
Мозорда шайх ночор экан.

Шаҳар деса лойиқ Боғдод,
Тор бўлса ҳам гавжум, обод,
Олиб сотиш бўпти барбод,
Савдогарга душвор экан.

Гўзал бўпти хўп Марғилон,
Қурилиш кўп: уй, жой, дўкон.
Хурофотдан қолмай нишон,
Сўфи, имом бекор экан.

Бордик машҳур Фарғонага,
Ўхшар экан гулхонага.
Гулхонага боғбон эга,
Боғбон элга саркор экан.

Сўлим экан Асака ҳам,
Шаҳар обод, гўзал, кўркам.
Тақя, гўлаҳ топиб барҳам,
Ҳамма ундан безор экан.

Мана, гўзал жон Андижон,
Номи машҳур пахтага кон.
Қадим чанқоқ чўлу довон,
Кўрсак энди гулзор экан.

Наманган ҳам «жаннат» шаҳар,
Мевалари асал, шакар.
Борса қанча меҳмон агар,
Меъзон доим тайёр экан.

Фарғонанинг одамлари,
Йўқ энди дард, аламлари,
Азиз бўлиб ҳар дамлари,
Бир-бирига дўст-ёр экан.

1964

МЕН КЕЗАМАН НУР ВОДИЙСИДА

Кўп фазилат бордир баҳорда,
Кутар ҳар йил шунинг-чун киши.
Кутмоқ ширин уни наҳорда,
Бежиз эмас, қушлар олқиши.

Ҳар томондан таралар овоз,
Ҳар томонга чақирар баҳор.
Мен қарайман, кулиб қаршилар,
Наврўз гулин тутиб чаманзор.

Мен қарайман, менга танишдир,
Бу далалар, бу чаманзорлар.
Ҳар томондан «Салом, келинг» дер
Колхозчилар, барча дўст-ёрлар.

Мен кезаман нур водийсида,
Гуркирайди юртимда баҳор.
Бу юрт худди баҳор тусида,
Баҳорнинг ҳам унга ишқи бор.

Тонгда баҳор сепини ёйиб,
Уйғонмоқда қишлоқ ва шаҳар.

Мана, ҳарир нур либос кийиб,
Кўринмоқда тўлишган саҳар.

Эрта тонгдан чиқинг далага,
Наврўз завқин сурмоқ бўлсангиз.
Илҳом шунда шоирга, чиқинг,
Гулбаҳорни кўрмоқ бўлсангиз.

1965

ЙИЛЛАР ВА ОДАМЛАР

Йиллар...

Учқур йиллар,

қанотли йиллар...

Йиллар бир-бирини қувалаб ўтар.

Одамлар,

одамлар яшиндай елар,

Одамлар йилларнинг этагин тутар.

Йиллар тизгинини ушлаб одамлар

Меҳнат майдонига етаклар уни.

Кунлару ойлардан қилиб карвонлар

Йилларга юк ортар одам ҳар кун.

Йилларнинг юкида ўзбек пахтаси,

Минг-минг карвонларни шошириб қўйди,

Тоғи-ю, боғи-ю, чўли, ҳаммаси

Юклар майдонини тошириб қўйди.

Илму ҳикматларнинг кароматлар

Йиллар дастурхонин безатиб турар.

Келгуси йилларнинг аломатлари

Келажак тонгини тезлатиб турар.

Ҳайратланар йиллар одам нақлига,

Одам нақлига-ю, одам ақлига.

Ёқа тутиб дейди: ўтган минг йиллар —
Бўлмаса-я сўнги бир йилча нега?

Йилларни эъзозлаб янги одамлар
Йиллар мазмунидан қурди кошона.
Йилларни безатган, қадрига етган
Совет деб аталган янги замона.

1970

АҲДИМИЗ

Инсон қудратига ҳайронман,
Ишлар суръатига ҳайронман.
Нур эмган бу қуёш юртида
Одам ҳурматига ҳайронман.

Олам кенглиги ҳам шу юртда,
Одам тенглиги ҳам шу юртда.
Қилни қирқ ёрар бу эл аҳди,
Аҳд метинлиги ҳам шу юртда.

Аҳд қилдик сув тескари оқди,
Саҳролар кийинди-ю, гул тақди.
Инсон ернинг сириш фош этиб
Ҳатто осмон эшигин қоқди.

У аҳд қилди ёвлар қирилди,
У истаса ўлик тирилди.
Бегоналар алдови бекор,
У яшамоқ сириши билди.

Бунда эллар бўлдилар сирдош,
Бири бўлди кўзу бири қош.
Бир оила — миллат, элатлар,
Оилага партиядур бош.

1975

ҚҰШИҚЛАР



УЛУҒ НОМ

Бу бир номки тилга олсам сайрайди тилим,
Тилдан олиб дилга солсам яйрайди дилим,
Унинг меҳри тўлиб оқар юракда лим-лим,
Удир бахтим, удир аҳдим, ҳаётим рамзи,
Меҳри билан куч бергувчи бир қувват ўзи.

Йўқ жаҳонда шу бир номни билмаган одам,
Ҳатто мурғак гўдакдан ҳам сўрсанг дер
«Дадам»,

Шу ном билан тилга кирар, босадир қадам,
Шу ном билан ёруғ юртнинг туну кундузи,
Давримизнинг нурафшон бир қуёши ўзи.

Бу ном борки, юртимиздан кетмайди баҳор,
Бу ном борки, бизлар озод, абад бахтиёр,
Бу ном борки, доим бизга ғалабалар ёр,
Ҳар мушкулда офтобдек ёруғ эл юзи,
Ҳар юмушда бизга ҳамроҳ бу номнинг ўзи.

Бу улуғ ном — хонамизда ўчмас бир чироқ,
Бу улуғ ном — ёвдан асрар қалқонсимон тоғ,
Бу улуғ ном — бизни бахтга бошлаган байроқ,
Бу ном — Ленин, қулогимда унинг ҳар сўзи,
Озод эллар юрагида яшайди ўзи.

1938

КУЙЛАГАЙМАН

Юзларим ойдек ёруғ,
кундек чароғон кўзларим,
Мисли йўқ гулгун диёрда
шуълаланди юзларим.
Бир қуёшли кунда чиққанман
зимистондан қочиб,
Нурга чўмган қуш каби
учдим қанотим кенг очиб.
Йўлларим тўсгувчи бўрону
қуюнлар энди йўқ,
Ҳур Ватанда бақра топдим,
Менга ёрдир бахт, ҳуқуқ.
Шодман, кўнглим баҳордир,
Мартабам тоғдан баланд,
Меҳру севгим шу элимга,
шу гўзал юртимга банд.
Куйлагайман доимо бу
даври давронимни мен,
Куйлагайман куйга монанд
бу ширин онимни мен.

1939

ВАЪДА

Чигит экдим тарам-тарам,
Бу йил катта олган ваъдам,
Кўнглим тўлмас гўзам кўркам
Бўлиб, кулиб боқмагунча.

Оқ олтиним бойлик — борим,
Термоқ уни аҳд — шиорим,
Тинчимаيمان пахтазорим
Яшнаб, ваъдам оқлагунча.

Жон куймаса жонон қайда?
Ёр куймаса ёрон қайда?
Мўл ҳосилдан нишон қайда
Дарё бўлиб оқмагунча?

Пахта дейман ҳар сўзимда,
Пахта акси бор юзимда,
Тинчимаيمان колхозимда
Тўй гулханин ёқмагунча.

1940

БАҲОРИНГДАН

Юзингда гунчадек кулгич нишондир гулбаҳорингда.
Яноғингда қизиллик, бу — асардир лозазорингда.

Кўзинг хуморлиги гулгун диёринг нашъасидандур,
Боқаркан кўзларинг унга чиқарсан бир хуморингда.

Жаранглаб кўкка чирмашган бу кулгинг, қаҳқаҳанг
сўрсам,
Бу ҳур давринг мукофоти ҳуқуқинг, ихтиёрингда.

Дилингда доимо тўлқин уриб тошган қувончинг бор,
Бу ширин гул ҳаётинг ҳам ҳаёт берган шиорингда.

Мудом улфат эрур қувноқлигинг ҳам шўх куйинг
сенга,
Бу бахтингни тараннум айлаган сайроқ дуторингда.

Мана кўксинг тўла юлдуз, булар фаҳру ғурурингдир,
Бу ҳур меҳнат билан тўлган, оқ олтинли қанорингда.

Тилинг ширинлигин ҳам боисин билдим, ширин, эй,
қиз,
Бу богингда қиём бўлган чарос, ноку анорингда.

1940

ЕР, ХУШ КЕЛИБСИЗ!..

Илк саҳардан кутдим мен гулзор боғимда,
Мана, сизга терғаним гул қучоғимда,
Сиз доимо дилимда, кўз қароғимда,
Эй, ёр, хуш келибсиз!

Кўзим нури қуйилди уйингиз томон,
Қачон чиқар экан деб, сиз қоши камон,
Юрак тушгур уради бежо, беармон,
Эй, ёр, хуш келибсиз!

Ой ботди, сиз ой бўлиб чиқинг, эй, дилдор,
Ишқингизда келганни қилмай интизор,
Сизга мен зор, ҳам тонг зор, ҳам бу пахтазор,
Эй, ёр, хуш келибсиз!

Кутар бизни гулзорда гуллар мўралаб,
Кутгандайин соғиниб, чанқоқ, интиқ лаб,
Юринг гуллар терайлик қучоқ-қучоқлаб,
Эй, ёр, хуш келибсиз!

1950

ТҮЙ МУБОРАК

Тўйга келдик, тўйларингиз муборак,
Тўйга янги куйларингиз муборак,
Яхши ният — ўйларингиз муборак,
Яхши кунда тўйларингиз муборак,
Шодлик тўла уйларингиз муборак.

Ҳар кунимиз ўзи бир тўй — шодиёна,
Жам бўлишдик дўстлар, тўй бир баҳона,
Биз куйлайлик, ўйнасин шўх жонона,
Яхши кунда тўйларингиз муборак,
Шодлик тўла уйларингиз муборак.

Қани, ўйнанг, бир кўрайлик, эй, дўстлар,
Тўй гаштини биз сурайлик, эй, дўстлар,
Лола қадаҳ кўтарайлик, эй, дўстлар,
Яхши кунда тўйларингиз муборак,
Шодлик тўла уйларингиз муборак.

Тўй севгилар аҳди, байрами, демак,
Тўйга ўйин, авжи баланд куй керак,
Бергусн тўй шодлигимиздан дарак,
Яхши кунда тўйларингиз муборак,
Шодлик тўла уйларингиз муборак.

1962

ТЕРИМДА

Ой нурины узганда,
Юлдуз сафин бузганда,
Бизлар теримга кетдик,
Ёйиб йўлларга ханда.

Вўзалар имлар эди,
Бизлардан сўрар эди:
— Ҳай, болалар, кечаги
Чечанлар кимлар эди?

— Чечан, мана, биз,— дедик,—
Барча ўғил-қиз,— дедик,
Мана, бугун теримда
Чечан ҳаммамиз,— дедик.

Тушиб кетдик теримга,
Хирмонларда барака,
Ким ўзарга тердик биз
Вумри қизу Шер ака.

1963

КЕЛ, ДЕДИ

Кел, деди, келгин деди,
Гулбоғимни кўргин, деди,
Мен билан тургин, деди,
Борсам жойи гулзор экан,
Кўрсам ўзи дилдор экан.

Юр, деди, тез кўр, деди,
Чўлларнинг гаштин сур, деди,
Бунда меҳнат зўр, деди,
Борсам жойи гулзор экан,
Кўрсам ўзи дилдор экан.

Қирга гул — райҳон экиб,
Саҳрога «оқ олтин» тикиб,
Чўлни у опти эгиб,
Борсам жойи гулзор экан,
Кўрсам ўзи дилдор экан.

Келдиму бир суймади,
Юр, пахта тер, деб қўймади,
Терди-ю, ҳеч тўймади,
Борсам жойи гулзор экан,
Билсам ўзи дилдор экан.

1963

ГУЛШАН ДИЁРИМ

Гул диёрим бор менинг,
Гулшан диёрим бор менинг.
Меҳнату бахтимни кўрки
Пахтазорим бор менинг.

Пахтазорим ишқида
Тун-кечалар бедорман.
Тонгда олтин ғунчалар
Очилмоғига борман.

Пахтазорим бағрида
Юрсам нима, севсам нима?
Ҳар ғўзамнинг қўйида
Ёнсам нима, куйсам нима?

Ой ғўза, ойдин ғўза,
Ойдек бўлиб тўлган ғўза,
Қўймадинг имлаб мени ҳеч
Жилмайиб кулган ғўза.

Олма деб тердим сени,
Ҳеч қолма деб тердим сени.

Юртга нур водийсидан бир
Совға деб тердим сени.

Гул диёрим бор менинг,
Гулшан диёрим бор менинг.
Меҳнату бахтимни кўрки
Пахтазорим бор менинг.

1963

ҚҰШИҚЧИ ҚИЗГА

Ажаб, сен шўх қўшиқ пайдо қилибсан,
Қўшиқ айтиб мени шайдо қилибсан.
Куйинг, созинг Ватан ишқи билан банд,
Шу ишқ бирла тилинг гўё қилибсан.
Дуторинг қўш ипи титраб урар мавж,
Уни сен куй оқар дарё қилибсан.
Куйинг бирла кириб хонам аро сен,
Хаёлим кўзгусин бежо қилибсан.
Ашуланг мает қилиб, мен тонг қотибман,
Кириб дилга, дилимда жо қилибсан.
Бу гулшанда ўзинг булбул экансан,
Бу булбулга қийин савдо қилибсан.

1963

ФАРҒОНАМ!

Бағрингни оч, она юртим, голиб Фарғонам!
Бормоқдаман сенга олқиш олиб, Фарғонам.

Улуғ Ленин расмини сен тақиб кўксингга,
Яна чирой қўшган эдинг гўзал ҳуснингга.

Ўлкамизнинг гўзаллигин рамзи Фарғона,
Бугун яна сенга қутлов — шеърий тарона.

Сенда хирмон мўлжалидан ошибди бугун,
Сенда яна эл қувончи тошибди бугун.

Сен қуёшу ойга ёққан гўзал водийсан,
Нур дарёси тўлиб оққан гўзал водийсан.

Тилсимнамо тоғларингда бойлиқ қатма-қат.
Боғларингда мевалардан томади шарбат.

Сенинг момиқ тупроқларинг «оқ олтин» кони,
Бу йил яна кўкка етди элинг хирмони.

Маҳбубалар меҳри билан унган ҳар гўза,
Оппоқ дурга лим-лим тўла бир олтин кўза,

Нур қуйилди кўзалардан, дарё-дарё нур,
Оқиб ўтди далалардан оққандайин дур.

Нурга тўлди, дурга тўлди чўллари йўллар,
Байроқ тутди, бу йил ғолиб дур терган қўллар.

Ҳорманг! — деймиз фарғоналик доvon ошганлар.
Баракали оқ олтини тўлиб-тошганлар.

Балли сизга фарғоналик танти пахтакор,
Сизлар йўқдан бор қиласиз, сизда ҳикмат бор.

Балли сизга пахтамининг миришкорлари,
Сизлар юртда мўл ҳосилнинг ижодкорлари.

Бағрингни оч, она юртим, ғолиб Фарғонам
Бормоқдаман сенга олқиш олиб, Фарғонам.

1964

АЙТАЙИН

Ғойбона сенга ашъор айтайин,
Ахтариб шаънингга гулёр айтайин,
Ҳар куни номингни такрор айтайин,
Сенга пинҳон бир сўзим бор айтайин,
Айт десанг гар, майли, ошкор айтайин.

Соғиниб келсам хиёл бир боқмадинг,
Уйланиб сурдинг хаёл бир боқмадинг,
Дил куйиб, тил бўлди лол бир боқмадинг,
Сенга пинҳон бир сўзим бор айтайин,
Айт десанг, хўп майли, ошкор айтайин.

Тонгда кўрсам пахтазор — гулзордасан,
Ҳар кўсакка қўл чўзиб нур тортасан,
Ғоҳи тилда, гоҳ қўшиқ, гоҳ тордасан,
Сенга пинҳон бир сўзим бор айтайин,
Айт десанг гар, майли, ошкор айтайин.

Элда топдинг катта шуҳрат, катта шон,
Бу қўшиқ-куй сенга меҳримдан нишон,
Шунча йўлдан сен учун келдим, ишон,
Сенга пинҳон бир сўзим бор айтайин,
Айт десанг гар, майли, ошкор айтайин.

1964

ҚҰШНИ ҚИЗ

Сизга ишқим тушди-ю, сиз билмадингиз қўшни қиз,
Йўлингизда кутдимү сиз келмадингиз қўшни қиз.

Ишқи меҳрим қўймади ҳеч, боғингизга кирдимү
Сезмагандай, бир нигоҳ ҳам қилмадингиз қўшни қиз.

Боғингиз гулга кўмибсиз, гулга ўчсиз-ку, нега
Даста гул отсам назарга илмадингиз, қўшни қиз?

Бу яратган боғингизга хол бўлибди ҳуснингиз,
Гул очилди, сиз менга очилмадингиз, қўшни қиз.

Олма шоҳида турибсиз худди ой йўлдошидек,
Имласам ҳам жўйингиздан жилмадингиз, қўшни қиз.

Мен қўшиқ бирла дилимни минг тилиб кўрсатдимү
Бир анор бағрини ҳам сиз тилмадингиз, қўшни қиз.

Кўнглингиз менда экан-ку, бир боқишда англадим,
Кўнглингизга кирдимү сиз сезмадингиз, қўшни қиз.

1965

ЎИЗЛАР

Ўизлар кийса атлас кўйлак
Бирам ярашар.
Йигитларга жон киради —
Суқли қарашар.

Бу қизларнинг севгилиси
Борга ўхшайди,
Анавниси келин бўлган
Ёрга ўхшайди.

Ўизлар келиб, қизлар ҳусни
Қирди чўлга ҳам,
Ўизлар келиб файз ҳам кирди
Олтин кўлга ҳам.

Бири рулда, бири қўлда
Терар оппоқ дур,
Водий тўлиб нур оқади,
Нур оқади, нур.

Нурга чўмиб очилади,
Ўизлар жамоли,
Йигит-қизлар пахтазорнинг
Кўрки, камоли.

1965

ЁШЛИК ЯЛЛАСИ

Биз ёшлар ҳаммша навқирон, бардам,
Бизларга ҳамроҳдир фан-билим, ҳардам.
Ойга, юлдузга ҳам етар қўлимиз,
Бизларга осмон ҳам бўлди бир қадам.

Биз кураш ўтида тобланган авлод,
Курашда, меҳнатда топдик биз нажот.
Куч берди, пур берди замон машъали,
Қуёшдек порлади ёшлик ва ҳаёт.

Ёшликни олқишлар гул диёр, баҳор,
Ёшликдек гўзалдир бу чаман, гулзор.
Баркамол ёшлик-ла хонамиз обод,
Бу юртда тинчлик ва дўстлик барқарор.

1965

ИШҚ ҶАВАСИ

(Кексаларга ҳазил)

Кулмангиз, эй ёшлар, мен
ишқ ҷавасин куйласам,
Ишқдан гар лоф уриб
Мажнун навосин куйласам.
Ишқ фаслидан ўтибсиз,
бас қилинг ишқни, деманг,
Камниримга хуш келур
ёшлик даъвосин куйласам.
Кексалнк муз бўлса ҳам
ёғдек эритгай ишқ ўти,
Кампирим ҳам йўргалар
ишқ муддаосин куйласам.
Кампирим тушгур ёнимда
айланар парвонадек,
Лола юз, қирқ кокилу
қоши қаросин куйласам.
Худди у шўх қизчалардек
туртиб ёнимни чимчилар,
Мен унинг қизлик чоғи,
нозу арозин куйласам.
Ичи тушган ҳандалакдай
таппа ташлаб ухлагай,
Гар улнинг етмиш билаң
юз йил аросин куйласам.

1966

БИЗ ҚИЗЛАР

Биз қизларга йўл беринг,
Майли, қиру чўл беринг.
Олтин конин очамиз,
Машинадан мўл беринг!

Бизлар бориб оч чўлга,
Олдик жilовин қўлга.
Бизнинг қўл теккан ерлар
Айланар олтин кўлга.

Чўлга қизлар солдик из,
Нурга тўлди даламиз.
Яна янги ер очиб
Бизлар шунда қоламиз.

Биз қизларга йўл беринг,
Майли, чўлу қир беринг.
Олтин конин очамиз,
Техникадан мўл беринг!

1968

ФАЗОГИР ЙИГИТ

Мард йигит, ботир йигит,
Осмонга илк учган йигит.
Кел, пешонангдан ўпай
Минг бир фалак қучган йигит.

Зўр йигит, учқур йигит,
Фазога сен қўйдинг қадам.
Ой бўлиб, офтоб бўлиб
Оламга нур ёйди одам.

Нур йигит, кўҳлик йигит,
Сен бирла учди фан, илм.
Кўкни ҳам забт этди бу —
Халқим яратган зўр билим.

Ўт йигит, чақмоқ йигит,
Дилларга ўт солдинг ўзинг.
Кўкни ҳам, ҳар дилни ҳам
Мафтун этиб олдинг ўзинг.

Дўст йигит, сирдош йигит,
Осмон сирин айт бизга ҳам.

Қўксимиз сенга очиқ,
Меҳмон бўлиб қайт бизга ҳам.

Мард йигит, ботир йигит,
Осмонга илк учган йигит,
Ўел, пешонангдан ўпай
Минг бир фалак қучган йигит.

1969

ЎЗБЕКИСТОН, ДЕЙДИЛАР

Бу гўзал, офтоб мисол юрт,
Ўзбекистон, дейдилар.
Бу диёр бағрини роҳат,
Боғу бўстон, дейдилар.

Боғлари булбулга ошён,
Тупроғи олтинга кон.
Раиғ-бараиғ сепу чиройи
Элга дoston дейдилар.

Тошкент Шарқ машъалидир,
Андижон олтин чироқ.
Кўҳлик Фарғонами жаннат,
Жонга дармон дейдилар.

Илм уйи кўҳна Самарқанд,
Ҳам Бухоро-ю қадим,
Бойлигин поёни йўқдир,
Қатта карвон, дейдилар.

Қашқадарё, қўшни Сурхон,
Сир, Аму сирдош бўлиб,

Водийни нурга кўмибди,
Чўл нурафшон, дейдилар.

Навқирон ўлкам ясанди,
Эгнида кўркам либос.
Бир кўринг бағри гулистон,
Пахта майдон, дейдилар.

1969

СЎЗЛАНГ

Келинг, дўстлар, униб-ўсган қадрдон хонадин сўзланг.
Палак отган шу гулшанда азиз ҳамхонадин сўзланг.
Бу кўркам хонадон ободлигин кўрки, чароғбони,
Падар бузрук, бошингиз устида парвонадин сўзланг.
Ичирган сут ила сизга ширин меҳру гиёсини,
Жигарбанд, дил мадори ул табаррук онадин сўзланг.
Муҳаббат гунчасин ёрлик куйида армуғон этган,
Уйингизнинг гули-ю, булбули жононадин сўзланг.
Толиқтирмас қанотингиз, ўчирмас асло отингиз,
Фарзанд бу бой бисотингиз, зурёд дурдонадин сўзланг.
Ёруғ офтоб бўлиб бу хонадонга нур, ҳаёт берган,
Бу ҳур даврону бу даврон эли мардонадин сўзланг.

1969

ЕР ДЕГАНИМ ШУ

(Сувчи қизга)

Ёримни кўринг, ёр деғулнк ёр деганим шу,
Кўзларга қаранг, кўзлари хумор деганим шу.
Осмон каби кенг кўк водийда ул ой кўринди,
Ёр ойи гўзал, кўк ойн бекор деганим шу.
Ойдинда кезар сув ёқлаб сув парисидек,
Сув ишқиди ул тунлари бедор деганим шу.
Сув бирла жўяк бағрига ой нури таралди,
Сув қўйнида, нур қўйнида ул ёр деганим шу.
Ўзалар шохида қўнғир қирқ кокили маржом,
Ҳар шонада гул, кўксига тумор деганим шу.
Оқ кўйлағидан тортади тонг еллари ҳар дам,
Ел ҳам яширин мен каби хуштор деганим шу.
Олтин чамани сув ила хандон етилибди,
Чўл сув парисин қўлида гулзор деганим шу.

1969

Ҳар элату элларда,
Зўр оловли йилларда,
Достон бўлган тилларда,
Бахти бор комсомолман.

Порлар байроқ қўлимда,
Кутар зафар йўлимда,
Шуҳрат топдим элимда,
Бахтиёр комсомолман.

Учиб бордим мен ойга,
Қилдим нур билан пойга,
Мафтунман ҳар чиройга,
Бахти бор комсомолман.

Келажакка боқаман,
Дарё бўлиб оқаман.
Иллатларни ёқаман,
Бахтиёр комсомолман.

Гўзал гул диёрим бор,
Унда мададкорим бор,
Ёр десаңгиз ёрим бор,
Бахти бор комсомолман.

1969

БАҲОР ҚУШИҒИ

Баҳор фасли — гул фасли,
Гулим бўпти хўп исли.
Мени гулга ўч қилган
Баҳор ишқидир асли.

Баҳор фасли кўнглимда,
Қулиб турар йўлимда,
Қандай қилай, ошиқман,
Баҳор ўзи сўлим-да.

Баҳор фасли ширин дам,
Латофатга бой бирам.
Баҳор билан жўр бўлар,
Гўзал ўлкамда байрам.

Баҳор фасли богдаман,
Чечаклар чаман-чаман.
Ҳар гал баҳорга атаб
Янги қўшиқ айтаман.

Баҳор фасли гул фасли,
Гулим бўпти хўп исли.
Мени гулга ўч қилган
Баҳор ишқидир асли.

1969

ҚҰШИҒИМ БОР, ҚҰШИҒИМ

Дўстлар, ёру ёронлар,
ширин экан бу дамлар,
Ширин дамга аталган
қўшиғим бор, қўшиғим.
Умрим йўли навбаҳор,
ҳар гўзаллик менга ёр,
Гўзалликка аталган
қўшиғим бор, қўшиғим.
Гулбоғим бор, гулбоғим,
ҳар гули кўз қароғим,
Шу боғимда етилган
қўшиғим бор, қўшиғим.
Қўшиқ айтиб яйрайман,
булбул бўлиб сайрайман,
Булбул билан жўр қилган
қўшиғим бор, қўшиғим.
Ҳур меҳнатим — давлатим,
«оқ олтин»им — савлатим,
Ифтихорим шу деган
қўшиғим бор, қўшиғим.
Келинг, ўйнаб-кулайлик,
бахтимизни куйлайлик,
Бахт куйи деб аталган,
қўшиғим бор, қўшиғим.

1970

ИШҚИИГДА ЁНИБ

Меҳрим сенга ёр, ёру диёрим ўлкам,
Мен сенга хуштор, боғу баҳорим ўлкам,
Кезмасам бир кун боғинг, чаманзорингни,
Бўламан хумор, қалбда виқорим ўлкам.

Ҳуснингга боқиб саҳару шом тўймайман,
Сен менга ёқиб, олдим илҳом, тўймайман,
Ишқингда ёниб, қониб қайноқ меҳрингдан,
Дарёдек оқиб — тошиб мудом тўймайман.

Мени шўх дарё қилган ўша сен ўзинг,
Тилимни бурро қилган ўша сен ўзинг,
Бериб соз менга, қилиб жўр овозингга,
Булбулигўё қилган ўша сен ўзинг.

Сен ўзинг ўша жаннат ва эрам боғи,
Қўша-қўша сенда олтинлар тоғи,
Қай бирин айтай, сигмас қўшиқларимга,
Қасрга боқса Ўткир илҳом булоғи.

1970

ҚАРДОШ ЭЛИМ

Ассалом, қардош элим,
қондош элим, ёндош элим.
Ўзбегим кўз бўлса унга
хўп келишган қош элим.
Қайси тожик? Қайси ўзбек?
оти бир, авлоди бир,
Волидамиз тожик эса,
ўзбек падар, қондош элим.
Бахтимиз бир, аҳдимиз бир,
бир феълу атворимиз,
Ҳар ғаму шодликни бирга
тенг кўрар жондош элим.
Куйи бир хил, тўйи бир хил,
уйи бир хил, ёнма-ён,
Аста қилган хониши ҳам
эшитилар, ёндош элим.
Икки зўр қайиар булоқ
оққандайин бир сой бўлиб,
Яшнатиб чўлларни ҳам
оқмоқда дўст-қардош элим.
Ассалом, қардош элим,
жондош элим, ёндош элим.
Бири шаҳло кўздир, Ўтқир,
бири қундуз қош элим.

1970

ЎРГИЛАЙ

(Лапар)

Й и г и т:

Кўзларим тўрт сизга, эй ёр, ўргилай,
Соғиниб дил куйди дилдор, ўргилай.

Қ и з:

Дил куйиб ёнган киши келмасмиди,
Бу соғинч даъвоси бекор, ўргилай.

Й и г и т:

Дарчадан боққандайин сиз ой бўлиб,
Тунларим ўтмоқда бедор, ўргилай.

Қ и з:

Бу соғинчдан бир ўзим ёндим, деманг,
Икки дил ҳам чекди озор, ўргилай.

Й и г и т:

Тонгда елдек келди хуш овозингиз,
Айтдингиз шаънимга гулёр, ўргилай.

Қ и з :

Ишқ тузогига тугилдим билмайин,
На қилай, сир бўлди ошкор, ўргилай.

И г и т :

Санъатингиз гул, унинг сиз булбули,
Сизга муштоқ мен ва гулзор, ўргилай.

Қ и з :

Санъату булбулнинг ишқ илҳомчиси,
Берди шу ишқ қўлга дотор, ўргилай.

И г и т :

Қонсин энди икки дил ташналиги,

Қ и з :

Пишди ишқ савдоси, эй ёр ўргилай,

1970

НИЯТИМ ШУ

Мен юраман яйраб энди,
Уғил-қизим тиниб-тинди.
Келин олдим, сепли чиқди,
Жуда чаққон, эпли чиқди.

Келиним зўр нор туядай,
Шундайини топдим атай.
Машинадай чарчамайди,
Овқатни ҳам кўп емайди.

Қўл-оёғин ёглаб қўйдим,
Уни ишга боғлаб қўйдим.
Кун бўйи у дикир-дикир,
Айланади уйда гир-гир.

Қўлни совуқ сувга урмай,
Ухлаяпман эрта турмай.
Турсам келин ювинтирар,
Сочларимни тараб турар.

Қўйиб ўсма, кўзга сурма,
Кийиб ҳар хил фасон — бурма. 6,5
Юрибман мен парилардай,
Ерга қўнмай, учиб пардай.

Эримга ҳам эрка бўлай,
Авраб уни пулин юлай.
Қайда ўйин, тўй бор, билиб,
Олиб борсин кўз-кўз қилиб.

Бу гул ҳусним менга неъмат,
Ўйнаб қолай, жон ганимат.

Сизлар айтинг келинимга,
Ўйни ташлаб яна менга —
Ишга кириб кетмасин у,
Кеча-кундуз ниятим шу.

1970

ХОРАЗМ

Бог экансан, Хоразм,
Гулбоғ экансан, Хоразм.
Сен Аму водийсида
Байроқ экансан, Хоразм.

Бу азим дарё Амуни
Шарт кесиб қилдинг камар.
Нурга тўлган боғларингда,
Бол оқиб, шарбат томар.

Қўли гул, овози булбул,
Ҳусни ойдир қизларинг.
Шўх ўйин, шўх кулгуга,
Шўх куйга бойдир қизларинг.

Пахтазор қўйнига барча
Ёшулиларни чорладинг.
Тоғ қилиб «оқ олтин»инг,
Машғал чироғдек порладинг.

Бог экансан, Хоразм,
Гулбоғ экансан, Хоразм.
Сен Амуда бағри кенг
Қирғоқ экансан, Хоразм.

1970

ГУЛ ИШҚИ

Боққа кирсам, богда гуллар
Сочларимдан тортадир.
Қанча тортса, қанча юлса,
Унга меҳрим ортадир.

Тортқилаб ўйнашса гуллар,
Рашк қилманг ёр, рашк қилманг.
Гулга ишқингдан бу кўнглим,
Ғаш деманг ёр, ғаш деманг.

Гулга ошиқман азалдан,
Гул ҳам ошиқдир менга.
Ҳамма ошиқ бўлса-ю, мен
Бўлмайин ошиқ нега?

Гулга боқсам, гулда кўрдим
Гул ҳаётим нашъасин.
Гулларим оғушида мен —
Мастман ҳидлаб исин.

Мен севиб эккан гулимнинг
Садқаю парвонаси.
Унга ошиқ мингта бўлса
Мен унинг бир донаси.

1970

ОЙГА БОҶСАМ...

(Чегарачи қўшиғи)

Ойга боқсам, сен кўриндинг кел эй, ёр, ёнимга кел!
Мижжа қоқсам кўзга кирдинг, кел, нигор, ёнимга кел!

Кўзни юмсам кўзга тўлгандек кўринди кенг жаҳон;
Кипригимга қўнди гўё гулбаҳор, ёнимга кел!

Ўйга чўмсам, ўйларим дарёсида келдинг сузиб,
Кел, соғинч кўзгусидан чиқ, шу наҳор ёнимга кел!

Сен шу гулзор богдирсан, мен унинг гардишида,
Сақлагайман мен бу богда ҳар на бор, ёнимга кел!

Бунда бедор соқчиман бу гул диёру ёрга,
Сен ҳам унда бўлма менга интизор ёнимга кел!

1970

ЁР УЧУН

Мен борарман ёр учун,
Ёр учун, дийдор учун.
Интизор бўлган вафодор
Ёрға меҳрим бор учун.

Мен борарман тоғ ошиб,
Тоғлар ошиб, елдек шошиб.
Қўймади дил ўртаниб,
Лов-лов ёниб, сойдек тошиб.

Мен борарман гул билан,
Ҳам гул билан, кўнгил билан.
Куйларимда ёр висоли,
Жўр бўлиб булбул билан.

Мен борарман соғиниб,
Минг соғиниб, минг тўлганиб,
Ёр йироқ кетса кетарму,
Ёр меҳридан тониб?!

1971

БАҲОР КЕЛДИ

Баҳор келди богимга,
Боғиму қароғимга.
Соғинтириб келдим, дер,
Шивирлаб қулогимга.

Баҳор келди ел бўлиб,
Ел бўлибу эл бўлиб.
Минг товланиб, ясаниб,
Ошиққа мойил бўлиб.

Баҳор келди гул билан,
Гул билан, булбул билан.
Майсалардан тўқилган
Поёндозли йўл билан.

Баҳор келди ёр бўлиб,
Ёр бўлиб, дилдор бўлиб,
Ҳар тонг боғда кутдик биз,
Зор бўлиб, бедор бўлиб.

Баҳор келди новдага,
Новдага-ю, даврага.
Ҳаммани ошиқ қилиб,
Қўйди қийин савдога.

1971

УЧ, ҚАНОТИМ!

Зангори туге зўр отимсан,
Пахтазорда тез одимсан,
Менинг учқур қанотимсан,
Чу, зўр отим, уч, қанотим!
Олтин нурлар қуч, қанотим!

«Оқ олтин»им — бойлик борим,
Термоқ уни аҳд-шиорим,
Ғуруримдир пахтазорим,
Чу, зўр отим, уч, қанотим!
Олтин нурлар қуч, қанотим!

Жон куймаса, жонон қайда?
Ёр куймаса, ёрон қайда?
Тер тўкмаса, хирмон қайда?
Чу, зўр отим, уч, қанотим!
Олтин нурлар қуч, қанотим!

Пахта дейман ҳар сўзимда,
Пахта акси бор юзимда,
Мўл бўлсин у колхозимда,
Чу, зўр отим, уч, қанотим!
Олтин нурлар қуч, қанотим!

1971

БЕВАФО ЁРГА

Ахтариб кепсиз-да, ёр,
Бўлиб гариб кепсиз-да, ёр,
Шавқиронман, деб кетиб,
Охир қариб кепсиз-да, ёр.

Янги ёр деб кетдингиз,
Мен унга зор деб кетдингиз,
Янги ёр дийдорига мен
Интизор, деб кетдингиз.

Янги ёр ёқмабди-ку?
Сизга қиё боқмабди-ку?
Аврасангиз ҳам илондек
Сув бўлиб оқмабди-ку?

Бевафо ёр, ёр эмас,
Ул бевафолик ор эмас,
Топса гар бегона ёрни,
Уйда ёрим бор демас.

Эски ёр оғар деманг,
Менга яна боқар деманг,
Дилда ўчган ишқ чироғин
Қайта у ёқар деманг.

1971

ЧЎЛ ҚЎШИҒИ

Юрдик қарши чўлида,
Илон изи йўлида.
Хамир каби йўғрилар
Тупроқ одам қўлида.

Чўлда дарё тутилди,
Дарё чоки ситилди.
Юрак-бағри куйган чўл
Ташналикдан қутулди.

Чўлга келиб мард элим
Ерни қилди минг тилим.
Тўлиб дарё кокили,
Сув оқади лиммо-лим.

Бордик чўлга ёр билан,
Чўлқувар ҳамкор билан.
Чўлга кую тўй келди,
Ёр билан, дотор билан.

Юрдик Қарши чўлида,
Баҳор юрган йўлида.
Йўғрилмоқда хамирдек
Чўл одамлар қўлида.

1972

ДАЛАМ

Оқ, далажон, далажон,
Мунча сен оромижон.
Кунда қуёш бошингда,
Тунда юлдузлар маржон.

Далам гўё оқ шоҳи,
Кўк ипакдан арқоги.
Тўлиб-тошсанг ўргилай,
Сен меҳнатим қаймоғи.

Оқ чойшабда гўзалар
Товланади худди зар.
Ҳар тонг нурга чўмилиб,
Ҳар тонг қайта ясанар.

Уй-хаёлим даламда,
Удир кўз қароғимда.
Унга суқли қарайман,
Ишқи ўртар ҳар дамда.

Оқ, далажон, далажон,
Мунча сен оромижон,
Кунда қуёш бошингда,
Тунда юлдузлар маржон.

1972

БИЛГАНМИСИЗ?

Бир кўриб мен бўлганимда
маҳлиё, билганмисиз?
Суратингиз этганимда
дилга жо, билганмисиз?
Бир жаҳон ҳусну чирой
бирла кўзимга кирдингиз.
Ёспирай деб кўз юмиб
тутсам ёқа, билганмисиз?
Янги чиққан ойни кун
балдоқ қилиб таққандайин,
Чехра офтоб, қош ҳилол
сочса зиё, билганмисиз?
Икки шаҳло кўз китобга
нур қуяя ёндиргудек,
Ёнингизда ўлтириб
боқсам қиё, билганмисиз?
Сиз илмга маҳлиё-ю,
ҳамма сизга маҳлиё,
Еру осмон бўлса сизга
мубтало, билганмисиз?
Бир кўриб мен бўлганимда
маҳлиё, билганмисиз?
Суратингиз этганимда
дилга жо, билганмисиз?

1972

КЕЛИНГ ЁР, КЎРИНГ

Битди янги уйимиз,
Келинг ёр, кўринг.
Сизни кутар тўйимиз,
Келинг ёр, кўринг.

Уй олдини йўл қилдик,
Келинг ёр, кўринг.
Атрофини гул қилдик,
Келинг ёр, кўринг.

Гул оралаб сув оқар
Келинг ёр, кўринг.
Сув бетида нур оқар,
Келинг ёр, кўринг.

Гулзор ёни супача,
Келинг ёр, кўринг.
Солдик атлас кўрпача,
Келинг ёр, кўринг.

Сизга тўрдан жой қўйдик,
Келинг ёр, кўринг.

Келасиз деб чой қуйдик,
Келинг ёр, кўринг.

Қўлда жонон пиёла
Келинг ёр, кўринг.
Сизни кутар гул-лола,
Келинг ёр, кўринг.

1973

ПАРВОНА БЎЛДИМ

Парвона бўлдим ширин сўзингга,
Қилдинг маҳлиё хумор кўзингга.
Айта олмайман ошиқлигимни,
Инсоф берсин ёр, энди ўзингга.

Ақлу камолингдан,
Бахту иқболингдан,
Ширин каломингдан,
Юздаги холингдан.

Кўп ёрлар ичра хўп ёр экансан,
Дилраболар аро дилдор экансан.
Ой чиқдим тун ёришди десам,
Бу тун даврада сен бор экансан.

Ойдек жамолингдан,
Тилдаги болингдан,
Қаддн ниҳолингдан,
Лабдаги холингдан.

Парво қилмайсан ҳеч, жонон десам,
Мақтаманг дейсан моҳитобон десам,

Гўзал мен эмас, санъатим дейсан,
Ҳуснида ўзинг бир жаҳон десам.

Одобу орингдан,
Умри баҳорингдан,
Севганинг — ёрингдан,
Қўлдаги торингдан.

1973

Ёшлик чоғим

Боғда гул чаман-чаман,
Мен гулларни қучаман.
Завқ-ла очиб қулочим,
Шўх қуш каби учаман.

Баҳор менга ўхшайди,
У мен билан яшайди.
Қани энди йил бўйи
У кетмасдан турсайди.

Ёшлик ҳам бир гул баҳор,
Унда баҳор ҳусни бор.
Қуёш уни эркалар,
Ўулиб боқар ҳар наҳор.

Ҳар гўзаллик ўртоғим,
Очиқ унга қучоғим.
Ҳеч нарсага бермайман,
Бу ширин ёшлик чоғим.

1973

ОНАЛАР

Сиз оромижон экансиз,
Фарзандга дармон экансиз.
Бир тану бир жон экансиз,
Ғамхўримиз сиз оналар,
Қалб қўримиз сиз оналар.

Ярашасиз хонамизга,
Меҳрибонсиз она бизга,
Биздан ҳам жон фидо сизга,
Ғамхўримиз сиз оналар,
Қалб қўримиз сиз оналар.

Умримизга қўшиб умр,
Дилимизда сиз бир умр,
Сизга деймиз минг ташаккур,
Ғамхўримиз сиз оналар,
Қалб қўримиз сиз оналар.

Қалбимизда меҳрингиз бор,
Меҳригиё сеҳрингиз бор,
Бахтимизга она сиз бор.
Ғамхўримиз сиз оналар,
Қалб қўримиз сиз оналар.

1973

СИЗМИСИЗ?

Эшигимни қоқиб ўтган сизмисиз,
Қия очиб, боқиб ўтган сизмисиз?
Тонг саҳарда ҳовучингиз тўла нур,
Чироқ қилиб ёқиб ўтган сизмисиз?

Этакда дур кўз-кўз қилиб ўтдингиз,
Ҳаял ўтмай, бир юз қилиб ўтдингиз.
Ҳорманг, десак нурга шўнғиб, жилмайиб,
Ширин-шакар бир сўз қилиб ўтдингиз.

Ой ботмасдан тонгни кутиб тур, дейсиз,
Олтин кўлга дур тергали юр, дейсиз.
Қулоч отиб тўлқинлатиб сузгандай,
Териб олтин, терим гаштин сур, дейсиз.

Водий нурга тўлса, сиз ҳам тўлибсиз,
Сўлим бўлса, сиз ҳам сўлим бўлибсиз.
Дала гўё юлдуз тўла кенг осмон,
Унга порлаб сиз ой бўлиб турибсиз.

Энди билсак — сиз — пахтакор экансиз,
Ҳамда номдор, ҳамда донгдор экансиз,
Хизматингиз, ҳурматингиз бир жаҳон,
Ҳам вафодор, ҳам яхши ёр экансиз.

1973

ҲАЙ, ГУЛЛАР

Вой, девордан мўралаган ёрмиди?
Қириб гулзор оралаган ёрмиди?
Қўшиғини тонги сабодан йўллаб,
Юрагимга ўт қалаган ёрмиди?

Ҳай, гулларим, ёримни яширманглар,
Қийнаб мени ҳазилни оширманглар,
Гул баргидан парда тортиб ёримга,
Қўзларимни чалғитиб шоширманглар.

Уят қилманг соғинганман ёримни,
Олиб келар ёрим гул баҳоримни.
Қуйга солиб куйлар соғинч дардини,
Қўлга олиб сайратар дуторимни.

Қайда ёрим, айтинг, чиқай йўлига?
Сиз гуллардан сарпо тутай қўлига.
Ҳай, гулларим, сиз булбулни кутганда,
Мен ёримни кутмас эканман нега?

Ана ёрим, тушди кўзимга кўзи,
Қуёш бўлиб кирди хонамга ўзи.
Келди мана ўтаб йигитлик бурчин,
Елкасида ёнар қўш-қўш юлдузи.

1974

ЧҮЛГА ЧИРОҒ ҒҚДИК БИЗ

(Лапар)

- Қиз — Осмондаги юлдузлар,
Қаранг ёр, қаранг.
- Йигит — Худди улар сиз — қизлар,
Қаранг ёр, қаранг.
- Қиз — Чўл шерисиз йигитлар,
Қаранг ёр, қаранг.
- Йигит — Чўллар бизга бахт тилар,
Қаранг ёр, қаранг.
- Қиз — Баҳор келиб, гул сочди,
Қаранг ёр, қаранг.
- Йигит — Гул келди-ю, чўл қочди,
Қаранг ёр, қаранг.
- Қиз — Ёйилмоқда чўлга нур
Қаранг ёр, қаранг.
- Йигит — Бу нур, бизлар эккан дур,
Қаранг ёр, қаранг.
- Қиз — Чўлга чироғ ёқдик биз,
Қаранг ёр, қаранг.
- Йигит — Дарё бўлиб оқдик биз,
Қаранг ёр, қаранг.
- Қиз,
Йигит — Шу эди иш — аҳдимиз,
Қаранг ёр, қаранг.
Топдик шунда бахтимиз,
Қаранг ёр, қаранг.

1974

ЧАҚАЛОҚЛАР

Нурли уйимиз айлади обод чақалоқлар,
Дилларни қилур равшану ҳам шод чақалоқлар.
Чақалоқ бору уйимиз бозор, тўйимиз бор,
Ҳар оиланинг орзуси зурёд чақалоқлар.
Қизғалдоғи гул, ўғлони булбул, шакару бол,
Бўлғуси Ширин, бўлғуси Фарҳод чақалоқлар.
Ой парчасидек қўлдан учиб талпинар ойга,
Забт этаман дер осмонни ҳайҳот чақалоқлар.
Оналар бағри жигаргўшасига кенг жаҳон,
Шунда етилар аслида шерзод чақалоқлар.

1974

ШУНДА, ДЕДИ

Илхом излаб кетдим йироқ,
Ҳар эшикка тутдим қулоқ.
Қайдасан? — деб бердим сўроқ,
Илхом: — Кел, мен шунда, деди,
Келиб тургин кунда, — деди.

Қиё боқсам боғ имлади,
Сой бўйи қирғоқ имлади,
Чодиридан тоғ имлади,
Илхом кони шунда, деди,
Келиб тургин кунда, — деди.

Боғда қўшиқ, гулғун ҳаёт,
Қирғоқда ёр — бир паризод,
Тош йўнади тоғда Фарҳод,
Излаганинг шунда, деди,
Келиб тургин кунда, деди.

Ҳаёт оқар сойдек тошиб,
Бир-бирини қувиб, ошиб,
Қайга боқай, қолдим шошиб,
Қайна сен ҳам шунда, деди,
Келиб тургин кунда, деди.

1974

БИР ДИЁРКИ...

Тонгда кездим қишлоқларни кўзни олар чироқлар,
Пахтазорга боқсам ёнар маржон-маржон чаноқлар,
Осмону ер нур талашиб ҳар иккиси чарақлар,
Юртим шундай бир диёрки, гулхона-ю, нурхона,
Эли гўзал, қўлида зар, ҳурхона-ю, дурхона.

Атиргуллар чаманидек чамандур оқ чаманзор,
Қайта қайтиб келгандайин бу чаманга навбаҳор,
Ҳамма бедор, шундадир тор, шунда гулёр, шунда ёр,
Юртим шундай бир диёрки, гулхона-ю, нурхона,
Эли гўзал, қўлида зар, ҳурхона-ю, дурхона.

Этаклайди шу гулшанга санамларни бу дамлар,
Этаклайди олтинларни олтин қўлли одамлар,
Саҳрога ҳам борар гулдан из қолдириб қадамлар,
Юртим шундай бир диёрки, гулхона-ю, нурхона,
Эли гўзал, қўлида зар, ҳурхона-ю, дурхона.

Ёнимда ёр, юрдим яёв, бўлиб ёрга маҳлиё,
Ҳам ёрга-ю, ҳам ёр каби соф наҳорга маҳлиё,
Ҳам тонг билан юзин очган гулбаҳорга маҳлиё,

Юртим шундай бир диёрки, гулхона-ю, нурхона,
Эли гўзал, қўлида зар, ҳурхона-ю, дурхона.

Юрдим қиру қиргоқ бўйлаб, боғ кўчалар оралаб,
Ўтдим лола лов-лов ёнган ҳар дарага мўралаб,
Бордим гулдек келинчаклар юрган йўлни қоралаб,
Юртим шундай бир диёрки, гулхона-ю, нурхона,
Эли гўзал, қўлида зар, ҳурхона-ю, дурхона.

1974

ИШҚИДА

Гул дедим, гулга тикилдим гулу гулзор ишқида,
Ёр дедим, ёр бирла кездим, ёру дийдор ишқида.

Қўлга гулқайчи олиб ёнимда ёрим боғдаман,
Боқаман икки томон ҳам гулу, ҳам ёр ишқида.

Икки севги тортқилар дилни узиб олгудайин,
Дил ёнар топмай илож икки вафодор ишқида.

Гулга ё ёримга кам боқсам дили топгай шикаст,
Ёнаман баттар яна ул хаста бемор ишқида.

Эй кўнгил, сиздир ўзингга икки ишқнинг дардини,
Қил сабр берганда ҳам гар сенга озор ишқида.

Ёру гул менга вафо қилгай мен ҳам қилгум вафо,
Куймасин севгида ҳеч кимса харидор ишқида.

1974

КЕЛИН САЛОМ

Келин чиқди уйдан,
Айланайин бўйдан,
Бошлар мана саломин,
Ассалом, келин салом.

Келинимиз янгича,
Мен келинга янгича.
Буктирмайман қаддини,
Ассалом, келин салом.

Гул ўстирган боғбондек,
Карвонбоши сарбондек
Оппоқ дадаларпга,
Ассалом, келин салом.

Бағри тўла неvara,
Шулар билан овора
Катта бувиларига,
Ассалом, келин салом.

Салобатли сададек,
Дада деса, дададек,
Қайин огаларига,
Ассалом, келин салом.

Хонадон офтоби,
Уйнинг ҳозиржавоби,

Қайин оналарига,
Ассалом, келин салом.

Извошнинг пар отидай,
Паҳлавонлар зотидай,
Қайин оғаларига,
Ассалом, келин салом.

Юлдузми дей, ойми дей,
Шу уйга чиройми дей,
Қайин эгачиларига,
Ассалом, келин салом.

Оиланинг тожидай,
Қўшиқларнинг авжидай,
Овсин, овсинчаларга,
Ассалом, келин салом.

Келинга бахт тиловчи,
Унинг бошини силовчи,
Ҳамма қариндошларга,
Ассалом, келин салом.

1974

ЁР ЭТАСАНМУ?

Эй, севгилим, айт, мен хастани ёр этасанму?
Ё хаста бу деб, ишқ йўлида зор этасанму?

Диллар тутатиб қилган эди аҳд ила паймон,
Айт энди дилинг ҳукмини бекор этасанму?

Мен дардлиману ишқим мени сенга етаклар,
Майли, мени қўй, севгини инкор этасанму?

Ишқ малҳамидан ташна юрак топса шифосини,
Сен бўлсанг фироқ дардига дучор этасанму?

Севгим мени тоб берди бу дарду фироққа,
Сен ҳам севгувчи дардига бир кор этасанму?

Жўр бўл, гўзалим, хаста овоз ёринг куйига,
Қилмай ё вафо илк севгини хор этасанму?

Эй, севгилим, айт, мен хастани ёр этасанму?
Ё хаста бу деб, ишқ йўлида зор этасанму?

1974

ЎЗИНГДАНДИР...

Бошингдан не бало ёгса бировданмас, ўзингдан,
Йўлингдан гар адашсанг бил, қинғир босган

изингдандир.

Йўлинг узра ёзар бўлса элинг ҳурмат поёндозин,
Бири меҳнат, бири обрў, бири ризқи рўзингдандир.
Агар суҳбат аро дўстинг кетар бўлса қўлин силтаб,
Бири ёлғон, бири гийбат, бири туссииз сўзингдандир.
Сенга фарзандларинг интиқ бўлиб илдам эшик очса,
Бири софлик, бири поклик билан берган тузингдандир.
Изингдан ким ҳаёсизлик, ибосизлик тошин отса,
Бири чарму, бири кесак қаро икки юзингдандир.
Ҳамиша дўстларинг Ўткир каби йўқлаб келар бўлса,
Бири сеҳринг, бири меҳринг тўлиб боққан
кўзингдандир.

1974

ЎЗБЕКИСТОНИМ

Элга қадрдонсан, Ўзбекистоним,
Бир тану бир жонсан, Ўзбекистоним.
Роҳатбахш маконсан, Ўзбекистоним.
Машҳури жаҳонсан, Ўзбекистоним,
Ҳур Ўзбекистонсан, Ўзбекистоним.

Баҳор кирган боғдек гўзал диёрсан,
Элинг муҳаббатн ёру донгдорсан,
Оқ олтин бойлигинг бору, номдорсан,
Машҳури жаҳонсан, Ўзбекистоним,
Ҳур Ўзбекистонсан, Ўзбекистоним.

Октябрь нурида қайта яшардинг,
Бир йигит умридек гулгун яшардинг.
Оналар бағридек бағри дилнинг кенг,
Машҳури жаҳонсан, Ўзбекистоним,
Ҳур Ўзбекистонсан, Ўзбекистоним.

Бир улкан диёрга туташ Ватансан,
Бу диёр кўз бўлса, сен қош Ватансан,
Ўн бешта фарзандлар сирдош Ватансан,
Машҳури жаҳонсан, Ўзбекистоним,
Ҳур Ўзбекистонсан, Ўзбекистоним.

1970

МЕНИНГ ИШҚИМ

Сенинг ҳусну жамолингда нигорим,
Кўрурман яшнаган гумшан диёрим.
Сенинг офтоб мисол бахтинг чароги
Менинг кутган нурафшон тонг-наҳор,
Ажаб гулгун ёруғ ойдин юзингда
Қилур жилва чаманзорим, баҳорим.
Сенинг ишқ кўйида азминггу аҳдинг,
Менинг топган шу йўлда куч мадорим.
Менинг ишқимдадур ёрим, диёрим,
Шулар олган қўлимдан ихтиёрим.
Бу ишқимдан бўлиб Ўткир хабардор
Ёзубдур ул дилимда ҳар на борим.

1975

ҒАЛАБАМИЗ

Жаҳон қойил бахтимизга,
Бахт келтирган аҳдимизга.
Ҳаёт кулиб боқди бизга,
Ғалабамиз қудрати бу,
Ватанамиз шухрати бу.

Тўсди шу бахт ёвнинг йўлини,
Кесди шу аҳд қонли қўлини,
Тақдик яна ҳаёт гулини,
Ғалабамиз қудрати бу,
Ватанамиз шухрати бу.

Юртимизга қайтди баҳор,
Қайтди баҳор, ҳам ғолиб ёр,
Кўришдилар дўстлар бедор,
Ғалабамиз қудрати бу,
Ватанамиз шухрати бу.

Қардош эллар бирлик кучи,
Босқинчига ғазаб — ўчи.
Ҳам она, ҳам Ватан бурчи,

Ғалабамиз қудрати бу,
Ватанимиз шуҳрати бу.

Партиямиз мададимиз,
Ғолиблик бу одатимиз,
Тинчлигимиз роҳатимиз,
Ғалабамиз қудрати бу,
Ватанимиз шуҳрати бу.

1975

ҚУШИҒИМДА СЕН

Гулбоғларга очиб қулочим,
Тонг елида ҳилпираб сочим,
Дарё бўлиб оқиб қувончим,
Бахтим бор деб бахтни ўйлайман,
Ватан ишқин қўймай куйлайман.

Ватан ҳуснин кўриб яйрайман,
Минг кўз бўлиб унга қарайман,
Хизматига жон деб ярайман.
Бахтим бор деб бахтни ўйлайман,
Ватан ишқин қўймай куйлайман.

Бунда эллар аҳил, дўст-ёр,
Ҳаммасининг бахти, тахти бор,
Унга азиз она бу диёр,
Бахтим бор деб бахтни ўйлайман,
Ватан ишқин қўймай куйлайман.

Ватанимнинг бойлик сепи мўл,
Қайнаб тошар бунда олтин кўл,
Шунда олтин эккан олтин қўл.

Бахтим бор деб бахтни ўйлайман,
Ватан ишқин қўймай куйлайман.

Тўтиёдир Ватан тупроғи,
Шарқда машъал ҳурлик чироғи,
Қўлимизда тинчлик байроғи,
Бахтим бор деб бахтни ўйлайман,
Ватан ишқин қўймай куйлайман.

1975

БИР КЎРИБ КЕТИНГ

Дугоналар биз томон
Бир келиб кетинг.
Ошиб боғу қир, довон,
Бир кўриб кетинг.

Қишлоғимиз тоғ бағри —
Бир келиб кетинг.
Очилар одам баҳри,
Бир кўриб кетинг.

Бир томон кўм-кўк баҳор,
Бир келиб кетинг.
Бир томон қиш, тоғда қор,
Бир кўриб кетинг.

Яйлов худди зар кашта,
Бир келиб кетинг.
Кўзни олар қарашда,—
Бир кўриб кетинг.

Яйловда қўй-қўзимиз
Бир келиб кетинг.
Қўйчивони ўзимиз
Бир кўриб кетинг.

1975

СЕНИНГ МЕҲРИНГ

Нурли кунга йўл берган,
Қўлимизга гул берган,
Ризқи рўзни мўл берган,
Бу партиям даҳоси,
У ҳар мушкул давоси.

Унинг меҳрин ичдик биз,
Эркин қушдай учдик биз,
Бахту иқбол қучдик биз,
Бу партиям даҳоси,
У ҳар мушкул давоси.

Яшнади ер, боғимиз,
Ёниқ дил чирогимиз,
Эллар дўст-ўртогимиз,
Бу партиям даҳоси,
У ҳар мушкул давоси.

Унга пайванд юрагим,
Удир менинг тилагим,
Келар уни куйлагим,

Бу партиям даҳоси,
У ҳар мушкул давоси.

У бор бизга тишчилик ёр,
У бор бизлар бахтиёр,
У бор юртимда баҳор,
Бу партиям даҳоси,
У ҳар мушкул давоси.

1976

ЧАҶИРАР БАҶОР

Чақнаради навбаҳор
Боққа келиб ҳар наҳор.
Мен уйғониб чиқаман,
Чақиргандай гўё ёр.
Қидираман аланглаб,
Юрагимга ўт қалаб.
— Мен бу ерда, — дейди у,
Боғ тўридан мўралаб.
Гоҳ кўринар ғунчада,
Гоҳ дарахтлар учида,
Гоҳ ариқлар бўйида,
Барра майса ичида.
Гоҳ келади сел бўлиб,
Гоҳ эсади ел бўлиб,
Тутқич бермай гоҳ қочар,
Гоҳ келади эл бўлиб.
Гоҳ ёр бўлиб чўзиб лаб,
Қулогимга шивирлаб,
— Ошиқмисан менга, — дер,
Сочим тарабу силаб.
Интиқ эдим мен шунга,
— Ҳа, ошиқман, — деб унга,
Қувонаман, тошаман,
Етганимга шу кунга.

1976

ТОНГ ЕЛИ

Отди тонг, сен дарчадан кирдинг уйимга тонг ели,
Сен билан кирди менинг ёрим ўйимга, тонг ели.

Сочларимни сийпалаб, ёрим каби сен эркалаб,
Ёр соғинчин эслатиб қўйдинг куйимга тонг ели.

Куйлайин мен ёр куйини, ёрга етказгин уни,
Элчи бўлгил ёрга етмоқлиғ тўйимга, тонг ели.

Билмадим бу тонгда ёрим не хаёл оғушида,
Сен бориб бил дардини айтар у кимга, тонг ели.

Ёр юрар тоғлар аро зар излабу эслаб мени,
Меҳридан ҳам зар уяр у, тенг бўйимга, тонг ели.

Ёр меҳри, ёр ишқи, ёр вафоси бебаҳо,
Тенг демас Ўткир вафони ҳеч буюмга, тонг ели.

1976

ДУШПИМИЗ

Бошимизга соябондай бошда дўппимиз,
Ярашиғлиқ ҳар қарию ёшга дўппимиз.

Иززат-ҳурмат нишонаси кийгизсак уни,
Қадрлидир ҳар дўсту қардошда дўппимиз.

Бошимизга ой қўнгандай турар парпираб,
Ҳар маросим, байрам, тўю ошда дўппимиз.

Баъзан севинч дарё бўлиб тошса юракда,
Қушдай учиб ўйнаймизу қошда дўппимиз.

Қайси юрту элда юрсак кимлигимизни —
Айтгандайин бўлар бир қарашда дўппимиз.

Кийгизиб Ўтқирга дўппи, дейишди дўстлар.
Ярашди ҳўб спзга ҳам шу ёшда дўппимиз.

1976

ЁР БОҒИДА

Ёр юрар боғида гуллар ундириб,
Ҳар гули шохига булбул қўндириб,
Қўлда гулқайчи кезар гулзорда ёр,
Боғбонлик касбу корин дўндириб.

Гул териб келди санам, гулгун бўлиб,
Дафта-дафта гул билан бағри тўлиб.
Рашк қилиб гулзор қўймас бағридан,
Йўл тўсиб ёрим этагидан юлиб.

Ёр юрар гул ишқи дардида ёниб,
Эғнида атлас либос лов-лов ёниб,
Кўкда ой оқшом томошага чнқиб
Ёр ҳуснига боқар ул тўлғаниб.

Ёр келур гул баргидан балдоқ тақиб,
Ҳар гулу гулзорига меҳри оқиб,
Йўлида суқли нигоҳлар интизор,
Ёр ўтар Ўткир дилига ўт ёқиб.

1976

ПОШШАХОН

Даламизнинг дуркун қизи,
Нур билан дур босган изи.
Тогдек хирмон кўзлар кўзи,
Бахти-тахти бор Пошшахон.
Ёр дегулик ёр Пошшахон.

Пахтазорнинг маликаси,
Ҳам жонкуяр ёр, бскаси,
Ўзи терган зар эгаси,
Бахти-тахти бор Пошшахон.
Ёр дегулик ёр Пошшахон.

Унга аён ернинг сири,
Яшнар олтин эккан ери,
Шарбат бўлиб томар тери,
Бахти-тахти бор Пошшахон.
Ёр дегулик ёр Пошшахон.

Нурга тўлди кенг даласи,
Келди терим авж палласи,
Тинчитмайди аҳд-марраси,

Бахти-тахти бор Пошшахон.
Ёр дегулик ёр Пошшахон.

Зангор оти кишнаб чопар,
Мўл хирмонга бу йўл-сафар.
Шу йўлда у обрў топар,
Бахти-тахти бор Пошшахон.
Ёр дегулик ёр Пошшахон.

1976

ҲАЖВИЁТ



(Бекорчи аёллар маъракасининг таърифи)

Тўрт-беш хотин бир ҳовлига йиғилишдилар,
 Ҳасрат, ғийбат ўтин ёқиб куйиб-пишдилар.
 Бир-бирларин тинглашмасдан, сўзлаб баробар.
 Шовла каби қайнадилар, бўлди қулоқ кар.
 Ғийбат қилиб бири келин, бири эрини,
 Миннат қилиб бири шу кун ювган кирини,
 Деди: «Менинг келинимдан ичим чиқмади,
 Қаранг ҳозир кетимдан ҳам излаб чиқмади.
 Ўқишдан ойлик олиб менга бермайди,
 «Ўқиш, мажлис» деб кетади, жуда ҳам дайди.
 Сигирим туғди, эшитгандир қизидан қудам,
 Лоақал ош хомин қилиб йўқлатмади ҳам»,—
 Деб охири ўғлининг ҳам оёғин тортди,
 Сўнгра ғийбат кесагини қўшнига отди.
 — Ҳа, Баҳрининг қизи уйга кеч келар эмиш,
 Наҳот ҳар кун кечга қадар чўзилса-я иш!
 — Тавба, эри: «Тезроқ кел!» деб уришмасмикан?
 Ёки эру хотин бирга туришмасмикан?
 — Ҳа, айтгандай, Қумрини ҳам эшитдингларми?
 Жин чалипти, ярми ириб, қолганмиш ярми.
 — Ажаб бўпти, энди бир оз тушгандир тафти,
 Мушкулкушод қилипти-ю, мани айтмапти.
 — Ҳай, кеча мен қайнағамнинг тўйида бўлдим,
 Дастурхонда қазиси йўқ, номусга ўлдим.
 — Қайнағангиз хотини ҳам худди Қутбия,
 Қутби тўйда тоғарамга ош солмапти-я.

— Қутбияни нега ундай дейсан, ҳой Ойша?!
Жияним-ку, қилмайсанми мени андиша?
— Тўғриси-да, жиянингиз ўлғудай хасис
Бир тогора қовоқ сомсам хайф кетди, эсиз!
— Ҳай ўзинг-чи? Уйлаб гапир, гапингни пича,
Чарларингда бермадинг-ку менга рўмолча.
— Ҳой, Ойшахон! Холамнинг бу гаплари тўғри,
Чарларда сиз шу холамни дебсиз-а: «Ўғри»,
— Бекорчи гап, Ойшахондан бу гап чиқмайди,
Ёлгон гапни холаңгизнинг, ҳа, ўзи ёйди...
Шу бўлди-ю, «жанг» бошланди, хўп олишдилар,
Ғийбат расо ҳаддан ошиб тарқалишдилар.

Бекорчилик билан ғийбат уруғин экманг!
Ғийбат кети бўлар доим шундай жанжал — жанг.

1950

Севишдилар икки олов — икки ёш,
Бир мактабдош — Қумрихону ва Қўлдош.
Диплом тегиб тўй қилмоқчи бўлишди,
Уртоқлари тўй хизматин бўлишди.

«Орзу-ҳавас» мухлислари — оналар,
Катга буви, ача, амма, холалар
Қизнинг ўзи эр топганин билишиб,
Юз юлишиб, охир мажбур бўлишиб,
Тўпланишди тўй маслаҳат ошига,
Сўз бермайин кексалари ёшига,
«Орзу-ҳавас» қилишмоқчи бўлишди,
Тўй хизматин ўзларича бўлишди.

Тўй элдидан қудалар ҳам кўришиб,
Гоҳ таъзиму, гоҳ тумтайиб, уришиб,
Тортишишди тўй тартиби ҳақида;
«Орзу-ҳавас қиламиз биз, жон қуда!»—
Деб қиз томон мақтаб асли зотини,
Атаб ҳатто боболарин отини,
«Биз ҳам қуда, кўрган-кечирганлармиз,
Орзу-ҳавас учун катта қилдик қиз»,—

Деб охири орзуларин айтдилар,
«Шунча қалин берилсин»,— деб қайтдилар.
Куёв томон ночор рози бўлишди,

Қалин пулни қариндошлар бўлишди.
Шундай қилиб бўладиган бўлди тўй,
Оташкурак, замбилгача — келди тўй,
Қатор-қатор келар семиз дастурхон,
Қайтар эди унда тўртта қотган нон.
Тўй эгаси чиқмас таванхонадан,
Кузатарди: ким нима ер, панадан.
Бир уй тўла бола-чақа, хотинлар
Қўлда китоб ўқимоқда отинлар.
Тўй эгаси хотину эркак қуда,
Хурсанд эди орзу-қавасдан жуда.
«Шу эдими орзу-қавасларингиз?!» —
Деб уялиб қочиб кетди уйдан қиз.
Қизга насиҳат қилмоқчи бўлишди,
Насиҳатни қариялар бўлишди.

Келтирдилар алдаб-сулдаб қизни ҳам,
Кўндирдилар «орзу-қавас»га кам-кам.
Уч-тўрт аёл қамаб келинни уйга,
Солди авраб уни неча минг кўйга.
Қиз бошига қоп тақлид рўмол ташлаб,
Келтирдилар гўшанга томон бошлаб.
Бел боғлашиб тортишмачоқ қилишди,
Битта кампир нафас ололмай пишди.
Тўйни қўйиб ташвишни ҳам бўлишди,
Кампир учун йиғини ҳам бўлишди.

Оналарнинг талабича куёв ҳам.
Ўртоқларин тушунтириб, қилиб жам,
«Орзу-қавас» учун эгиб бўйнини,
Қилиб тўйнинг расму русм ўйинини:
Сурнай билан кўча кезиб борарди,
Вақриқ-қийқириқ кўкни ёрарди.
Кўплаб уялиб қочмоқчи бўлишди,
Уятни ҳам куёв билан бўлишди.

Куёв-келин гиди-биди қилишди,
«Орзу-қавас» ўйида калла шишди.
Қайин она жилов солиб келинга,
Ҳам ўғилу ҳам у топган қар тийинга.
«Келин деган уйнинг хизматкоридир,
Ўқимайсан, уйдан чиқмай жим ўлтир.
Эрингимас, мени ўйла биринчи,
Шу шартларни қани қилмай кўргин-чи,
Қўйдираман ўша кунни сен қизни,
Бузди деймиз орзу-қавасимизни»,
Деб келинни кўндирмоқчи бўлишди,
Куёв-келин бу ташвишни бўлишди.

«Орзу-қавас» келтирса ҳам шундай ғам,
Чора топмай бунга мижғов куёв ҳам,
Ташлаб қўйди турмушларин тақдирга.
Лаънат ўқиб кетди қиз номард эрга.
Кетди қиз ишлашга бундан бош олиб,
Боши қотди, куёв хотиндан қолиб,
Она-бола ўйлашмоқчи бўлишди,
«Орзу-қавас» насибасин бўлишди.

* * *

Йўлиқса ким бундай «орзу-қавасга»,
Тушар у ҳам шундай аҳвол, вас-васга.

195.

РАҲБАР ВА ХОДИМ

Чойхонада бошланиб суҳбат,
Учар Холиқ мақтанди беҳад:
— Ҳаммангиз ҳам ўрганинг мендан,
Ҳеч кимда йўқ мендаги одат.

Тажрибамни сизга айтайин,
Раҳбарни мен дейман «хўжайин».
Ёқса агар унга бу сўзим,
Шу чоқ менга «ёғлиқ» иш тайин.

Топдим излаб ҳамшаҳар раҳбар,
Уйдаман ҳар кечу саҳар.
Талов, чанқов маслаҳатимиз,
Ишим маза, маишат, сафар.

Икки қўлим доим кўксимда,
Хушомадлик кулки юзимда.
Хўжайиннинг кўзи мен билан —
Келадиган тугунча — сўмда.

Ҳар ерда ҳам мақтайман уни,
Муросани билсанг шу жўни,
Биров мени танқид қилсин-чи,
Боплаб думин тугар шу кунв.

Бўлди менга у ғамхўр устоз,
Раҳбарликни ўргандим оз-моз.
Бундан йўғон бир амал топса,
Ўрнин менга қолдирар мерос.

Чайқов билан йиғдим кўп олтин,
Шўхлик билан олдим уч хотин.
Арз қилгудай бўлса биттаси,
Ўчираман овозин — отин.

Тухматни ҳам қойил қиламан,
Иғво тўнин бошга иламан.
Юмалоқ хат жуда қўл келар,
Айблашнинг йўлин биламан.

* * *

Айбнома бўлди шу сўзи,
Айбланиб қолди у ўзи.

1954

Ғұзалар очилиб, ёйиб оппоқ нур.
 Деди: «Раис бизга юзингни ўгур!
 Қўшни колхозларда қизиди терим,
 Ғафлат уйқусида ётибсан сен жим...»
 Чўчиб уйғонғандек колхоз раиси,
 Чиқиб теримдаги қолоқлик миси,
 «Ҳашарчи кам-да» деб баҳона топди.
 Куйиб-пишган бўлиб районга чолди:
 — Салом Раҳим ака! Раҳм ётиб пичи,
 Беринг менга яна кўпроқ теримчи!
 Терим машинасин камроқ солувдим,
 Йўғ-а, бу тўғрида гаплашмайлик. жим...
 Сиз билан сирдошмиз, буни биласиз,
 Айбимни беркитинг, акам бўласиз.
 Хотин-халаж, ҳамма теряпти чаққон.
 Лекин эркак зоти чиппакка чиққан.
 Бири томорқада, бири бозорда.
 Ишқилиб ҳаммасин бир иши бор-да.
 Идорада теримга яроқдилар йўқ,
 Улар сизга салом айтишди қуюқ.
 Секретарни теримга чиқариш айб,
 Кассирни ғоз тегиб қилибди майиб.
 Бухгалтер ов қилиб кийик отибди,
 Кўп еб қўйибдими, бўкиб ётибди.
 Чойхоначи Махсум ва қассоб Салим
 Ғрнидан қўзғалмас, ёпишган елим.

Сиз билан сирдошмиз, буни биласиз,
Айбимни беркитинг, акам бўласиз...
Деб раис ипакдай турди эшилиб,
Ошна-оғайнилик қадрин пеш қилиб.
Раҳим аканинг ҳам келди-ю раҳми,
Тиржайиб деди: — Хўп, илтимос шуми?
Теримчи бераман, сизни қўллайман,
Шаҳардан чақириб сизга йўллайман.
Сиз билан сирдошмиз, мени биласиз,
Бу гапни сир тутинг, акам бўласиз...

* * *

Ошналар тил топиб, чиқди буйруқлар,
Теримдан қутулиб қолди «қуйруқлар».

1955

ИККИ НУСХА

(Икки оила)

1. Дод малажнинг дастидан...
Мўминжонов масъул ишда,
У раҳбар бир қурилишда,
Боши қотар уйга келса,
Ҳар кун янги бир «миш-миш» дан.

Дам бермайди унга хоним:
«Войдод, менинг куйди жоним.
Бегонага қарармишсиз,
Айтди менга қадрдоним...» —

Деб ёқасин тутар эрни
Сўкиб, титраб, тепиб ерни.
Шовқин солиб карнай чалар,
Гўё очган каби сирни.

Хоним ўзи хўп олифта,
«Пари» билан бир қолипда.
Кўзда сурма, қошда ўсма,
Ҳар кун янги мода битта.

Уддалолмай бирор ишни,
Ташвиш қилмай ёзу қишни,
Кун-тун эшик санаб юрар,
Излаб игво ва «миш-миш» ни.

Эр келдими, хоним бедор,
Жанжалга бир тема тайёр.
Қўни-қўшни насихати
Хонимга ҳеч қилмайди кор.

Шукур қилсин эрим, дейди
Мендек гўзал жонон тегди.
Эр давлати — менинг бахтим,
Буни бахту тақдир дейди.

Насихатда доимо эр:
Ё ўқинггу, ё ишланг!— дер.
Хоним дейди: — Бўлишим шу,
Чидамасанг жавобим бер!

Мўминжонов боши қотган,
Ҳар кун хоним дилга тикан.
Ороми йўқ уйда бир дам,
Уйлар: «Нима қилсам экан?!»

2. Фарёд туллакнинг дастидан...

Бевафоев такасалганг,
Ишга йўғу гапга фаранг,
Ош десангиз доим тайёр,
Иш десангиз бўлар тажанг.

У кирмаган чойхона йўқ,
У босмаган — остона йўқ.
Ҳам шалағу ҳам уришқоқ,
Одобдан бир нишона йўқ.

Маст туядек гангиб кунда
Қайтади у уйга тунда.
Бир чайқовчи шил ўртоқ ҳам
Унинг билан доим шунда.

Хотин ишчан, донгдор ишда,
Бола ҳам бор икки-учта.
Эрга сўзи кор қилмайди,
Қариндош-да, дарди ичда.

Бевафоев муллақуруқ,
Дейди: — Менга бопта иш йўқ!
Хотинга эр — пир деганлар,
Пулингни чўз! — деб урар дўқ.

Хотинининг боши қотган,
Ҳар кун эри дилга тикан.
Ороми йўқ, уйда бир дам,
Уйлар: — Нима қилсам экан?!

* * *

Бевафоев ва Таннозининг
Ўхшар хулқи, турқи-афғи.
«Тақдир» қурсин, ўхшашларни
Бир-бирига учратмабди.

1957

ҚОҒОЗЛАР ВА ҚОҒОЗБОЗЛАР

Бошқарувчи Холиқов
Ултиради гап тўқиб,
Ҳар кун мажлису кенгаш,
Кун ўтар қарор ўқиб.

У амали билан маст,
Ҳеч кимни писанд қилмас.
«Ҳамма ишлар жойида»
Қарор чиқиб турса, бас.

Қарорнинг йўқ қисқаси,
Чиқиб сўзнинг сийқаси.
Юз қарорда битта гап,
Бир-бирининг нусхаси.

Уни дерлар қоғозбоз,
Қарорга берар пардоз.
Гап очсангиз ишлардан
Кўрсатар сизга қоғоз.

Қоғозларга қўл қўйиш
Унингча энг муҳим иш.
Ишнинг аслин сўрсангиз,
«Олма пиш, оғзимга туш».

Ходимларни чақириб,
Хат ёзди рабар бақириб,
«Хат кетдими, иш битди»,
Ултиради ўшқириб.

Кўрсатмасдан йўл-йўриқ
Беради минг хил буйруқ.
Бажаришга имкон йўқ—
Қолар қоғозда қуруқ.

Қоғозларга кўмилиб,
Ходим терга чўмилиб,
Қоғоздан тоғ ясайди,
Раҳбарнинг феъли билиб.

* * *

Бўлса раҳбар қоғозбоз,
Иш хуржундир қишу ёз.

1957

РАИСНИНГ ХОМЧУТИ

Раис идорадан чиқмай урар чўт,
Бу йилги ҳосилни у қилар хомчўт.
Раиснинг кайфи чоғ, мўйловин бураб,
Кеккайиб столга оёғин тираб,
Дейди: «Планим ҳам мана юз бўлди.
Иш ҳам тамом бўлди, чўнтак ҳам тўлди.

«Тўқликка шўхлик» деб қилай энди тўй,
Сўйдирай туя, от, ҳўкиз, эчки, қўй.
Энди ким нима дер? План тўлдирдим,
Кейинда қолмасдан ишни дўндирдим...»

Эшикда саф тортиб турган ғўзалар,
Дейдилар: «Бу раис қачон тузалар?!»
Ойнакдан мўралаб очилган чаноқ,
Сўзлади куйиниб, раисга шундоқ:

«Тур эй, талтаймагин! Раис бўлмай қол,
Хомчўтни қўйиб тур, биздан хабар ол!
Ёмғирда қолдик-ку, ивиб шумшайиб,
Кўпимиз нобуд бўлдик, кўпимиз майиб.

План тўлиб «ишим битди» дейсанми?
«Эшаккинам лойдан ўтди» дейсанми?»

Пахтасин кўрсатиб ҳар битта кўсак,
Дер: «Наҳот энди биз керак бўлмасак?!»

Дейдилар: «Районга хабар қиламиз,
Сен ҳақлими ё биз, кейин биламиз».
Райондан келганлар уриб роса чўт,
Раиснинг айбини қилдилар хомчўт.

1957

Оталиқ колхоздан хабар олмоқчи,
Оталиқ бурчини «ўтаб» қолмоқчи.
Колхозга Ҳузуржон юборилармиш,
Тушди Ҳузуржонга шу кун зўр ташвиш:
— Хўш-хўш?!

Нега?!

— Нечук?!

Мен инженер-ку?!

Мени ҳамма ҳурматлаб «культурни» дер-ку!
Мумкин эмас!

Алло...

Министрликми?

Мумкин эмас!

— Ким, бу, ўртоқ Верникми?

Салом! Ёрдам беринг, қизиқ ҳодиса!
Наҳотки колхозга инженер борса?!

— ...!

— Тўғри, борардиму, иш кўп, вақтим йўқ.

— ...!

— Майли-ку, нотобман, ўхчийман қуруқ.

— ...!

— Шундай-ку, аммамнинг эри ҳам касал.

— ...!

— Тўғри-тўғри, лекин аммам ўзи шол.

— ...!

— Йўқ, йўқ! Тушунаман тўғри албагта...»

Ҳузуржон ташвишда бўшашган — латта.
Ҳузур Узржонов ўйланиб қолди.
Қишлоқ сафари зўр ваҳима солди.
У ҳали қишлоқни кўлдан кўрмаган,
Ўйлайди:
«Қишлоқ бу тупроқдир, тошлоқ ва тикан.
Ҳаммадан совуқ-чи, томоқдан олар,
Эҳтимол у ерда вақтлик қор ёғар».
Қўнғироқ қоқиб дер:
— Хоним, ҳай!
— Нима?
— Тез бўлинг, тайёрланг, пўстин ва пийма?
— ..!
— Қаёққа бўларди очиқмозорга!
Пўстин, пийма олинг, чиқинг бозорга!

* * *

Мана, Узржонов юрар колхозда,
Қўлда зонтик, қора кўзойнак кўзда.
Кийибди у пўстин, пийма ва қалпоқ,
Қоқ офтобда турар, кўзлари шафақ.
Пахта термаса ҳам пишибди терга,
Сўрар у: келдими доктор бу ерга?
Ҳузуржоннинг бурнин совуқ олибди,
Шу кун келиб, шу кун жўнаб қолибди.

1958

ВАЪФОСИЗ ВАЪДА

Айбни қўйиб сиз, бултур ҳавога,
Ўт бўлмади, деб қўй бедавога,
Рўза туттириб қишда чорвани,
Қўйдингиз уни қийин савдога.

Бу йил ёз яна ухлаб қотибсиз,
«Чорвамиз тўқ» деб, хуррак отибсиз.
Кўпи касал — деб сўйиб, сотибсиз,
Шўнғиб туну кун кайфи сафога.

Бу йил-чи, қаранг! Пичану ўт мўл,
Хашак тайёрлаш планингиз нол,
Ишдан дарак йўқ, сўзда «ҳа, бўл, бўл!..»
Ваъда вафосиз учди ҳавога.

Ёзда гупуриб сўзловдингиз сиз,
«Ундай қилурмиз, бундай қилурмиз!»
Қишқи аҳволни унутмай ҳаргиз,
Арз қилар қўйлар сиз бевафога.

Ўт ўрар чаққон машина-ку, бор,
Бермайсиз унга сира эътибор.
— Кучимиз кам,— деб сўзлайсиз бекор
Танқид кор қилмас сиз бедавога.

Қўшни колхозлар иши авжида,
Буни кўриб сиз хижилсиз жуда.
Беғам бўлганнинг аҳволи шу-да
Калтак бўлар бу сиз рўдапоға.

Дейсиз: — Ишларнинг у ёгин сўрманг,
Бу аҳволдан сиз лабингиз бурманг,
Танқидга тоб йўқ, газетга урманг,
Етармиз шу қиш бу муддаога.

* * *

Ёз қолиб, қишда хашак ўришни.
Кўрмаганмиз ҳеч бундай ланж ишни.
Билмас экансиз раҳбар бўлишни,
Бунда ҳам айбни қўйманг бировға.

1959

Танийсизми? Бу киши
Фабрика директори.
Сифат билан йўқ иши,
Мақтанчоқларнинг бири.

Деди: менинг фабрикам
Иши доим ягона.
Бизникидай моллар кам,
Кўриб қўйинглар, мана!

Кўрдик: стол, стуллар
Ғижиллайди ҳоли танг.
Уларни қандай пуллар?
Рангин кўриб ҳол сўранг.

Жовон эски паҳсадай,
Бир томонга нурабди.
Ғижимланган маҳсидай
Буришибди юз-афти.

Очилса ёпилмайдн,
Қуриб кеткур эшиги.
Тебраниб ҳеч тинмайдн,
Худди бола бешиги.

Мебелларда қулф бор,
Лекин калити бошқа.
Бўпти уриниб гулдор,
Ҳеч соғ жойи йўқ, қашқа.

Диванига ўтирсанг,
Кўкраккача ботасан.
Турсанг ундан чиқиб чанг,
Қочасан ё сотасан.

Энди сира директор
Тополмайди баҳона.
Келиб қолди дўппи тор,
Бўлар ишдан равона.

1960

ҲАҚ БИЛАН НОҲАҚЛИК ҚИЛДИЛАР МАЖЛИС

(Халқаро мавзуда фелъетон)

Ҳақ билан ноҳақлик қилдилар мажлис,
Ҳақнинг танқидига ноҳақ чўкмай тиз,
Оқламоқчи бўлди мақтаб ўзини,
Чўқишга уринди ҳақнинг кўзини.
Мажлис аҳлига у бермайин сири,
Илондек тўлғаниб, қўйиб махфий ин,
Пайт пойлаб у ҳаққа заҳар солмоқчи,
Ҳақни ўлдириб, бир ўзи қолмоқчи.
Яшириб ўзининг зоту тагини,
Ҳам ноҳақлигу, ҳам қингирлигини,
Кўрсатди ўзини қилиб доғсиз ой,
Ҳақ унинг юзига чаплаб қўйди лой.
Юзидан лойни у артди-ю, аранг,
Покман деб ишлатди яна бир найранг.
У ўзини танитди «қиз бола» қилиб,
Ҳақ унинг боласин етаклаб келиб,
«Қиз эмас, ёлғон!» деб қилди шарманда,
Очилиб «қизча»нинг юзидан парда,
Қизчамас, жодугар кампир кўринди,
Пардани ёпишга чандон уринди.
Бу найранг ҳам ўтмай хўп терга пишди,
Лўлилик қилди-ю, юлишга тушди.
Бироқ юлиш учун қўли етмади,
Алам қилиб, тутиб қолди-да дарди,
Шайтонлаб оғзидан чиқариб кўпик,
Бир луқма отди-ю, қотди у тошдек.

Шериклари зўрға туртиб уйғотди,
Лекин ҳақ томонда ёруғ тонг отди.

* * *

Шу хилда тугалди бошланган мажлис,
Ҳақиқат дунёга солди ёрқин из.

1960

ЧЎНТАК ҚОҶАР

Юртимизда осойишта ҳамма ёқ,
Одамлари тўғри, ҳалол, кўнгли оқ.
Лекин худди ошдан чиққан пашпадек,
Чиқиб қолар бир-икки қинғир оёқ.

Қинғир оёқ дейди: «Қинғир чопаман,
Тўсса биров йўлим, тишлаб қопаман.
Автобуслар тиқин бўлса менга нон,
Тирмашаман, шу кун яхши топаман.

Чўнтак қоқиш билсам осон иш экан,
Қоқишнинг энг осони қирқиш экан.
Бу ҳунарни бир устозим ўқитди,
Ҳаммадан ҳам шу яхши «ўқиш» экан.

Шаҳар кезсам хазиналар йўлимда,
Ҳар бир касса, ҳар бир чўнтак қўлимда,
Тун-кечада омборларда меҳмонман,
Кундуз эса қайда тиқин мен шунда.

Ўқиш, ишдан менга сира гапирманг,
Бу йўлимдан сиз бошқа йўлга бурманг.

Киссангизда гар пулингиз бўлмаса,
Тезроқ қочинг, боринг, ёнимда турманг.

Нега ишлай, ҳамма нарса, пул текин,
Ҳосилим мўл, экмай-тикмай мен экин,
Яхши ҳунар топибманми, сўранг-чи,
Бунга ота-онам нима дер экан?»

1961

МУНЧА ҚЎЛГА ҚАРАЙСАН?!

Келдим, гапинг шулми, мунча қўлга қарайсан?!
Дардинг яна пулми, мунча қўлга қарайсан?!
«Мен бошлиқман, менга қуруқ келманглар?» дейсан,
Бу келишим «қўлми», мунча қўлга қарайсан?
Қўлимдаги тугун пулмас, эски галошим,
Тугун сенга пулми, мунча қўлга қарайсан?
Ўрдак бўлиб чўнтагимга шўнғигинг келар,
Чўнтак сенга кўлми, мунча менга қарайсан?!
Эшонмисан ё пирмисан, кимсан, нимасан?
Биз муриду қулми, мунча қўлга қарайсан?
Таъна билан ё куласан, ё дўқ урасан,
Бу ҳунаринг «йўлми», мунча қўлга қарайсан?
Гоҳ тўю, гоҳ зиёфат деб шиласан бизни,
Сен учун пул кўлми, мунча қўлга қарайсан?
«Туз сотсанг ҳам туя қилиб чўза бер!» дейсан,
Харидорлар гўлми, мунча қўлга қарайсан?
Шунча юлиб, шимирсанг ҳам нам юқмас сенга,
Нима, нафсинг чўлми, мунча қўлга қарайсан?
Бир кун сени хиннагингдан бўғар бу баднафс,
Бўғса ҳам пул мўлми, мунча қўлга қарайсан?!

1961

ЭНДИ ХУШЁР ҚИЛДИ ТЎЙ

Қиз чиқармоқ бўлди дўстим мулла Ёдгор, қилди тўй,
«Орзу-ҳавас» расми-ла дўстимни безор қилди тўй.
Бир неча кампир-халаж «Тўй расми шу» деб турдилар,
Ёш-ялангнинг тўй планин бузди, бекор қилди тўй.

Олди-берди, маслаҳат оши бўлиб то тўйгача,
Кечалар ўй ўйлатиб дўстимни бедор қилди тўй.
Фотиҳада ўн кишига бош-оёқ сарпо эмиш,
Бошданоқ чўнтакни овлаб, ўпириб гор қилди тўй.

Юз бориб, юз бир келиб дастурхону ҳам «элчилар»,
Қистадилар тўйни, дўстим кеча ночор қилди тўй.
Бир кун эр, бир кун хотинлар, охири ёшларга деб,
Чўздилар уч кунга тўйни, тоза безор қилди тўй.

Икки тандир, беш ўчоқдан ўт узилмай эрта-кеч,
Ошу нон хирмони тўлди, уйни безор қилди тўй.
Тўртта гижда бирла кўпчиб келди юзлаб тоғора,
Унга ошу қайта ўнта нонни тайёр қилди тўй.

Ошқовоқдек ҳар биқинда қайтдилар тоғоралар,
Йўлда ошнинг ёғи оқиб гўнни гулдор қилди тўй.
Кўча тўлган, тўда-тўда, гир-гир ўйнаб ёш-яланг
Келдилар чангга ботиб, куёвни сиркор қилди тўй.

Деди тўй бошлиқлари ким: «Ҳаммадан «оқ» мўл бўсин!»
Юз эшикка чоптириб дўстимни қарздор қилди тўй.
Тортиб олди худди магнитдек ранго-ранг шишалар,
Унга ким чиппа ёпишди, ким у? Ошкор қилди тўй.

Шўрвадек нон тўғраб ичди кўр Умардек зўрлар,
Кайф тароқ, қўлда пичоқ мастларни саркор қилди тўй.
Ким эшикка, ким тешикка урди, кетди билмадик,
Аридек тўзгитди-ю, меҳмонни ҳам хор қилди тўй.

Куйдингиз, сўнғ билдингиз, дўстим, бу хил тўй расмини,
Бу русм авровди сизни, энди ҳушёр қилди тўй.

1962

ОНАСИНИНГ БОЛАСИ

(Ҳажвий дуэт)

Ўғил :

Ая-ая, келдим, тур!
Йиқиламан, суяб тур!
Ичай яна, яримта
Олиб бергин, қани юр!

Она :

Ўгилгинам, кела қол,
Мана пул, бор, озроқ ол.
Ўқиш сени қийнабди,
Майли, ёшсан, ўйнаб қол.

Ўғил :

Якка эрка ўгилман,
Уйимизда бир гулман.
Ичиб олсам, шунақа
Сайроқи булбулдирман.

Она :

Овозингдан ўргилай,
Бўйингга қурбон бўлай.

Вой сенга чой қўймабман,
Ҳушим қурсин, мен ўлай.

У ф и л :

Чой-пойингга йўқ тоқат,
Қилиб бергин тез овқат.
Олиб келай «яримта»
Ичиб қилай мен роқат.

О н а :

Тутиб тургин ўзингни,
Ғилай қилмай кўзингни.
Лой бўлибди, вой, шошма,
Аргиб қўяй юзингни.

У ф и л :

Кимсан ўзинг? Йўқол, кет!
Дема мени маст, иркит.
Қанча ичсам ҳам мен ҳеч
Маст бўлмайдиган йигит.

О н а :

Онангман-а, мен, Тўхта,
Урмай тургин ҳай, тўхта!
Мен ўзимни танитай,
Қувма мени, гўрсўхта!

У ф и л :

Қувсаму урсам нима?
Майли, ёнимга келма!

Онамсан-ку, сенга мен—
Эркалик қилсам нима!

О н а :

Эркалатмай ўлай мен,
Сочларимни юлай мен.
Боламас, бало бўлдинг,
Энди нима қилай мен?!

1962

Кичкина бир идорага тушиб бир ишим,
Во ажаб, ҳайрон қолдим, ўнгимми-тушим!
Идора жим, сув сепгандай, хоналар бўм-бўш,
Дедим — бугун дам олишми, қани булар, хўш?
Секретарь қиз мудраб деди: ҳамма мажлисда,
Бугун нима, душанбами? Мажлис бор бизда.

Йўлақларга қўш маржондек одам тизилди,
Мажлис бўлса резинкадай роса чўзилди.
Эртасига яна келдим, яна ҳеч ким йўқ,
Бир хонага калла тиқсам бошлиқ уриб дўқ,
Деди: кирманг, кўрмайсизми, ҳамма мажлисда,
Қабул йўқ, сешанбада мажлис бор бизда.

Эртасига борсам яна идора жимжит,
Секретарь қиз мўйчинакда қош терар чирт-чирт.
Ичкаридан эшитилар паст-баланд, хуррак,
Секретарь қиз деди: — Келинг, сизга ким керак?
Бошлигимиз чақирдилар, ҳамма мажлисда,
Билиб қўйинг, чоршанбада мажлис бор бизда.

Мажлисбозни кута-кута ухлаб қотибман,
Кеч бўлибди, ҳамма кетиб ўзим қолибман.
Эртасига саҳар туриб яна йўл олдим,
Борсам ҳали идорага ҳеч ким келмабди.
Кириб келди бошлиқ, унинг баланддир тафти,

Салом берсам, гоздек туриб деди: йўқ вақтим,
Барча ходим банд, улар ҳам қабул қилмас, ҳам
Ҳозир улар бўлишади менда, мажлисда,
Билмайсизми, ҳар пайшанба мажлис бор бизда.

Эрта-индин яна мажлис, муҳим гаплар бор,
Уборшица масаласин қўямиз такрор.
Стулимнинг оёғини яхши артмабди,
Девор соат занжирини кеча тортмабди.
Ёзиб қўйинг, ҳай секретарь, шу масалани,
Ходимлар ҳам келишгандир, чақиринг, қани?
Мажлисимиз чўзилади, вақтли бошлайлик,
Айтинг, чойни запас қилсин менга завхоз Бек.

*

*

Шундай бўлиб бошлиқ мени қабул этмади,
Ҳаф-га-ўн кун югурдим, ишим битмади.

1963

ЎЗИМ ТУШДИМ ТУЗОҚҚА

— Мен бир «торг»нинг эрка, азиз ўғлийдим,
Кўринишда алифдан ҳам тўғрийдим,
Ходимларим айтганимни бермаса,
Чўнтагини қоқиб олар ўғрийдим.

Бошлиқ келса саломимни дўндириб,
Бир пиёла чойни қўлга қўндириб,
Шайтон бўлиб қулоғига пичирлаб,
Жўнатардим айтганимга кўндириб.

Каламушдек омборларга йўл олдим,
Танқис молга бургут бўлиб чанг солдим,
Бирни ўнгга уриб, ўрни юз қилиб,
Пулдан кўрпа-ёстиқ қилиб ётдим жим.

Юрар эдим гўё шаҳар қўлимда,
Ҳамма менга кўз тиккандай йўлимда,
Ўнталиклар қадамимга поёндоз,
У ёқдаман, бу ёқдаман бир зумда.

Текин пуллар қилиб қўйди майпараст,
Бир кун соғу бир кун бўлиб маст-аласт

Тентирадим, ҳар эшикка уриб бош
Маншатни кўзлар эдим ҳар нафас.

Мана бугун ўзим тушдим тузоққа,
Афсус қилиб бош ураман ҳар ёққа.
Даврнинг бу кучли жўшқин тўлқини
Бир хас каби отди мени қирғоққа.

1964

Ҳовлимизда пайдо бўлди тонг саҳар бир келинчак,
 Йўқ, келинчак эмас экан, эзма бир аччиқ ичак.
 Қошда ўсма, кўзда сурма кўриниши хўп сатанг,
 Қувгин еган тулки каби хавотирда, ҳоли танг.
 Тарозининг палласидай икки қўлда тугунча,
 Жони худди ҳалқумига келди уйга киргунча.
 — Вой, уйингиз мунча яхши, министрнинг уйи-я,
 Нонуштангиз ўзи битта камбалғалнинг тўйи-я.
 Ўзингиз ҳам хўп келишган нарсайкансиз жонгинам,
 Давлатингиз оша берсин, мендек сира бўлманг кам.
 Мен ҳам сиздай бой хотинман, пулга муҳтож эмасман,
 Тўртта эрдан қолсам ҳамки, тулман деб ғам емасман.
 Ҳа, айтганча, эрингиз ким, милиционер эмасми?
 Ҳамма эркак менга таниш, борми бирорта расми?
 Ҳа, ҳайрият, хавотирлик киши эмас эканлар,
 «Эҳтиёг қил ўзинг, қўшнинг ўгри тутма» деганлар.
 Олиб келдим сизга, жоним, ҳар хил нарсалар атаб,—
 Деб пашшадай хира бўлди матоларини мақтаб.
 — Мана, кўринг, ҳеч қаерда йўқ нарсалар бор манда,
 Сиздай яхши хонимларга хизмат қилсам дейман-да.
 Мана, сизбоп яхши жемпир, бунақаси топилмас,
 Қиммат деманг, озроқ қўйдим, олинг, пулида гапмас.
 Четдан келган, кетиворган жун рўмол ҳам бор яна,
 Туфлининг ҳам учи найза, қорин тешари мана.
 Куйдирмажон деган янги нусхадаги атлас бор,
 Буни агар сиз кийсангиз пари дегани бекор.

Капрон кўйлак, улама соч, мозий, сурги дейсизми,
Ҳаммаси бор... Ҳа, айтгандай, хурмо ҳам бор, сйсизми?
Олиб қолинг, пул стмаса кейин берарсиз камин,
Қўшниларга дарак қилинг, сотиб беринг қолганин.
Нима керак, айтнинг яна, мен бирпасда топаман,
Яхши фойда чиқса ҳатто уйимни ҳам сотаман,
Савдогарнинг хўрозиман, менга фойда бўлса бас,
Қўрқиб, пусиб юрсам ҳамки, чўнтаккинам тўлса бас.

!

*

*

*

Нафрат билан ўйлаб дедим: қаранг, қандай ёмон иш,
Ўғри мушук каби тентиб, алдаб чўнтак тўлдириш.
Тишим тушган, «Жўна!» десам, чиқиб ҳуштак овози,
Қўрқиб, жуфттак ростлаб қолди савдогарнинг «хўрози».

1965

ТҮЙ МОЖАРОСИ

(Қудалар айтинуви)

— Еқтираман ўзингизни,
Ширин-шакар сўзингизни.
Сўраб келдим, йўқ демайсиз,
Мен ўғлимга қизингизни.

— Вой, айланай, дугонажон,
Мен розиман, хўп, тўй қачон?
Виз иккимиз бир одаммиз,
Мен тан бўлсам, сиз менга жон.

— Тез қиламиз тўйимизни,
Олиб қўйдик қўйимизни.
Яна яқин бўлиб олай
Қуда қилиб энди сизни.

— «Қўй» дедингиз, нечта ўзи?
Уч-тўрт буқа, беш-ўн қўзи,
Икки сигир берсангиз бас,
Шу-да расм, кўпнинг сўзи.

— Вой, нималар деясан-а?
Улчамасдан қийяпсиз-а,
Аямасдан терим шилиб,
Чопон қилиб кийяпсиз-а?

— Булар ҳали қорамоли,
Беш ботмондан буғдой, шоли,
Яна жиндек қалин пули,
Тўлганича қиз рўмоли.

— Вой, айланай, шугинами?
Ёки яна борми ками?
Роса пуфланг тўй молини,
Хўп семирсин чиқмай дами.

— Қуда сарпо ҳисоб эмас,
Юзта чопон олсангиз бас.
Юз тўн, қийиқ етмай қолса
Бизникилар «каму» демас.

— Яна нима? Эштай-чи?
Айтмадингиз: оту той-чи?
Керакмасми олиб берсам
Осмондаги куну — ой-чи?

— От ўрнига «Волга» олинг!
Ой нимаси? Қулоқ солинг!
Орзу-ҳавас десангиз, ҳа,
Бир участка бера қолинг.

— Яна нима, самолёт-чи?
Қўриқлашга уни ит-чи?
Тўй қилганнинг хонумонин —
Куйдиргали олов — ўт-чи?

— Ҳа, айтмабман, ўтин керак,
Қозон-капқир, оташкурак.
Участкага зийнат учун
Экмак керак ўн жуфт терак.

— Ел есин ҳай, афтингизни!
Босинг бир оз тафтингизни?
Совчи бўлмаёй ўлайин мен
Дугонам деб билиб сизни.

— Вой, ўлай, бу қандай хотин?
Пастлигини қаранг зотин.
Чиқолмасанг, нега қўйдинг
Бизнинг баланд томга шоти?

— Йўқол, кўрмаёй юзингни мен,
Эшитмай ҳеч сўзингни мен,
Энди сендан сўрамасдан
Келин қилаёй қизингни мен...

1966

Қорним оғриб чақиртирдим қишлоқдаги докторни,
 Нор туядек «доктор» келди, таниб қолдим мен уни.
 — Хўш, нима гап!— деди доктор,— кимни чақибди
 бурга?

Касал дарҳол тузалади, қўл берса у биз — пирга.
 Бетоб қани, ўзларими? Кўрайлик-чи, бисмилло,
 Хом-хатала бирор нарса евдингизми, ҳай, мулло?..
 Ундай бўлса бу дардингиз кинна экан, вой тавба!
 Худо ўзи сақласин-да, кинна солинг, ҳай Ойба!
 Кинна ўзи бекор гап-ку, лекин фойдаси ҳам бор,
 Ихлос билан кинна солса туриб кетади бемор.
 Кинна-пинна, дам солиш ҳам ихлосмандга бир даво,
 Дейдиларки, мусулмонга ихлос ҳам шарт, ҳам раво.
 Агар биздек докторга ҳам бетоб ихлос қилмаса,
 Тузалмас минг дори ичсин, ихлос касалга хасса.
 Филдек йигит экансиз, ҳа, балки кўз-пўз теккандир,
 Баъзилар «кўз йўқ» дийди-ю, «кўз» бор, лекин
 бу сирдир.

Кўз тегмасин деса киши бермоқ керак садақа,
 Уйга осиб қўймоқ керак ё исириқ, ё тақа.
 Ҳа, шунақа, кинначидир бу касалнинг моҳири,
 Ташвиш тортманг, тузаласиз, бахайр бўлсин охири,—
 Диб фотиҳа қилиб бир оз дам солган ҳам бўлдилар,
 Бирор нима таъма қилиб тут каби тўкилдилар.
 Сўфийдилар «сўфиликда даромад йўқ» дебдилар,
 Бир юмалаб шу қишлоққа фельдшер бўлиб кибдилар.

1966

Елимжон Шилқимжонов ўлгудай хира,
 Аёл зотин кўрса, у ёпишқоқ шира.
 Бугун унинг авзойи бузуқ, тажангроқ,
 Қўшниси бир аёлга қўйганди тузоқ,
 Аёл расо агдариб авра-астарин,
 Очибди Елимжоннинг шилқимлик сириин.
 Елимжон идорага келди тумтайиб,
 Ўлтирди курк товуқдай писиб, ҳурпайиб,
 Шу чоқ бирдан телефон жиринглаб қолди.
 Елимжон бир ҳуркди-да, телефонни олди
 — Елимжон акамисиз?.. Сизмисиз? Салом!
 Гаирираётган қўшнингиз, ўша Дилором...
 Сизин мен хафа қилдим, қўшни, кечиринг!
 Бугун кечроқ, қўшнижон, бизга бир кириинг.
 Мен ҳам сизга «ўт» эдим, рост-рост, нон урсин,
 Сизга қаттиқ тегдим-а, тилгинам қурсин.
 Бугун концерт эмиш-а, борайлик бирга,
 Билет олиб бирини юбордим сизга.
 Эртароқ боринг, жоним, жойни банд қилинг,
 Иккимиз бир айш қилиб ўйнайлик, келинг!
 Елимжоннинг оғзининг таноби қочиб,
 Шилпиқ кўзни гоҳ очиб, гоҳ ёпиб чип-чип,
 Донга келган хўроздек питиллаб қолди,
 Беихтиёр телефонни қучоқлаб олди.
 — Паризод, шу сизмисиз? Ўзим тасаддуқ,
 Энди, хоним, кўз қиссам қилмайсизми дўқ?!

Сиз юборган билетни кўзга суртаман,
Тезроқ бориб жонгинам, сизни қутаман.
Елимжон Шилқимжонов мана концертда,
Қутмоқда маъшуқани у, кўзи тўртта.
Бугунги машаққатни қилди у хаёл,
Ултирди ёнбошига келиб бир аёл.
Биқинидан шу маҳал тортди зўр «омбир»
Қулоғига чалинди бир сўз: «Мугамбир»!
Ирғиб тушди Елимжон, киргандай тикан,
Қарасаки у аёл хотини экан...

1966

НОДИРИЙ ВА БОТИРИЙ

- Ижодий бир ташкилотга келиб бир мухбир,
Сўраб қопти, ижодкорлар ишин бирма-бир.
— Сизларда энг кекса, ҳаёт ижодкорлар ким?
— Ҳа, бундайлар бизларда кўп, биларсиз, балким.
Мирза Қосим Нодирий ва Илҳом Ботирий,
Сўнгра Илҳом Ботирий ва Қосим Нодирий.
— Кимлар фаол шу кунларда ишда — ижодда!
— Улоқ олиб чопган шулар, энг чопқир отда:
Мирза Қосим Нодирий ва Илҳом Ботирий,
Сўнгра Илҳом Ботирий ва Қосим Нодирий.
— Сизда йирик жанрларнинг ким вакиллари?
— Бу бинога шулар бўлди эгилмас хари:
Мирза Қосим Нодирий ва Илҳом Ботирий,
Сўнгра Илҳом Ботирий ва Қосим Нодирий.
— Кимлар сизда лирик асар муаллифлари?
— Бу соҳанинг бордир бизда «шеру филлари»:
Мирза Қосим Нодирий ва Илҳом Ботирий,
Сўнгра Илҳом Ботирий ва Қосим Нодирий.
— Кимлар яхши, замонавий асар ёзганлар?
— Асар эмас игна билан қудуқ қазганлар:
Мирза Қосим Нодирий ва Илҳом Ботирий,
Сўнгра Илҳом Ботирий ва Қосим Нодирий.
— Сизларда ҳам кўп эмиш-а, талантли ёшлар?
— Ҳа, бор, оз-моз, дурустлари, зўрлари шулар:
Мирза Қосим Нодирий ва Илҳом Ботирий,
Сўнгра Илҳом Ботирий ва Қосим Нодирий.

— Бу айтылган ижодкорлар қаерда ўзи?
— Мана кўриб турибсиз-ку, кўзию юзи:
Мирза Қосим Нодирий бу — менман, камина.
Уртоқ Илҳом Ботирий бу — оғайним, мана!..

Шундан кейин мухбир ўтдай ёниб кетибди,
Бу ҳодиса ҳажвчига бориб етибди.

1967

Келин қилдим ёш, югурдак,
Таралла бедод, таралла.
Ўзи филдек, қўли гулдек,
Таралла бедод, таралла.

Мен юраман яйраб энди,
Таралла бедод, таралла.
Келин қилиб жоним тинди,
Таралла бедод, таралла.

Келингинам сепли чиқди,
Таралла бедод, таралла.
Жуда чаққон, эпли чиқди,
Таралла бедод, таралла.

Машинадай чарчамайди,
Таралла бедод, таралла.
Овқатни ҳам кўп емайди,
Таралла бедод, таралла.

Қўл-оёғин ёглаб қўйдим,
Таралла бедод, таралла.
Уни ишга боғлаб қўйдим,
Таралла бедод, таралла.

Мен ҳеч ишга қарамайман,
Таралла бедод, таралла.
Энди сира қаримайман,
Таралла бедод, таралла...

Зап юрувдим, келин қочди,
Таралла войдод, таралла.
Қандай қилай сирим очди,
Таралла войдод, таралла.

Эсиз, унга қарашмабман,
Таралла войдод, таралла.
Уришибман, ярашмабман,
Таралла войдод, таралла.

1967

— Ҳай, тасенчи, тўхта, бу ёққа ўтиб тур!
Қанча олсанг олу мени кутиб тур!

Ойнагингда пардозимни қилволай,
Минор сочим тушиб кетди илволай.

Қутар мени танишларим йўлимда,
Йигитларнинг жиловлари қўлимда.

Мени кўриб шамдек қотиб қолишар,
Кўз олайиб, оёқлари чалишар.

Шўхман, совиб қолганларга қўрдирман,
Қиз бўлсам ҳам йигитлардан зўрдирман.

Мен чироқман, ҳамма менга парвона,
Ҳурмат қилиб ном қўйганлар «жонона».

Сўзламаса биров менга ўқишдан,
Безорман шу ўқиш, юмушу ишдан.

Эрка қизман, ихтиёрим ўзимда,
Капалакдек унда-бунда бир зумда.

Пул дегани бизга кулдек, писандмас,
Ниманики қилсам агар мен ҳавас—

Бунинг учун емайман мен сира ғам,
Олиб берар дадам кўкдан ойни ҳам.

Мени бундай юришимни кўрганлар,
Бўйи етмай «пуф сассиқ» деб юрганлар,

Турмуш қилиб кетинг, дейди узоққа,
Эрга тегиб тушайинми тузоққа?!

Шофёр деди: — Қизмас, бало экансан,
Давосиз бир дардга дучор экансан...

* *
* *

Шофёр кетди, қиз қараса йўқ тожи,
Машинада қопти қуш уя сочи.

1968

Келин бўлиб ачамизга
 Тушди бир қиз кўчамизга.
 Ҳам қизиқмиш, ҳам чиройлик,
 Дедик: — Қани, бир кўрайлик...
 Минг эшилиб чиқди келин,
 Раққосадек ушлаб белин.
 Индамади салом берсак,
 Турар эди худди кесак!
 Лайлак уя солгандай бош,
 Утиб кетди чимириб қош.
 Қоврилгандай ўз ёғига,
 Кириб куёв — ўртоғига,
 Деди: — Кампир теғди жонга,
 Қўярмишман чой меҳмонга...
 Ишга уннаб кир бўлайми,
 Қасмоқ қора ер бўлайми?
 Мени ишга солишмасин!
 Ишларидан қолишмасин!
 — Койинмагил, қўй, беҳуда,
 Кампирларда одат шу-да...
 Деб, куёвча сайраб қўйди,
 Келин тилин қайраб қўйди.
 Уйдан чиқди эру хотин,
 Қайси эру, қайси хотин
 Билиб бўлмас, бир хил кийим;
 Ола кўйлак, най тахлит шим...

Бири агар бўлса чойнак,
Бирисидир унга жўмрак.
Ҳурпайишиб курк товуқдай,
Бирдан келган қор, совуқдай,
Уриб кетди дилимизни,
Ҳам келтирган гулимизни.
Дедик: — Бир хил хамиртуруш,
Ўхшатмасдан учратмасмиш.

1968

ҶҰНҒИРОҶ

(М а с а л)

Сичқонлар йнғилишди қолдирмайин из,
Мушуквойдан яшириниб қилдилар мажлис.

Деди раис: — Мажлисда масала битта,
Қолмади ҳеч андиша мушук сурбетда.

Қутулиш чорасини ўйлаб кўрайлик,
Дунёда ё у турсин, ё биз турайлик.

Қани ўйлаб топайлик энди бир чора,
Қачонгача ем бўлар спчқон бечора...

Бириси ундай деди, бириси бундай,
Бирор тадбир топилмай бош қотди хумдай.

Шердай мағрур керилиб турган бир сичқон,
Мушуквойга гўё у қўйгандай қопқон,

Деди: — Мушук чорасин мен ўйлаб топдим,
Ақл-фаросат керак бундай ишга, ҳмм...

Тадбир шу: кириб бориб мушук қўйнига,
Илмоқ керак қўнғироқ унинг бўйнига.

Қўнғироқ овозидан билиб оламин,
Мушуквой келгунча қочиб оламин.

Бу таклифни маъқуллаб чалишди чапак.
Пасгдан бир овоз чиқди: — Тўхтаишлар андак!

Қани, айтинг! Бу ишни ким қила олади!
Мушукка қўнғироқни, хўш, ким илади?

Раис деди: — Бу тўғри, ким илади, ким?
Бирор овоз чиқмади, сув сепгандай жим.

Таклиф қилган «шер» деди: — Тагин билмайман,
Бу бир таклиф, шахсан мен ўзим илмайман.

Шундайлар бор кўрсатар четдан йўл-йўриқ.
Амалий ишга келса, юраклари йўқ.

1969

Борар эдим шошилиб дорихонага,
 Учраб йўлда бир таниш тортиб панага,
 Худди ўгри мушукдек пойлаб, жовдираб,
 Икки қўлин қўчқорбош ҳассага тираб,
 Деди: «Шу кун бозорда мен бир сир кўрдим,
 Тўхтаг, биров келяпти, ўтиб кетсин, жим...
 Ҳа, бир қизиқ сир кўрдим, Норқул Темуров,
 Ойнак каби ялтиллаб, қўйдек семириб,
 Бозор ўзиникидай яйраб юрибди,
 «Қайдан кессам» деб пичоқ қайраб турибди.
 Бир олганда олди у олтига қовун,
 Бир юмалоқ чойу яна бир халта совун.
 Шафғолини «торт — деди, —яшиги билан»,
 Тўрт ром олди катта бир эшиги билан,
 Иморат ҳам қурмоқчи, мана янги бой,
 Хуллас унинг қозони, чўмичи ҳам мой.
 Ўзи қора бир ишчи, бу пуллар қайдан?
 Қолишмайди хариди қадимги бойдан.
 Янги мода кийибди. шим, кўйлаги тор,
 Ҳа-да, унинг яширин бирор иши бор.
 Шунини ука газетга бошлаб ёзсангиз,
 Бундайларга тезроқ бир чуқур қазсангиз».
 Хайр,— дедим, — амаки, қизчам сал бетоб,
 Дори олиб бормасам бўлмайдди шитоб.
 — Тўхтаг бир оз,— деб «едим» қўлимдан тутиб,
 Яна бошлаб кетди гап, тупўгин ютиб:

— Керак бўлса яна бир бошқа киши бор,
Буниси ҳам жуда бой, қинғир иши бор...

* *
* *

Шунда унинг кимлиги яққол билинди,
Узгага тузоқ қўйиб ўзи илди.

1970

ХОЖАРОЙНИНГ УЧ ҲОЛАТИ

Бугун жуда ҳам хурсанд,
Жуда қувноқ Хожарой.
Эри билан қил ўтмас,
Бирам иноқ Хожарой.
Асалу бол томгандай
Унинг тилида гўё,
Сайрайди у бетиним,
Бўлиб булбули гўё.
Эрин авраб тулкидек,
Чўнтагини шилмоқчи.
Уйга меҳмон чақириб,
Катта базм қилмоқчи.

* *
*

Бугун жигибийрону,
Жуда хуноб Хожарой.
Меҳмонларни кузатиб,
Бўлди бетоб Хожарой.
Меҳмонларнинг кийимин
Кўриб куйиб кетганмиш,
«Жинлари» ҳам қўзғалиб,
Чимчиб, ўйиб кетганмиш.
Илон каби тўлғаниб,
Заҳар сочар эрига,

Дейди: — Ҳай эр, мени сиз
Ясантирмайсиз нега?
Нега менда Севарнинг
Атласидек атлас йўқ?!
Уникида оқ ранг кўп,
Қизили ҳам экан тўқ.
Қумри таққан балдоқнинг
Бешта экан кокили.
Меникида уч кокил
Қуриб кетсин бу хили.
Олиб беринг менга сиз,
Энди ўн кокиллисин,
Кўрган киши «о... буни
Қайдан топибди?» — десин.
Топмасангиз танамга
Санчган бўласиз тикан.
Сизга кун йўқ, ҳай, эржон,
Дод деганим, дод деган.

* *
*

Худди мастдек ер тишлаб,
Қотиб ётар Хожарой.
Ўзин сувга отгандай.
Ботиб ётар Хожарой.
Гўё гўдак боладек,
Ўз уйида у эрка,
Ҳушдан кетиб қолгандек
Кўринмоқчи у эрга.
Чой ва дори келтириб,
Гўл эр гирдикапалак.
Хотин — гўдак, эр гўё
Қўлидаги пирпирак.
Гўё нариги дунёдан,
Йўлдан қайтди Хожарой,

Аста кўзин очди-ю,
Дардин айтди Хожарой:
— Эржон, менинг юрагим
Чатоқ, қилай саёҳат.
Гагра жуда яхшиймиш,
Дугонамдан олдим хат.
Ҳамма курортни кўрдим,
Кўрмаганим шу қолди.
Шунга бормовдим, вой-ей...
Яна дардим қўзғалди.

* *
*

Қўшни бир аёл деди:
— Бу хотиннинг йўқ дарди.
Бекорчилик билан у
Шундай ҳунар чиқарди.

1971

ЯНГИЧА НУСХА

Мана менинг кўйлагим,
Туя думидек қисқа.
Очиқ тизза, билагим,
Бу янгича бир нусха.

Матоси ҳам ажойиб,
Худди ғалвир-а, қаранг.
Гулларн ҳам ғаройиб,
Ола-була, ранг-баранг.

Кенгроқ бўлсин деб ёқам,
Кўкраккача қирқтирдим.
Кўринсин-да бағбақам,
Шунақасин ёқтирдим.

Бошим лайлак уяси,
Лайлак — бутилка шиша.
Сочим пўстак куясп—
Анқиб турар ҳамиша.

Номим энди бошқача,
Лола эмас, Лазора.
Эр олмай шу чоққача,
Кўп хор бўлдим, начора!

1972

БАЛАДАЛАР



ХИЖОЛАТДА ҚОЛДИМ РАШК ҚИЛИБ...

Кўкнинг олов юраги — қуёш,
Тоғ бағрида гув ёнар эди.
Чечакларни қучиб капалак,
Аллакимдан қизганар эди.

Эрта тонгнинг бебош сабоси,
Гунча чокин шарт сўка кетди.
Гулга маржон бўлиб тақилган,
Шабнамларни дув тўка кетди...

Мен шу боғнинг дарвозасида
Интизорман, кутаман ҳамон.
Интизорлик остонасида
Ёр йўлига кўзим нигорон.

Шоирларнинг ёдимда қолган
Кутиш шеърларини ўқийман.
Кутиш ҳам бир лаззат дейман-да,
Юпатувчи сўзлар тўқийман.

Ахир, ўзи бошлаб келса-ю,
Наҳот ташлаб кетса-я, дейман.
Мени қўйиб, бошқа бировни
Наҳот бошлаб кетса-я, дейман.

Койиб-койиб ичкари кирдим,
Кўзим тушди боғнинг тўрига.
Гул ортида икки бош кўрдим,
Таклиф қилди боғбон сўрига.

«Раҳмат», дедим кўзим паришо
Гул кетига тоза тикилдим:
Бири — ҳарбий барваста йигит,
Бири — Саодатлигин билдим.

Алланарса ёзарди йигит,
Саодат-чи унга парвона.
Дам ялинар, дам аччиғланар,
Сўрар: — Фақат шуми баҳона?..

Куйиб-пишиб Саодатгинам,
Кўзларига тўлиб жиққа ёш,
Қилё боқиб йигитга деди:
— Шунчаликми юрагингиз тош!..

Йигит кулди. Кўзда ёш билан
Саодатнинг ўзи ҳам кулди.
Олов бўлиб қизарди-да, сўнг
Қўлидаги гулни юлди.

— Хўп денг,— деди яна ёлвориб,
Нима бўлса жавобгар ўзим.
Уртоқларим, дўстлар олдида
Ёруғ бўлсин менинг ҳам юзим.

Қизнинг қўлин сиқди-да йигит,
Деди кулиб: — Қойил, Саодат.
Сенда кўрдим, хўп улгайибди
Мен кутганим мардлик, жасорат...

Саодатнинг қўнғир сочини —
Силаб йигит деди: — Тайёр бўл!
Эрта тонгда сени кутаман,
Сенга шу кун тилайман оқ йўл...

Кўзим қурсин кўрмай: Саодат —
Упиб олди унинг бетидан!
Қушдек учиб кетди қиз, йигит
Қараб қолди унинг кетидан.

Келиб бирдан менга отилди,
Ўзида йўқ, севинчи тошар.
Тили сира сўзга келмайди,
Шўхликлари тобора ошар...

Қилиб келган қилиқларига
Рашким келди, тузук боқмадим.
Кўкрагимга таққан гулини
Совуққина олдим, тақмадим.

Кўкрагимга қўйиб бошини,
Деди: — Мени ким деб биласиз!
Ҳеч гап ўтмай, ўқитувчимга
Уялмасдан туҳмат қиласиз!

Ахир менинг ўқитувчим у,
Кўнгли кўнглим каби покиза.
Ака меҳрин сезаман унда,
Ҳар дам агар қошимга келса,

Бугун яна бир тилагимга
Еткарди-да, қўллади ўша.
Учишимга розилик берди,
Қуёш сари йўллади ўша.

Эртага мен биринчи дафъа
Самолётнинг рулин тутаман.
Сиз ҳам чиқинг аэродромга,
Ўша ерда сизни кутаман.

Хижолатда қолдим рашк қилиб,
Бу жасорат меҳримни тортди.
Чақноқ кўзлар нури туташиб,
Яна менда муҳаббат ортди.

1938

КҰРИБ ҚОЛДИМ ОЛМА ТАГИДА

Кеч жимлигин бузиб тошқин сой,
Ялла қилиб оқа бошладн.
Кўриб тунга тараддудин ой
Шамларини ёқа бошладн.

Сой лабида олмазор богдан
Бир йигитнинг чиқар овози.
Гоҳ кулги-ю, гоҳ чиқар бирдан
Қизнинг кулгу, нози, арозни.

Топса плож ўзин гул қилиб,
Қиз йўлига сочмоқ истайдн,
Қиз олдиға кўксини тилиб
Юрагини очмоқ истайдн.

Топса плож ҳатто умридан
Қиз умриға қўшмоқ истайдн.
Қиз олдиға зўр денгиз бўлиб
Қирғоқлардан тошмоқ истайдн.

Ким экан у, мунча қийналиб
Севгисига севги сўраган?
Ким экан у, бир ёш юракни
Севги иши билан ўраган?..

Кўролмади уларни эсиз,
Тун пардаси мендан яширди.
Бўйдоқлигим боғлади ипсиз,
Кетолмади, мени шоширди.

Шу чоқ бирдан кўк париси — ой
Келиб қолди улар бошига.
Қўйиб кетди парча нуридан
Бир шаъм қилиб улар қошига.
Бу шаъм балки ойнинг уларга
Бўлди гўё меҳри ҳиммати.
Йўқ, бу ҳиммат уларга эмас,
Менга бўлди бунинг қиймати.

Кўриб қолдим олма тагида,
У навқирон икки ниҳолни.
Бир мен эмас, кўрди қушлар ҳам,
Еру осмон кўрди бу ҳолни.

Олмаларнинг кумуш япроғи,
Шовиллашиб недир сўзлайлар.
Ёққан ўхшар қизнинг фироғи,
Кулиб қизнинг лабин кўзлайлар.

Дам жим бўлиб қулоқ тутарлар,
Дам шарақлаб қаттиқ куларлар.
Улар ҳолин кўриб завқ билан
Бир-бирларин туртиб юларлар.

Кўриб қолдим, бу икки ёш ҳам
Шу қишлоқдан, яқин танишим.
Қиз билади, бир-бирин севса,
Айтмигиз-чи, менинг не ишим?

Дайди йиғит дердилар уни,
Бутун қишлоқ, шаҳар, маҳалла.

Шу қизчанинг ўзи бопловди
Бир мажлисда, нозик маҳалда.

Ким билади, йигитнинг қўли
Ташланибди қизнинг бўйнига.
Қаранг, энди оҳҳов... бир йўла
Қирмоқчими қизнинг қўйнига.

Қиз кулди-да, бўйнига ҳалқа
Бўлган қўлни олиб ташлади.
Олов кўзга термилиб жиддий
Юрак сўзин айта бошлади:

— Майли, севай сизни, Нор ака,
Лекин бунда битта шартим бор.
Шу шартимни ўта олмасангиз,
Эл ичида менга номус-ор.

Бу шарт шуки, колхозимизда
Мен сингари номдор бўласиз.
Бебошликни, дарбадарликни
Ташлаб ҳалол, илғор бўласиз.

Майли, сўнгра майли, мен рози,
Бир бўлайлик, бирга юрайлик.
Шу қишлоқда қўш узук бўлиб,
Бирга яшаб, бирга турайлик.

Майли, сўнгра бу ишқимизни,
Дунё билсин, бутун эл билсин.
Ишимизга, турмушимизга,
Ҳавас қилиб, тасанно десин...

Шундай деб қиз кўнглида орзу,
Қиё боқиб, бир кулиб қўйди.

Жон олувчи мастона боқиш
Йигит дилин яна бир ўйди.

Йигит хурсанд, ёнган умиди,
Қиз сочини бағрига босар.
Суқ билан у термилиб қизга
Юрагига суратин ясар.

Йигит хурсанд, ҳамон термилар,
Кўзи тўйса, ўзи тўймайди.
Бир бўсага интизор — илҳақ,
Қизи тушгур асло қўймайди.

Йигит хурсанд, йигит юзига,
Кулки кирди, яна қон кирди.
Қиз сўзи-ла унинг умрига
Умр кирди, яна жон кирди.

Йигит хурсанд, унинг танига
Қувват кирди, куч-мадор кирди.
Яна унинг чашма кўзига
Шу ёр кирди, навбаҳор кирди...

Нимасини айтай бу сирни,
Шундай қилиб қиз ваъда олди.
Не бўлди-ю, қизнинг юзидан
Йигит яйраб бир ўпиб қолди.

* *
*

Кузнинг сўлим беғубор тонги,
Оқ денгиздан нур олар осмон.
Бу денгизда гўзал бир елкан,
Сузиб оқар тўлин ойсимон.

Журъат билан, маҳорат билан,
Қувиб келар яна бир елкан.
Мунча шошиб, юраги тошиб,
Қувлагани айтинг, ким экан?

Чайқалади олтин океан
Шуъласида ёп-ёруғ осмон.
Уйқусираб кўз очолмаган
Қуёш ҳайрон уйқуда ҳамон.

Елкан елар, чайқалар ҳаво,
Чайқалди бу улуг денгиз.
Бу денгизда елкан кетида
Тўлқинланиб қолар кўм-кўк ив.

Қувалашган бу икки елкан
Богда кўрган ҳув... танишингиз.
Қувлагани ўша йигитча,
Қувдиргани ваъда берган қиз.

Қиз бошида паранг рўмоли,
Тонг елида пир-пир учади.
Чаноқ гўё олтин пиёла,
Унда тўла нурми ичида?

Томошага чиқди мўралаб,
Қипригини тиг қилиб қуёш.
Булар сирин ойдан эшитган,
Булар билан ой эди сирдош.

Нур тергали чиққан бел бойлаб,
Бутун қишлоқ, бутун шу колхоз.
Келадилар жўяклар бўйлаб,
Ўқизда эди ҳамма-ҳамма кўз.

— Ҳорманг, қизим, толманг, эй қизим.
Ҳосилингиз яна мўл бўлсин.
Ҳорманг, йигит, чиройли йигит,
Толеингиз энди кўл келсин.

— Ҳай Собиржон, холанг ўргилсин,
Қанча тердинг, айтгин, билайин?
Илгор бўпсан, илоя ўзим
Тўйгинангда хизмат қилайин.

— Ҳорма, Қумри, яна саҳардан,
Йигитчани ишга сопсан-ку.
— Ҳорма, Собир, ҳорма, эй болам,
Қумричанга етиб қопсан-ку.

Севипганлар муҳаббатидан
Борар эди ҳар ёққа миш-миш.
Билишимча, теримдан кейин,
Шу ёшларнинг тўйи бўлармиш.

1939

Севги

Украинанинг гўзал боғлари,
Кўм-кўк; сўлим кўклам чоғлари,
Этак-этак териб гулчечак,
Ўйнар эди гўзал келинчак.
— Не ғамим бор,— деб куйлар эди.
— Не камим бор,— деб куйлар эди.
— Мана озод халқим, ҳур ўлкам,
Ол байроғи билан у кўркам.
Яшнамоқда юртим, колхозим,
Кўриб, тўйиб, яйради кўзим.
Кундек ёруғ орден кўксимда,
Акс этади нури ҳуснимда.
Ҳурмат билан айтилар отим,
Жуда, жуда ширин ҳаётим,—
Деб ўйнарди гўзал келинчак,
Яйрар эди териб гул-чечак.
Елдек ўйнаб югурарди у,
Далаларга файз берарди у.
Буғдойзорда қиларди меҳнат,
Меҳнатидан хурсанд у беҳад..
— Не ғамим бор,— деб ўйнар эди,
— Не камим бор,— деб ўйлар эди...
Ёр бағрига отилиб кириб,
Юзларига суқли термилиб,
Бир зум ўйга ботиб: «Ҳа шундай,
Кўзи тундай, юзлари кундай,

Дўмбоққина ўғилчам бўлса,
Қучганимда кўкрагим тўлса,
Қолмас эди сира армоним,
Фидо эди унга бу жоним».

Орзу ушалади

Ана бизнинг қувноқ келинчак,
Кўтаргандай бир қучоқ чечак,
Қучогидан қўймас ўғлини,
Дийдорига тўймас ўғлини,
Ширин-ширин аллалар, ана.
Аллалару меҳри тошади,
Чўлп-чўлп ўпиб уйғотар яна.
Хурсандлиги оламга сиғмас,
Фарзанд меҳри — шароби-ла маст...
Йиллар ўтиб ўсди ўғилча,
Ўсди унга меҳр ҳам шунча.
Куёв-келин ёш бу оила,
Хурсанддирлар шу фарзанд ила.
Уларга бу фарзанд бир эрмак,
Не эрмакки, зўр қувонч демак.

Кураш

Кўкни босди қора кўланка,
Вабо кирди гўзал чаманга.
Кўкдан бомба ёғилиб селдай
Ажал келар шум гармселдай.
Фашистларнинг калжати учар,
Олов уйдан — уйларга кўчар.
Ўт ичида қолди Украина,
Қўлга қурол олди Украина.
Ўз ҳуқуқу, ўз бахти ҳаққи,
Жангга кирди Украина халқи.
Қуюн бўлиб оқар оломон,

Шердай борар душманга томон.
Жангга кирди қаҳрамон эрлар,
Жангга кирди Ватандош шерлар.
Ҳар кўча, ҳар уйда борар жанг,
Босқинчининг ҳолин этиб танг.

* *

*

Ана бизнинг гўзал келинчак,
Ўша озод, ўша гул-чечак.
Кўйлаги қон, сочлари тўзиқ,
Белида ўқ, қўлида милтиқ,
Қанотини ёзгандай лочин,
Далаларга очиб қулочин,
Тупроғидан кўнгил узолмай,
Ўз ерида бир мусофирдай,
Кўзларида ёниб лахта ўт,
Бутун олам кўриниб тобут,
— Ул, босқинчи!— дея қичқариб,
Ўқ ёғдириб, душманни қириб,
Мардонавор жанг қилади у,
Осмон тўла ўқ учар ғув-ғув...

* *

*

Ишонамайди: «Бу қанақа сир?!
Наҳот бизлар бўлайлик асир?!
Наҳот вайрон бўлсин Ватаним?!
Наҳот, ўтда ёнсин бу таним?!
Наҳот, эрким, бахтим йўқолсин?!
Йўқ, бермайман, жонимни олсин?!»
Деб ғазаб-ла отиб пулемёт,
Ёв устига яна сочар ўт.

Юлдузларнинг нури йўқ кечъ,
Ўқ овози тўхтади пича.
Ўувиллайди бепоён дала,
Қаердадир йиглар бир бола.
Аста хира ой ботар эди,
Клара жим, жим ётар эди.
Оёғига чанг солганди ўқ,
Нафас олиш учун ҳоли йўқ.
О...Клара, ўша келинчак,
Ётар, ана, сўлгандай чечак,
Ой узилиб тушгандай худди,
Оқиб ётар кўкракда сути.
Оқиб ётар, чашмадай оппоқ,
Тўйиб-тўйиб эмарди тупроқ.
Ер қучоқлаб ётади, ана
Ювилгандай қон билан тана.
Ташламаган қўлдан яроғин,
Упиб ётар Ватан тупроғин.

Ана, секин қимирлар, ночоғ.
Олам унинг кўзларига тор
Кўринди-да, кўтариб бошин,
Нафрат билан чимириб қошиб,
Ҳолсиз туриб ойга қаради,
Қўли билан сочин таради.
Кўз ташлади харобазорга,
Кўз ташлади мунгли мозорга.
Ҳалок бўлган дўстларин кўриб,
Чидолмайин ўзини уриб,
Ҳолдан кетиб йиқилди яна,
Ҳушга келиб талпинди она
Борар эди ерни пайпаслаб,
Қон тўкилган тошларни силаб,
Чуқурларда қалашиб ётган,
Қон ичида муз каби қотган,

Ҳар мурдага тикилиб қарар,
Ёрини-ю, ўглин ахтарар.

Жондин ортиқ севгани — ёри,
Ҳамёстиғи, азиз дилдори,
Кўкрағидан ажал солиб из,
Қон ичида ётади жонсиз,
Клара жим ўнглаб ўзини,
Катта-катта очиб кўзини,
Мурдага у яқинроқ борди,
Тикилди-ю, додлаб юборди:
«Жоним, Юркам!..» деб кўтарди дод,
Сигмай кетди юракка фарёд.
Ғазаб ёши тўлиб кўзига,
Қон шуъласи уриб юзига,
Қасос олмоқ шаҳдида туриб,
Алам билан кўксига уриб:
— Лаънат сенга, малъун ёв,—дея,
— Уч оламан сендан мен,— дея,
Ўғилчасин излару кезар,
Фарзанд меҳри юрагин эзар.
Ҳар томонга жовдирайди у,
Девонадек довдирайди у.
Шу чоқ бирдан унинг қошига,
Ғусса билан тўлган бошига,
Келди бир маст фашист офицер,
Кларани олмоқчи асир.
Шунда она зўр бардош билан,
Ўғлин қони оққан тош билан
Газанданинг бошига солди,
Йиглаб туриб ўчини олди.
Ташланганда офицер унга,
Нур чиққандай қоп-қора тунга,
Пайдо бўлиб бир йигит шу чоқ,
Офицерни босди бўлиб тоғ.
Янчгандайин худди илонни,

Янчди хилват тошиб бу онни,
— «Ватандошим, азамат йигит
Балли, оға, муродингга ет!»
Деб одимин ташлади шахдам,
Автоматин ушлади маҳкам,
Қасос ўти қалбида чақнаб
Ер тишлатди ёвларни кўплаб.

Клараю дўст, дугоналар,
Қадрдонлар, ота-оналар,
Асирликка эгмайин бўйин,
Баланд айтиб озодлик куйин,
Қасос билан ёниб беармон
Борарканлар ёвуз ёв томон.
Оёғига чанг солиб яра,
Жангдан чиқди ночор Клара,
Улим тилаб қонхўр — душманга,
Йўли тушди Ўзбекистонга.

Бизнинг ҳамхона

Украиналик бу ботир жувон,
Бизлар билан бўлиб жонажон,
Яшар эди Ўзбекистонда,
Меҳмон эди шу гулистонда.
Иноқ ўртоқ бўлиб ҳамхона.
Онамизни дер эди она.
Бир туғишган синглиздайдин,
Меҳр ортиб дилда кун сайин,
Кларага бериб биз далда,
Яшар эдик оғир кунларда.
Юртга зафар, ғалаба тилаб,
Кларанинг бошини силаб,
Ярасига қўйиб ёғ-малҳам,
Дардин бирга тортарди онам
(Унинг боши онам кўксида,

Ой кўринар кўм-кўк кўзида)
Меҳри тошиб онамга қараб
— Онажон!— деб бағрида яйраб
Гўдак каби эркаланарди,
Қучиб уни искаланарди.
У яйраса, яйрардик биз ҳам,
У ўйнаса ўйнардик биз ҳам...

.
.

Клара кеч ишдан қайтганда,
Боғда булбул қўшиқ айтганда,
Чечак териб қилиб гулчамбар,
Бир севинчдан бергандай хабар,
Чақирарди боққа бизларни,
Чақирарди қўшни қизларни.
Майсазорда ёнбошлаб, куйлаб,
Гоҳи маъюс ўтмишин ўйлаб,
— Келинг, қизлар, ўйнайлик,— дея,
— Келинг, дўстлар, куйлайлик,— дея,
Бутун дарду алам доғини,
Дилда ўчган шамчироғини
Қўшиқ билан ёндирарди у,
Қўшиқ билан қондирарди у.
У ўйнаса биз ҳам ўйнардик,
У куйласа биз ҳам куйлардик.
Ўйга ботса, ботардик бирга,
Ғам тортганда тортардик бирга.
Шундай ҳурмат, шундай меҳр-ла,
Бўлган эдик биз бир онла.

Кузатиш

Хурсанд, ана, бизнинг Клара,
Хурсанд яна бизнинг Клара,
Шодлигидан сиғмай ўзига,

Севинч ёши тўлиб кўзига,
Меҳр билан очиб қучоғин,
Йиқитгандай ғам-алам тоғин,
Дўстларини қучиб беармон,
Қайтмоқ бўлди элига томон,
Озод бўлди у улуғ шаҳри,
Ҳам гўзалу, ҳам қутлуғ шаҳри.
Кўргандайин худди қуёшни,
Артиб-артиб кўзидан ёшни,
Девордан бир суратни олди,
Унга узоқ тикилиб қолди:
«Эй, азамат, азиз дилдорим,
Мозоринга бораман, ёрим», —
Деб расмни ўпиб қучоқлаб,
Кўкрагида авайлаб, сақлаб,
Йўлга чиқди бизнинг ҳамхона,
Ўпиб уни кузатди она.

* *
*

Ўтиб кетди у оғир йиллар,
Тинч меҳнатга унади қўллар.
Кларани ўйлаймиз доим,
Соғинганмиз, сўйлаймиз доим.
Ҳар куни бир кўриб суратин,
Қайта-қайта ўқиймиз хатин.
Кларамиз ўз колхозида
Раис эмиш, у ҳар сўзида —
Эслар эмиш Ўзбекистонни,
Меҳри ортиб бу гулистонни.
У ерда ҳам гоҳи ош дамлаб
Биз туғилган кунни нишонлаб,
Сув бўйига шинам жой қилиб,
Стул тузаб, аччиқ чой қилиб,

Чақирармиш қўшни қизларни,
Сўйлар эмиш кунда бизларни.
Кеча яна ундан хат олдик,
Кўргандайин севишиб қолдик,
Чақирибди хатда бизларни,—
Дўст, дугона — қирмиз юзларни,
Украйнага, у ўз уйига
Ўз туғилган куни — тўйига,
Тўй баҳона, олиб тўёна,
Жўнаб кетди соғинган она.

1947

БОЛАЛАРГА



КИТОВ

Китоб, ўзинг энг яқин—
Уртоғим бўлиб қолдинг.
Бутун меҳру севгимни,
Фикру ёдимни олдинг.

Ўтказаман сен билан
Узоқ-узоқ тунларни.
Унутмайман ҳеч қачон
Сен-ла ўтган кунларни.

Қадрдон бўлиб қолдинг,
Кўрдим сенда бахтимни.
Сен бор жойда беҳуда
Ўтказмайман вақтимни.

Сен туфайли мен анча
Фанлар билан танишдим.
Ёш бўлсам ҳам билимлар
Булоғидан сув ичдим.

Сен туфайли Ватанни
Харитада кўргандим.

Энди унинг туганмас
Бойлигини ўргандим.

Сен туфайли Москвага—
Кремлга ёздим хат.
Дедим:— Бу қувноқ ҳаёт —
Учун сенга минг раҳмат!

1947

АКА-УКА

Ака-ука бир куни
Йўлга чиқдилар бирга.
Акаси жуда чарчаб,
Пишган эди хўб терга.
Қўлида икки тугун,
Толиқиб келар эди,
Укасига: — Укажон,
Бирин олсанг-чи, деди.

Лекин унга укаси
Сира қулоқ солмади.
Акасининг қўлидан
Бир тугунни олмади.

Бориб-бориб акаси
Чарчаб йиқилиб қолди.
Ука, ночор, юкларни—
Ўзи кўтариб олди.

1947

ИККИ ҰРТОҚ

Икки ұртоқ бугун «5» олиб
Хурсанд бўлиб қайтар эдилар.
Кўриб йўлда футбол ўйинин,
«Кел, ўйнайлик биз ҳам», дедилар.

Учар эди копток ҳавода,
Ўинадилар қош қорайгунча.
Холмат деди: «Юр энди, Аҳмад,
Тайёрлайлик дарсларни пича».

Аҳмад тўпдан кўз узмай, деди:
— Тўхта, ўйин бўляпти соз.
Шошаверма, дарс бўлса бўлар,
Кел, қўй, яна ўйнайлик бир оз.

Холмат деди: «Йўқ, мен кетаман,
Тайёрлайман дарсимни бориб».
У жўнади. Аҳмадвой қолиб,
Қайтди уйга жуда кеч, ҳориб.

Апил-тапил овқатланди-ю,
Қаравотга отди ўзини.
Китоб бир-бир варақланди-ю,
Қўлда қолиб, юмди кўзини.

«Тайёрлайман дарсни эрталаб»,—
Деб донг қотиб ухлаб қолди у.
Эрта туриб соатга қараб,
Деди: «И-е, соат саккиз-ку?»

Шошиб-пишиб туриб ўрнидан
Жўнаб қолди мактабга шу чоқ.
Дарсга зўрға етиб борди-ю,
Бироқ чатоқ эди ҳамма ёқ:

Боғланмаган ботинка ипи,
Ювилмаган эди юзи ҳам.
Уйда қолган керакли китоб,
Уйқусираб келди ўзи ҳам.

Ўқитувчи уйга деб берган
Вазифани сўради ундан.
Аҳмад бўлса қизариб деди:
«Вазифани бажармадим ман».

Холиқ деди:— Аҳмадга менинг—
Бир сўзим бор, ёдида қолсин:
«Бугунги ишни эртага қўйма!»
Мақолини у англаб олсин!

1948

Севар ариқ бўйида
Сув ичарди ҳовучлаб.
Муаллим деди, шунда
Унинг кифтидан ушлаб:
— Тур, ҳой Севар, хом сувни—
Ичма, касал бўласан.
Ахир ўзинг у сувнинг
Зарарлигин биласан.

Севар ва ўртоқлари
Синф томон келдилар.
Ўқитувчи Севарга
«Сув келтиргин»,— дедилар.

Севар ўзи сув ичган
Ариқдан сув келтирди.
Кейин ўқитувчига
Жимгина қараб турди.

Ўқитувчи Севарга:
— Ҳзир кўрасан, қизим.—
Деб бир ойнакка сувдан
Томизди бир томизим.

Сувга томган ойнакчани
Микроскопга қўйди у.

Уни кўришга шошиб,
Ёпирилди қизлар дув.

Шу бир томчи сувда кўп
Микроблар сузар эди.
Улар тиниқ бу сувнинг
Ҳуснини бузар эди.

Бирдан сесканиб кетди,
Севар ҳам кўриб уни.
Деди шунда — ичмайман
Энди ариқ сувини.

1948

МАРД НАСЛЛАРИМИЗ

(Х о р)

Жаҳон ичра донғи таралган,
Хўп гўзалдир бизнинг еримиз.
Бахтнёримиз биз ҳур Ватанда,
Асрларга тенгдир йилимиз.

Нақорат:

Бобо Ленин ўгити яшар,
Бошлар бизни илмга, ишга,
Ургандик биз шу боболардан
Ватанимиз асраб севишга.

Ватаннинг биз мард ўғиллари,
Мардлик бизга отадан мерос.
Чақирса эл меҳнатга, ишга,
Биз тайёرمىз, берамиз овоз.

Нақорат:

Ёшлигимиз ер йўлдошидай,
Парвоз қилар қуёшга, ойга.
Яшнатамиз саҳро, чўлларни
Тўгон бўлиб тўғонга, сойга.

1948

САЛИМНИНГ ТИШИ

Салим яхши-ю, аммо
Тишин у ювмас асло.
Бунинг устига ҳар чоқ
Тишида чақар ёнгоқ.
Унинг оғзида мудом
Юрар писта, тошбодом.
Тинмасдан ёз-қишлари
Муз чайнайди тишлари.
Муз кетидан иссиқ чой
Гоҳ лунжидан олар жой.
Тиш ёрилиб бўлди ғор,
Ҳар хил овқатга омбор.
Сўнгра чириб ёриғи,
Бошланди тиш оғриғи.
Шундан кейин Салимвой,
Юрар бўлди деб: — вой-вой.
Шу-шу Салим бечора,
Излаб дардиға чора,
Олдириб ташлаб тишин
Дер бўлди: «син» сўзин «шин».

1948

Исмат синовдан чиқди
Лаби лунжи осилиб.
Ўзгарганди у жуда,
Шўхлиги ҳам босилиб.

Ўртоқлари дув келиб,
Уни бирдан ўрашди.
«Нима олдинг, иккими,
Ё учми?» — деб сўрашди.

Исмат деди: — Муаллим
Мени ёмон кўради.
Шунинг учун у мендан
Қийин савол сўради.

— Нима савол берганди,
Не жавоб қилдинг у пайт? —
Деб бир бола сўради:
— Эшитайлик, қани, айт?

Исмат деди: — Муаллим
Сўради куз ойларин,
Январь, февраль, деб ҳатто
Айтдим ёмғир, лойларин.

У саволга мен шундай
Боплаб жавоб берсам ҳам,
Ёмон кўргани учун
Бўлди яна баҳом кам.

Шунда бирдан болалар
Тоза қотиб кулишди.
Ҳаммалари бир бўлиб
Исматни хўп уришди.

— Уят сенга, ҳой Исмат,
Наҳот шуни билмасанг!
Ўқитувчи ёмонми,
Дарсдан бўлмаса мазанг?!

Исмат нотўғри жавоб
Қилганини англади.
Шундан кейин дарсларни
У яхшилаб тинглади.

1948

ЭРКИН УЯЛИБ ҚОЛДИ

Эркинжоннинг бувисини
Кўзойнаги бузилди.
Гажак илгич симининг
Бир томони узилди.

Эркинжонни чақириб,
Деди бувиси: «Болам,
Ойнагимни кўриб бер,
Кам бўлмагин сира ҳам».

Эркин деди: «Мен сизга
Кўзойнакчи устами?
Ойнак тузатиш бўлса,
Чақиринг-да Уктамни.

Бундай майда ишларни
Буюрманг, мен ўқувчи.
Мен ахир ойнаксозмас,
Бўлмоқчиман учувчи».

Деди бувси: «Болам,
Майли учувчи ҳам бўл.
Лекин уканг Уктамдай
Шундай ишларни ҳам бил».

Эркин шу чоқ ойнакни
Аста қўлига олди.
Бироқ симни улолмаи
Жуда уялиб қолди.

Шунда бувиси деди:
— Олдин кичик ишни бил.
Уни уддалаб, кейин
Каттасини орзу қил!

1948

КИТОБ ЭСДАН ЧИҚАРУ...

Рустам борар мактабга,
Бугун яна у хурсанд.
Бир қўлида портфели,
Бир қўлида хўрозқанд.

Катта, семиз портфелга
Солиб олган мевалар.
Лунжида конфет бор-ку,
Яна хўрозқанд ялар.

Унинг нафси шунақа,
Унга конфет бўлса бас.
Она конфет бермаса,
Мактабига ҳам бормас.

Мана, даре ҳам бошланди,
Портфель огзи очилди.
Рустам нон олай девди,
Бор мевалар сочилди.

Олма, анор, қурт, ўрик,
Турли хил конфет, жийда.
Тапир-тупур тўкилди,
Рустам уялди жуда.

Уқитувчи ўқишга
Буюрган эди, шу дам
Оғзидаги конфетни
Ютиб юборди Рустам.

Портфелда у китобин
Қидиради, китоб йўқ.
— Сен олдинг!— деб ёнида
Ултирганга урар дўқ.

Йўқ! Йўқ! Унинг китобин
Ўртоқлари олмаган.
Рустам уйда қолдирган —
Портфелига солмаган.

Шундай унинг одати
Унга конфет бўлса бас.
Китоб эсдан чиқару
Конфет эсидан чиқмас.

1950

ҒАЙРАТ ВА ОМОН

Яхши билан ёмонни
Ғайрат билан Омонни
Бундай қилайлик тасвир,
Тенглаштириб кўринг бир.
Ким яхши-ю, ким ёмон,
Қани, сизлар ким томон?

Мана, бизнинг Ғайратжон,
Ҳаммага ҳам меҳрибон.
Ўртоқларин қилиб жам,
Берар дарсига ёрдам.
Онасига қарашар,
(У ишласа ярашар)
Сув сепар, ўтин ёрар,
Магазинга ҳам борар.
Ғайратжон мактабда-чи?
Дарсларидан аълочи.
Одоб сақлаб юради,
Ҳамма яхши кўради.
Ўз вақтида ўйнайди,
«Салом»ини қўймайди.
Одоб, ахлоқ, интизом,
Берди унга яхши ном.

Ғайрат тенги Омон-чи,
Ёшлиғидан ёлғончи.

Баҳо «2» ўқишда,
Роса дангаса ишда.
Она излаб чақирар,
У: «Бор-бор», деб бақирар.
Бир куни дарсдан қолиб,
Машинага осилиб,
Кетар эди тиржайиб,
Йиқилиб бўлди майиб.
Мана, синиб оёғи,
Қўлда қўлтиқтаёғи.
Юрар яна гап сотиб,
Тегмаганга тош отиб.
«Яхши бўл!» десанг агар,
«Ёмонманми?!» деб қўяр.
Ҳеч ким билан чин ўртоқ
Бўлганмикин, сўраб боқ.
Йўқ, у ўртоқ бўлмайди,
У азалдан шум, дайди.
Ўртоқлари «ёмон» дер,
«Тузалсанг-чи, Омон!» дер.
Демак, ёмонлик ёмон,

Ҳамма ҳам яхши томон.
Энди сизга бир савол,
Ўйлаб олинг энг аввал.
Шу бетартиб Омонни,
Бундай қайсар ёмонни,
Қандай қилса тузалар?
«Яхши» деган ном олар?
Ёзиб юборинг бизга,
Бу бир жумбоқдир сизга!..

1951

КЕЛАР КИЧКИНТОЙЛАР

Боғчадаги укамни
Катта кўчада кўрдим.
Узоқдан таниб уни
Келишин кутиб турдим.

Келар кичкинтойчалар,
Бир-бирига уланиб.
Ипга тизилган ҳар хил
Лампочкадай товланиб.

Тойлоқларнинг қўлида
Келар оппоқ арқонча.
Арқончага боғланган
Ҳалқачалар бор анча.

Худди тешик кулчадек
Ҳар қўлчада ҳалқача.
Бир қўлчада куракча,
Қўғирчоқ ё болғача.

Тарбиячи Нур опа
Борар бошлаб олдинда,
Сочилиб кетмасин деб,
«Ипга тизиб» олган-да.

1952

ЕТМИШ ҲУНАР ЭКАН КАМ

Лагерга келди Ҳотам,
Дўстлар яна бўлди жам.

Юрадилар болалар
Ўйнаб, қилишиб чақ-чақ.
Бироқ бизнинг Ҳогамтой
Ўйланиб қолди шу чоқ:

Чўмилишга анҳорга
Борай деса бўлмайди.
Чунки Ҳотам сузишни
Тузуккина билмайди.

Ашулачи дўстларнинг
Ёнига борса агар,
У қўшиқ ҳам айтолмай,
Болалардан уялар.

— Қандай бўларкин,— деди.—
Футбол тепишга борсам.
Лекин синаб кўрмаган
Бунда ҳам ўзин Ҳотам.

Шунда ўзин хомлигин
Сезиб қолди-да, Ҳотам,
Деди: «Йигит кишига
Етмиш ҳунар экан кам».

1952

СОҒИНИШИБ ҚОЛАМИЗ

Биз ўртоқмиз қалин, жонажон
Қадрдонмиз биз мактабдошлар.
Бизнинг таълим, бизнинг тарбия,
Ўртоқликка, дўстликка бошлар.

Бизлар иноқ ва ҳамжиҳатмиз,
Тиришамиз яхши ўқишга.
Бирга ўйнаб, бирга чиқамиз
Мактабимиз боғига ишга.

Соғинишиб қоламиз бизлар,
Кўришмасак агар бир куни.
Бетоб бўлиб қолсак биримиз,
Ҳар кун йўқлаб борамиз уни.

Олиб қолса дардан паст баҳо
Орамизда агар биттамиз.
Ёрдам бериб унга доимо,
Сафимизда бирга элтамиз.

Дўстлигимиз шундай мустақкам,
Қадрдонмиз биз мактабдошлар.
Бизнинг таълим, бизнинг тарбия,
Ўртоқликка, дўстликка бошлар.

1954

ҚУҒИРЧОҚ ҰРТОҚ

Иссиқ ұттиз градус,
Уйдан чиқмайди Қуддус.
Қийиб пальто ва телпак
Утирар жим ҳайкалдек.
Ҳеч нарсага йўқ тоби,
Ҳаммага шу жавоби:
— Юр, ҳай Қуддус, ўйнаймиз,
— Совуқ-ку, шамоллаймиз.
— Қара, ҳозир баҳор-ку.
— Ҳали тоғда қор бор-ку!
— Ана, дарахтларда гул.
— Гул бўлган билан ер ҳўл.
— Галош кий, бор-ку санда.
— Ўзим киёлмайман-да.
— Бўпти китоб ўқиймиз,
— Ўқишни қўй, ош еймиз.
— Хўп, ейишга ким ўзар,
— Менга ойим егизар.
— Ўзинг егин, ойингсиз!
— Нега, ҳали ёш-ку биз?!

* * *

*

Бу ярамас одатни
Ташла тезроқ, эй ўртоқ!
Бундай эркатой бўлсанг,
Деймиз сени қўғирчоқ.

1955

ДИЛБАР НЕГА ХАФА?

Дилбар бугун негадир хафа,
Дарсда хомуш бўлиб ўтирди.
У доим қўл кўтарарди-ю,
«Мен айтайми, мен айтай», дерди.

Нега бугун у жим ва хомуш?
Ким нимага хафа қилдийкин?
Ундай десак, ҳеч қачон уни
Ҳеч ким хафа қилмасди, лекин.

Хафалигин сабабини у
Танаффусда айтди Омонга.
Аясига эргашиб Дилбар
Борган экан кеча меҳмонга.

Кеч қайтиб дарс қила олмабди,
Шунга Дилбар роса куйинди.
— Борар бўлса меҳмонга аям,
Эргашмайман,— деди,— мен энди.

1986

БОҒИМИЗ

Қаранг, ҳар наҳор,
Сеп ёр баҳор.
Юз очар шунда
Гуллару гулзор.

Гуллар чамани
Чорлаб ҳаммани,
Дейди: — Келинлар,
Теринлар мани.

Боққа қушчалар
Келиб най чалар.
Тинмас сира куй
Куну кечалар.

Гулзор яратган,
Қушни сайратган
Халқим чўлни ҳам
Боғ-роғ этган.

1957

КАТТА БЎЛСАМ

Увиб тушди ёмғирда
Деворимиз бир ёғи...
Дарвоза ҳам қийшайиб
Кетиб қопти бўёғи.

Ишдан қайтиб қарасам,
Девор урилиб қопти.
Дарвоза ҳам бўялиб
Қайта қурилиб қопти.

Мақсуд деди: — Дадажон,
Деворни мен ургандим,
Девор уриш ва бўяш
Ҳунарин ҳам ўргандим.

Модель ясаш, гул экиш,
Расм солишни билдим.
Овқат қилиш, пол ювиш,
Рубоб чалишни билдим.

Мана девор сувашни,
Бўяшни ҳам биллиб олдим.

Тахтачадан рандалаб
Андава қилиб олдим.

Ўнга яқин ҳозирча
Менинг ўрганганларим.
Катта бўлсам албатта,
Қирқдан ошар ҳунарим.

1960

КЕЛАЖАККА БОРАМАН

Биз бахтиёр боламиз,
Келажакка борамиз.
Расо ўқиб Ойни ҳам,
Бир қўл чўзиб оламиз.

Биз пионер ўғил-қиз,
Қардош оға-инимиз.
Бизлар агар саф тортсак
Дарё каби оқамиз.

Биз Ватаннинг эркаси,
Эртаги кун эгаси,
Катталарга укамиз,
Кичикларнинг акаси.

Деманг бизни ҳали ёш,
Кичикларга биз ҳам бош.
Она-Ватан тан бўлса,
Унга бизлар кўзу қош.

Бизни дерлар пионер,
Ҳар биримиз ботир, шер.

Пионернинг сўзи шу:
— Биз доимо тайёр!— дер.

Катта-кичик оғамиз.
Биз уларга ёқамиз.
Чунки бизлар ҳаммага
Меҳр билан боқамиз.

1968

**ИШ БИЛМАС ВА ИШ ҚИЛМАС
БОЛА ҲАҚИДА ЭРТАК**

Бир кун қарасам уйда,
Елғиз қолибман ўзим.
Қўрқиб кетиб атрофга
Жовдираб қолди кўзим.

Ҳамма нарса кўзимга,
Жонли бўлиб кўринди,
Улар мени ўрнимдан
Турғизишга уринди.

Тургим келмай кечгача
Етган эдим эриниб.
Укамнинг қўғирчоғи
Келиб қорнимга миниб,

Деди: — Сенга хайфдир жон,
Уни менга бера қол.
Ҳеч иш келмас қўлингдан
Эсиз, одам бўлмай, қол.

Гўдак эмассан энди,
Мана, кирдинг ўн учга.
Тошдек қотиб ётасан,
Кирмай ғайрату кучга...

Деб у тортиб сочимдан
Мени турғизди тикка,
Судраб келди қўғирчоғ
Очиқ турган эшикка.

Эшик ёғжиллаб деди:
— Кўрдингми, ёпилмайман.
Жуда яхши эшикман,
Ҳеч ерда топилмайман.

Лекин ошиқ-мошиғим
Миҳи бўшаб ётибди.
Бир томоним қийшайиб
Қара, ерга ботибди.

Нима бўлар, сен уйда
Шу ишларга қарасанг.
Еб-ичишни биласан,
Меҳнатга ҳам ярасанг.

Чиқармайман ҳовлига
Шу ишларни қилмасанг,
Сени одам демайман
Иш қилишни билмасанг.

* *
*

Шундан кейин эшикни
Тузатишга уриндим.
Эшик хурсанд, унга мен
Уста бўлиб кўриндим.

Каттакон болта билан
Эшикни бир урувдим.

Урганимда биламан
Остонада турувдим.

Бир қарасам ҳовлида
Ер қучоқлаб ётибман.
Эшик билан ағанаб,
Кесак каби қотибман.

Аста ўзимга келиб
Зўрға турсам оёққа,
Дарахтлар новдалари
Ўралашиб томоққа,

Деди: — Бизга, ҳай бола
Ҳар замон бир қараб қўй.
Қара, сочимиз паҳмоқ,
Қирқиб, уни тараб қўй.

Қарамасанг, ёввойи —
Бўлиб шундай ўсамиз,
Томоғингдан гип бўғиб
Ҳар кун йўлинг тўсамиз.

Қандай қилай, энди мен
Дарахт кеса бошладим.
Битта қўймай новдасин
Шартта кесиб ташладим.

Кесилган бу новдалар
Мени савалаб қолди.
— Ақлинг қурсин, бола, — деб
Атрофдан талаб қолди.

Йиқилдим сурилдим,
Калтақдан қочиб олдим,

Ошхонага кирдимү
Яна балога қолдим.

Чойнагу пиёлалар:
— Мени юв,— деб турибди.
Оташқурак ҳам менга
Иш кўрсатиб юрибди.

— Учоқ боши бузилган,
Уни суваб қўй,— дейди.
Қўлим чўзсам нонга мен
— Сенга нон йўқ, қўй!— дейди.

Яқинлашсам қозонга
Ёлиб олди қопқоғин,
— Уялмасдан келдингми?
Дейди: — Овқат деб — тагин.

Ишламасам бўлмади,
Ювдим идиш-товоқни,
Синиб битта пиёла
Едим роса таёқни.

Чўмич, капгир, қошиқлар
Уқдек менга отилди.
Ҳайдаб қўйишди уйдан
Ҳамма эшик ёпилди.

Бундай ўйлаб қарасам,
Чўлтоқ бўлиб ўсибман.

Онам айтганини қилмай,
Унинг сўзини кесибман.

Ҳамма ишни билишга
Дўстлар, сизга сўз берай.
Эшикларни очишсин,
Айтинг, энди мен кирай.

1972

*Ижодкорнинг улуши. С. Мамажонов.

Шеърлар

Постдаман бу гал.	
«Мен шеъримни...».	
Севгим	
Пушкинга.	
Халқимга.	
Меҳрим.	
*Харитага қарайман.	
*Севгимизнинг маммуни.	
*Суҳбат.	
Ватаним.	
Тушдилар олтин булоққа.	
*Она ва ўғил.	
Кўзлар.	
Богим яшар, баҳорим яшар.	
Тонг яқин.	
Нега бунча суқли қарайсан.	
*Қариндош шаҳар.	
Тинчлан, эй юрак.	
Ёғил, шеърим.	
*Наташа онанинг ҳикояси.	
Умр.	
*Қосим онанинг деганлари	
*Юртнинг отаси.	
Раҳбар ая.	
*«Правда».	
*Ўзбекнинг ғурури.	
*Яша, Москвам.	

*Яшамокда бугун, яшар абадий.	62
Уқитувчи	62
Темирчи Бектемир.	63
Фарзанд.	65
Ваҳор тоғида.	66
Пахтакор ўртоқ.	68
*Партиям.	70
Нур билан ўйнашма зулмат.	72
Муқимийга хушхабар.	74
*Мен кезамал нур водийсида.	75
*Инлар ва одамлар.	78
*Аҳдимиз.	80

Қўшиқлар

*Улуг ном.	82
Куйлагайман.	83
Ваъда.	84
*Баҳорингдан.	85
Ер, хуш келибсан.	86
Тўй муборак.	87
Теримда.	88
Кел, деди.	89
Гулман дидрим.	90
Қўшиқчи қизга	92
*Фарғонам.	93
Айтайин.	95
Қўшини қиз.	95
*Қизлар.	97
*Ешлик яллеси	93
*Ишқ ҳаваси.	99
*Биз қизлар.	100
Фазогир йиғит.	101
Ўзбекистон, дейдилар.	103
Сўзланг.	105
Ер деганим шу.	106
*Комсомолман.	107
Баҳор қўшиғи	103
Қўшиғим бор қўшиғим	109
Ишқингда ёниб.	110
Қардош элим	111
Ўргилай.	112
*Ниятим шу.	114

Хоразм.	116
*Гул ишқи.	117
Ойга боқсам.	118
Ёр учун.	119
*Баҳор келди.	120
Уч қанотим.	121
Бевафо ёрга.	122
Чўл қўшиғи	123
Далам.	124
Билганмисиз.	125
*Келинг ёр, кўринг.	125
*Парвона бўлдим.	128
*Ешлик чоғим	130
*Оналар.	131
*Сизмисиз.	132
*Ҳай, гуллар.	133
*Чўлга чироқ ёқдик биз.	134
*Чақалоқлар.	135
*Шунда, дедп.	135
*Бир диёрки.	137
*Ишқида.	139
*Келин салом.	140
*Ед этасанму.	142
*Узингдандир.	143
Ўзбекитоним.	144
*Менинг ишқим.	145
*Ғалабамиз.	145
*Қўшиғимда сен.	148
Бир кўриб кетинг.	150
*Сенинг меҳринг.	151
*Чақирар баҳор.	153
*Тонг ели.	154
*Дўппимиз.	155
Ёр богида.	156
Попшахон.	157

Ҳажвиёт

Миш-миш.	160
«Орзу-ҳавас» ҳангомаси.	162
*Раҳбар ва ходим.	165
Акам бўласиз.	167
Икки нусха.	169

Қоғозлар ва қоғозбозлар.	172
Раиснинг хомчўти.	174
Ҳузуржон Уэржонов калхозда.	176
*Вафосиз ваъда.	178
*Мақтанганнинг уйини кўр	180
*Ҳақ билан ноҳақлик қилдилар мажлис	182
*Чўнтак қоқар.	184
Мунча қўлга қарайсан.	186
Оганигизга чим босинг.	187
Энди ҳушёр қилди тўй.	188
Онасининг боласи.	190
«Мажлис бор бизда...».	193
Узим тушдим тузоққа.	195
Чўнтаккинам тўлса бас.	197
Тўй можароси.	199
Сўфи эдилар.	202
Елимжон.	203
Нодирий ва Ботирий.	205
Қайнана ялласи.	207
Эрка қизнинг авжи.	209
Ухшатмасдан учратмас.	211
Қўнғироқ.	213
*Иғвогар.	215
*Хожаройнинг уч ҳолати.	217
Янгича нусха	220

Балладалар

*Хижолатда қолдим рашк қилиб.	222
*Кўриб қолдим олма тағида.	226
Украиналик келинчак.	232

Болаларга

Китоб.	242
Ака-ука.	244
*Икки ўртоқ.	245
Хом сув.	247
*Мард наслларимиз.	249
*Салимнинг тиши.	250
Ким айбдор.	251
Эркин уялиб қолди.	253
Китоб эсдан чиқару.	255

Ғайрат ва Омон.	257
*Келар кичкинтайлар.	259
Етмиш ҳунар экан кам.	260
Соғинишиб қоламиз.	261
Қўғирчоқ ўрток.	262
Дилбар нега хафа.	263
*Воғимиз.	264
Катта бўлсам.	265
*Келажакка бораман.	267
*Иш билмас ва иш қилмас бола ҳақида эртак.	269

*©Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва саяҳат нашриёти, 1977

Уткир Рашид (Гашидов)

ПЕСНЯ ГОДЫ

Стихи, песни, сатира, баллады, детям

Редактор А. Шаропов

Рассом Д. Афукеншиди, Т. Сайдуллаев

Расмлар редактори А. Бобров

Техн. редактор Т. Смирнова

Корректор Ш. Соатова

Босмахонага берилди 10/XII-1976 й. Босишга рухсат
эрилди 1/III-1977 й. Формати 70×90^{1/32}. Босма л. 8,75.
Шартли босма л. 12,25. Нашр л. 7,34. Тиражи 10000.
Р. 09130. Гафур Гулом номдаги Адабиёт ва санъат
нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома
№ 199-75.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Нашриётлар,
полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича Давлат
комитетининг 2-нчи босмахонасида № 1 қўғозга босил-
ди. Янгийул, Самарқанд кўчаси, 44. Заказ № 42.
Баҳоси 1 с. 5 т.

Рашид Уткир.

Йиллар қўшиғи. Шеърлар, қўшиқлар, ҳажвийёт, балладалар, болаларга. Т., «Адабиёт ва санъат нашриёти», 1977. 280 б.

Ўзбек совет шеърлигида қирқ йилдан буён қалам тебратиб келаётган Уткир Рашиднинг ўқувчилар ҳам шоир, ҳам қўшиқчи сифатида танилди. Унинг болалар ҳаётидан олиб ёзганлари ҳам кичкинтойларнинг севимли асарларига айланган. «Йиллар қўшиғи» номли ушбу китобга шоирнинг турли йилларда яратган шеър, қўшиқлари, ҳажвий ҳамда болаларга аталган асарлари киритилди.

Рашид Уткир. Песня годы. Стихи, песни,
юмор, баллады, детям.

Ўз2